

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ГУЛЧЕҲРА НАВРЎЗОВА

НАҚШБАНД
РУБОИЙЛАРИ
ФАЛСАФАСИ



«Фан» нашриёти
Тошкент 2025

УЎК 28-335-9
КБК 86.38+87.3
Н 14

Гулчеҳра Наврўзова

Нақшбанд рубойлари фалсафаси. [Монография] / Г.Наврўзова.
– Тошкент: «Фан» нашриёти, 2025. – 184 бет.

Масъул муҳаррир

А.О. Болтаев – фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Тақризчилар:

Э.Х. Зойиров – фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Х.Х. Раҳматова – фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор

Монографияда жаҳоншумул Нақшбандия тасаввуфий таълимотининг асосчиси, Баҳоуддин, Шоҳ Нақшбанд, Хожаи Бузург, Намаки Машойих номлари билан машҳур, Бухорои Шарифнинг еттинчи пири Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318–1389) маънавий меросининг янги қиррасини ёритувчи манба «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» аса-рида жамланган рубойлар фалсафий таҳлил этилган.

Монография тадқиқотчилар ва тасаввуф билан қизиқувчи китоб-хонлар учун мўлжалланган.

*Монография Бухоро муҳандислик-технология институти илмий
кенгашининг 2025 йил 1 февралдаги 7-сонли баённомаси
асосида нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-6805-5-5

© Г.Н. Наврўзова, 2025
© «Фан» нашриёти, 2025

КИРИШ

Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун аждодларимиз яратган маънавий дурдоналардан фойдаланиш яхши самара беради. Маънавий меросимизнинг қимматбаҳо хазиналаридан бири тасаввуфий манбалардир. Тасаввуфнинг меъёрдаги энг мақбул камолот йўлларида бири жаҳоний тариқатга айланган Нақшбандиядир. Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд номи билан машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318–1389) маънавий меросининг баркамол авлодни тарбиялашда аҳамияти катта.

Баҳоуддин Нақшбанд тарихда Нақшбандия тариқати ва таълимотининг асосчиси сифатида маълум бўлган. Аммо Бухоройи Шарифни оламга танитган валий ва ориф Баҳоуддин Нақшбанддан ёзма мерос қолганми ёки йўқми, деган масала тасаввуфшунос олимлар ўртасида алоҳида муаммо бўлиб келяпти. Бу ҳақда ҳозирги кунгача икки хил қараш мавжуд: биринчиси, Ҳазрат Баҳоуддин ўзидан кейин ҳеч қандай ёзма манба қолдирмаган деган фикрдир. Нақшбандия тариқатини махсус ўрганган тожик файласуф олими Аҳмаджон Муҳаммадхўжаев – «Баҳоуддин не оставил после себя никакого письменного наследия» («Баҳоуддин ўзидан кейин ҳеч қандай ёзма мерос қолдирмаган»)¹, деган бўлса, шарқшунос олим О.Ф. Акимускин² ҳам худди шундай хулоса қилган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг Туркияда нашр этилган «Қомус ул-аълум» асарида «Ҳаётнома» ва «Далил-ул ошиқийн» номли китоблари борлиги қайд этилган. Қомус Бухоро Давлат музей қўриқхонасида 10682/11 рақам билан сақланмоқда. Унинг иккинчи томидаги Баҳоуддин Нақшбандга оид маълумотларда: «Ҳазрат Хожанинг «Ҳаётнома» манзумаси ва «Далил – ул ошиқийн» номи билан тасаввуфга доир бир китоби бордир»³, деб ёзилган. Шайх Муҳаммад Ҳишам Каббоний 1995 йил Чикагода инглиз тилида нашр этган «Нақшбандия сўфийлик йўли тарихи. Валийлар сил-

¹ Мухаммедходжаев А. Идеология накшбандизма. – Душанбе: «Дониш», 1991.

² Акимускин О. Нақшбанд Бахауддин. Ислам. Энциклопедический словарь. М.Наука. 1991. с. 186.

³ Шамсиддин Сомий. Қомус ал-аълум. – Истанбул. 1312 ҳ.й.

силаси бўйича маълумотлар» асарида Баҳоуддин Нақшбанднинг «Ал-Аврод-ал Нақшбандия», «Ҳадият ас-соликин ва тўхфат ат-толибин», «Танбеҳ ал-ғофилин» ва «Маслак ул-анвор» китоблари бор ва улар Истанбулда сақланмоқда», дея маълумот беради.⁴

Биз бу масала юзасидан узоқ муддат изланишлар олиб бордик ва сўнгги хулосага келдик. Дарҳақиқат, Ҳазрат Баҳоуддиндан ёзма мерос қолган. Фақат номлари зикр қилинган «Ҳаётнома» ва «Далил ул ошиқийн» эмас. Чунки тадқиқотларимиз давомида жаҳондаги энг нуфузли кутубхоналарда ҳам бу икки китоб мавжудлиги ва сақланаётганлиги тўғрисида бирон-бир маълумотга эга бўла олмадик. Шайх Каббоний тилга олган китоблар Истанбулда сақланаётганлиги айtilган бўлса-да, айнан қайси кутубхона ё белгили жойда эканлиги кўрсатилмагани учун булар ҳақида ҳам жўяли маълумот ола билмадик. Бизнинг тадқиқотларимиз натижасида аниқланган китоб – Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд таълиф этган «Аврод» номли рисоладир. Бу асар ҳақида етарли маълумотлар бор.

1954 йилда Истанбулда нашрдан чиққан турк тилидаги «Ислом энциклопедияси»нинг 9-томида Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида Таҳсин Ёзувчининг мақоласи берилган. Унда: «Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод»идан **(таъкид бизники – Г.Н.)** ва халифаси Порсо тарафидан ёзилган «Рисолаи қудсия» ва бошқа таржимаи ҳол билан боғлиқ манбалардан ташқари ҳеч қандай асарлари учрамаяпти»⁵, деб ёзилган. «Қомус ул-аълум» энциклопедиясининг олдинги нашри Истанбулда нашр этилган бўлса-да, лекин Таҳсин Ёзувчи ундаги маълумотни келтирмаган. Фақат Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод» номли асари борлигини ёзиб қолдирган, холос. Таҳсин Ёзувчи ўз фикрининг исботи учун шундай ёзади: «Ал-Авроди Баҳоия» номи билан маълум бу «Аврод» нинг Маъмун бин Аҳмад бин Иброҳим ал-Турнавий ва Муҳаммад бин Мустафо ал-Ходимий тарафидан ёзилган икки шарҳи бордир».⁶

«Ислом энциклопедияси»да келтирилган маълумотлардан қуйидагилар аниқланади: Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод» ном-

⁴ Shakh Muhammad Hisam Kabbani. The Naqshband i Sofi way / History and Euidebook if the Saints of Golden Chain-Chicado: Kazi Pubi: cations, ins, 1995.

⁵ Таҳсин Ёзувчи, Нақшбанд Ислом энциклопедияси. – Истанбул, 1954. 53-бет.

⁶ Ўша жойда.

ли асари «Ал-Аврод ал-Баҳоия» номи билан маълум ва машхур бўлгани учун унга шарҳлар ёзилган.

Бизнинг тадқиқотларимиз «Аврод» асарининг қўлёзма нусхаси сақлангани ва бу асарга ёзилган яна иккита шарҳнинг мавжудлигини аниқлашга имкон берди. Биринчидан, «Аврод» асарининг ушбу нусхаси тўғрисида батафсил тўхталмоқчимиз.

Москвадаги «Наука» нашриёти собиқ шўролар иттифоқи Фанлар Академияси қошидаги Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида сақланаётган қўлёзмалар ҳақидаги қисқа каталогини «Арабские рукописи института Востоковедения Академия Наук СССР» номи билан икки қисмда нашр этди. Унинг биринчи қисмида 3464 ва 3465 тартиб рақамлари, В3829 ва А1539 шифр остида Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд ал-Бухорийнинг (Вафоти 791/1389) «Аврод» номли асари сақланаётганлиги кўрсатилади.⁷ Асар номи зикр этилгандан кейин А.Б. Холидов таълиф маъносини билдирувчи белгини қўйиб, «Баҳоуддин Нақшбанд» исмини ёзган. Бу билан «Аврод»нинг муаллифи Баҳоуддин Нақшбанд эканлигини таъкидлаган.

Баҳоуддин Нақшбанд «Аврод» асарининг В3829 шифр билан сақланаётган қўлёзма нусхаси 756-89а варақларида сақланган. Бу нусха ҳижрий 1287, милодий 1870/71 йилда Волга бўйига қўчирилган. Авроднинг А1539 шифрли нусхаси эса 256-44а варақларда ёзилган қўлёзмада сақланмоқда.

Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод» рисоласи борлигини аниқлагандан сўнг уни араб тилидан таржима қилиб, изоҳ ва шарҳлар билан нашр этдик.⁸

Шунингдек, Баҳоуддин Нақшбанддан сақланган ҳикматли сўзларни манбалар асосида аниқлаб, тартибга келтириб ўзбек ва инглиз тилларида нашр этганмиз.⁹ Дарҳақиқат, манбаларда Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳикматли сўзлари ҳақида маълумотлар кел-

⁷ «Арабские рукописи Востоковедения Академии Наук СССР», (Краткий каталог) под. ред. Халидова А.Б. Наука Москва. 1986. ст 171.

⁸ Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (тўлдирилган иккинчи нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи, таржимон Г.Н. Наврўзова. – Т.: «Sano standart» нашриёти, 2019. 112 б.

⁹ Баҳоуддин Нақшбанд. Ҳикматли сўзлар. Bahouddin Nakshband. Words of wisdom. Ҳикматли сўзларни тўпловчи ва мақолалар муаллифи. Г.Н. Наврўзова, Ҳикматли сўзларни инглиз тилига таржима этувчи З.Расулов. «Sadriddin Salim Buxoriy». «Durдона» nashriyoti. 2020. 52 б.

тирилган.¹⁰ Мақомотда «Баҳоуддин Нақшбанднинг ибратли калималаридан» келтирилган.¹¹ Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи халифалари Муҳаммад Порсо «Рисолаи Қудсия» асарида Баҳоуддин Нақшбанднинг маърифатга оид қимматли сўзларни жамлаб шарҳлар ёзган.¹² Баҳоуддиннинг тўртинчи халифаси Яъқуби Чархийнинг «Рисолаи унсия» асарида ҳам Баҳоуддин Нақшбанд маънавий мероси ҳақида сўз боради ва унинг ҳикматли сўзлари келтирилади.¹³ Умуман тадқиқотларимиз натижасида Баҳоуддин Нақшбанднинг 250 дан ортиқ ҳикматли сўзлари борлигини аниқладик.¹⁴

Баҳоуддин Нақшбанд ўзи асослаган Нақшбандия камолот йўлининг асоси сифатида 11 рашҳани киритган.¹⁵ Бу тамойилларнинг учтаси «Вуқуфи замоний»¹⁶, «Вуқуфи ададий» ва «Вуқуфи қалбий»ни Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзи кашф этган.¹⁷ Нақшбандия таълимоти хушёрлик йўли сифатида энг мақбул камолот йўли бўлиб, жаҳон миқёсида тарқалишига сабаб бўлган.¹⁸ Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги асосий манбаар «Маноқиб»,¹⁹ «Мақомот»,²⁰ шогирдлари Муҳаммад

¹⁰ Баҳоуддин Нақшбанд. (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г.Н. Наврўзова. – Т.: «Sano standart» нашриёти, 2019. 256 б.

¹¹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсидан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 114–157-бетлар.

¹² Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. – Душанбе: 2017. 93–156-бетлар.

¹³ Яъқуб Чархий. Рисолаи унсия. (Дўстона суҳбат). Таржимон ва шарҳлар муаллифи. С.Раҳмонов. Самарқанд: «Самарқанд давлат чет тиллар университети» нашриёти, 2022. 78 б.

¹⁴ Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Фан, 2021. 144-бет.

¹⁵ Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан, 2005. – 233 б., Наврўзова Г. Н. Нақшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан, 2007. – 189 б.,

¹⁶ Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанднинг «Вуқуфи замоний тамойили». Фалсафа ва ҳуқуқ. Ижтимоий – сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий журнал. 2022. №2 32-34 б.

¹⁷ Фахруддин Али Сафий. Рашаоту айнил-ҳаёт («Обиҳаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. Масъул муҳаррир: а Б.Умрзоқ (ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. – 536 б.

¹⁸ Наврўзова Г.Н. «Хуш дар дам» тамойили ва билиш масалалари. Фалсафа ва ҳуқуқ. 2023. №2. 42–44-б., Наврўзова Г.Н. «Хуш дар дам» тамойили: фалсафий таҳлил. Scientific forum: theory and practice of research III International scientific and theoretical conference. 10 march, 2023. С.171–173., Наврўзова Г.Н. «Dam – bu damdir» // Тафаккур. 2019. 3-сон. 119–121-бет. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – хушёрлик йўли. – Т.: Фан, 2024. 184 б.

¹⁹ Салоҳиддин ибн Муборак ал-Бухорий. Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин. Бухоро музейи 27772/11 қўлёзма 168 в.

²⁰ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсидан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 335 б.

Порсо,²¹ Яъқуби Чархий²² ёзган рисолалар, Абдурахмон Жомий,²³ Алишер Навоий²⁴ ва «Рашаҳот»²⁵ асарларидир. Бу манбаларда Баҳоуддин Нақшбанддан рубоийлар сақланганлиги ҳақида жуда қисқа маълумот берилган. Бизларнинг тадқиқотларимиз,²⁶ Сайфиддин Сайфуллоҳ²⁷ ва Эргаш Очиловлар²⁸ асарларида ҳам бешта рубоий ҳақида ёзилган. Аммо илоҳий марҳамат ва мадади билан Баҳоуддин Нақшбанд рубоийнавис шоир эканлиги ҳақида янги манба топилди.²⁹ Покистоннинг Лаҳор шаҳрида 1997 йилда нашр этилган «Рубоийети Хожа Нақшбанд» асарида Баҳоуддин Нақшбанднинг 137 рубоийси жамланган. Муҳаммад Содик Қусурий рубоийларни жамлаб, урду тилида шарҳ этган.³⁰ Биз манбадаги рубоийларни мазмун-моҳиятига қараб фалсафий таҳлил этиш учун тушуниш, англаш, шарҳлаш ва тушунтиришда герменевтик услубдан фойдаландик.

«Рубоийети Хожа Нақшбанд» асарини топишга ёрдам берган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Илмий тадқиқотлар бўлими бошлиғи, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим Меҳрожиддин Амоновга миннатдорчилик изҳор қиламиз.

²¹ Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. Душанбе: 2017. 93–456-бетлар.

²² Яъқуб Чархий. Рисолаи унсия. (Дўстона суҳбат). Таржимон ва шарҳлар муаллифи. С. Раҳмонов. Самарқанд: «Самарқанд давлат чет тиллар университети» нашриёти, 2022. 78 б.

²³ Абдурахмон Жомий. Нафаҳот ул-унс. – Тошкент: Порсева, 1915. – 616 с.

Абдурахмон Жомий. Тухфату-л-ахрор. – Лакҳнав: Нувил Кишур, 1908. 26–27 с.

²⁴ Алишер Навоий. Ҳайратул аброр/Хамса тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 6 жилд. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2011. 82–85-бетлар. Наврўзова Г.Н. Шоҳ Нақшбанд Алишер тавсифида. *Islom tafakkuri (Maxsus son)*, 2021. 3–9 бет.

²⁵ Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Обиҳаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. Масъул муҳаррир: Б.Умрзоқ (ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. 28-42, 78–82-бетлар.

²⁶ Баҳоуддин Нақшбанд. (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г.Н. Наврўзова. – Т.: «Sano standart» нашриёти, 2019. 256 б.

Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан, 2005. – 233 б.

Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан, 2007. – 189 б.

Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Фан, 2021. – 244 б.

Navruzova G.N. Bahauddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). *Islom tafakkuri (Maxsus son)*, 2020. 5–8-б.

²⁷ Сайфиддин Сайфуллоҳ, Ҳазрати Нақшбанд рубоийлари. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. 20 б.

²⁸ Донишмандлар тухфаси: Рубоийлар/ таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Эргаш Очилов. – Т.: «O'ZBEKISTON» 2009. – 400 б.

²⁹ رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۱۸۴

³⁰ رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۱۸۴


Урду тилида ёзилган асарнинг «Муқаддима» қисмини филология фанлари доктори (PhD), Тошкент давлат шарқшунослик университети «Урду тили, адабиёти, Покистон маданияти ва тарихи» кафедраси мудир Шарахметова Мухлиса Ансоридиновна таржима этишга ёрдам бердилар. Қўлёзма матнини ўқишда Болтаев Абдурахим, Жўраева Раъно, Саъдуллаева Саида ва Ақобирова Дилбарлар кўмаклашдилар. Бунинг учун уларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Монографияда Баҳоуддин Нақшбанд рубойлари жамланган «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» манбаси ва бу асарни тартибга келтириб, рубойларни урду тилига шарҳлаган Муҳаммад Содиқ Қусурий ҳақида маълумот берилган. Манбанинг таҳлили асосида Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросининг янги қирраси – унинг рубойнавис эканлиги асосланиб, рубойлар мазмун-моҳиятига қараб таснифланган. Шунингдек, «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асари Шоҳ Нақшбанднинг янги фазилатлари – бетакрор, илмли шайх эканлиги, унинг ҳиммати ва жасорати очиб берилган. Баҳоуддиннинг фазили ва марҳамати билан бутун дунё барака топганлигининг асослари кўрсатилган.

Монографияда рубойларнинг таҳлили асосида Баҳоуддин Нақшбанднинг илмга оид қарашларининг янги қирралари: ишорат илми ва ирфонга оид ғоялари ёритилган. Шунингдек, рубойларда инсон тушунчасининг фалсафий моҳияти, инсон борлиги, ўзликни англаш ва бутун борлиқ билан уйғунлик масалалари ёритилган.

Баҳоуддин Нақшбанд рубойларида инсон руҳий мувозанатининг асоси бўла оладиган тавба, ризқ, умид, инсоннинг камолотига ёрдам берадиган шукроналик ва камтаринлик фазилатлари таҳлил этилган. Нақшбандия таълимотининг ўзига хос томонлари ёритилиб, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд рубойлари қиёсий таҳлил этилган.

I БОБ. РУБОИЎТИ НАҚШБАНД



عجایات نقشبند

محمّد صادق قصوری

المدینہ پبلیکیشنز

4- یوسف مارکیٹ • غزنی سٹریٹ • 38- اُردو بازار- لاہور • فون: 7320682

جملہ حقوق بحق مرتب و شارح محفوظ ہیں

نام کتاب	: رباعیات خواجہ نقشبند <small>رحمۃ اللہ علیہ</small>
مرتب و شارح	: محمد صادق قصوری
آغاز ترتیب و شرح	: 8 ذوالحجہ 1411ھ / 21 جون 1991ء بروز جمعہ المبارک
تاریخ تکمیل بمع نظر ثانی	: 12 شعبان 1413ھ / 5 فروری 1993ء جمعہ المبارک
سن طباعت	: جون 1997ء
تعداد	: 1100
صفحات	: 184
ہدیہ	: 60 روپے
بتعاون	: مرکزی مجلس امیر ملت، برج کلاں ضلع قصور۔ 55051
ناشر	: المدینہ پبلی کیشنز یوسف مارکیٹ، غزنی سٹریٹ 38۔ اردو بازار لاہور فون: 7320682

رباعی (۲) (جنت کشودن بستگی)

اے رب ذوالجلال وے بار خدا تاچند روم در بدر چلبجا
یاخانہ امید مرا در بند یا قفل مہمت مرا در بکشا

اے خدائے ذوالجلال! کب تک در بدر اور جگہ بہ جگہ پھرتا رہوں۔ یا تو میری امید کے گھر کا دروازہ بند کر دے یا میری مہمت کا قفل (تالا) کھول دے۔ اے اللہ! تو صاحب جلال و عظمت ہے۔ مجھے در بدر، جگہ بہ جگہ نہ پھرائیے۔ تو اپنی امید دلانے والا اور امیدوں کو پورا کرنے والا ہے۔ یا تو مرے دل سے امید ہی نکل دے یا جو مہمت میری امید کے برلانے کے راستہ میں حائل ہیں ان کو دور کر دیجئے۔ ان مہمت کا قفل کھول دیجئے۔ یعنی ان مہمت پر غالب آنے کی توفیق عطا فرما۔

امیدوں کی جھولی کو بھرا کر دے جو بے نور ہیں ان کو بانور کر دے
تیرے لئے کوئی مشکل نہیں ہے جو کائنات ہوں رستے میں تو دور کر دے
ترے حضور جو دست دعا کیا ہے دراز مرے خدا! تو مجھے خیر و مہمت سے نواز
تو میری روح کو صحت سے 'ذہن و دل' کو سکون تو میرے نفس کی تطہیر کر کہ ہوں ممتاز
گنہگار ہوں، بخشش کا تجھ سے طالب ہوں ترا کرم ہو تو مجھ پہ کرم کا در ہو باز
مرا یقین ہے حکم کہ تو ہی رازق ہے ترے سوا ہے بھلا کون لست کا دم ساز
کیفی حیدر آبادی (تلمیذ داغ دہلوی) کہتے ہیں۔

اللہ! مرا دامن مقصد بھر دے تو رائی کو گر چاہے تو پریت کر دے
کچھ اس کے سوا میری نہیں ہے خواہش غفلت کے مرے دل سے اٹھالے پر دے

رباعی

(۱)

اے ذات تو برتر زشناسائی ما وصف تو بروں زصد گویائی ما
حمد تو چنل است کہ خودے گوئی بیواسطہ عبارت آرائی ما

اے خداوند کریم! اے دارین کے پیدا کرنے والے! اے تمام مخلوق کو روزی دینے والے! اے مخلوق کو ہر طرح سے آرام و آسائش دینے والے! اے خالق! اے مالک رب رحیم! اے اللہ کریم! تیری ذات میری شناخت سے بہت بالاتر ہے۔ میں کیا اور مری بساط کیا کہ جو اس کی حقیقت تک پہنچ سکوں۔ میں تیری ذات والا صفات کو کماحقہ شناخت نہیں کر سکتا جبکہ حضور علیہ الصلوٰۃ والسلام فخر آدم سید دو عالم شافع عالم، باعث ایجاد عالم، محبوب رب دو عالم ﷺ یہ ارشاد فرمائیں۔ کہ ماعرفناک حق معرفتک میں تیری ذات کو مولیٰ کریم کماحقہ شناخت نہیں کر سکا۔ تو پھر دو سرا کون ہے جو شناخت کر سکے؟ انسان محدود عقل، محدود علم اور محدود عمر رکھتا ہے۔ چند روزہ حیات مستعار رکھتا ہے۔ مخلوق حادث ہے۔ ذات مولیٰ کریم ازلی، ابدی، قدیم، حی و قیوم، علیم و خبیر، سمیع و بصیر ہے۔ اس لئے محدود، غیر محدود کو حادث، قدیم کو کس طرح محیط ہو سکتا ہے۔ اس لئے اپنے عجز معرفت کا اعتراف کر کے تسلیم کرتے ہیں کہ اے رب کریم و قدیم، رحیم و قیوم تیری ذات کسی انسان کی شناخت سے بہت برتر اور اعلیٰ ہے اور کوئی انسان تیرے اوصاف بیان کرنے کی طاقت نہیں رکھتا۔ تیری حمد و ثناء کی بابت کیا عرض کروں کہ تو خود فرماتا ہے۔ ”میری ذات عبارت آرائی سے بہت اعلیٰ ہے۔“ گویا انسان نہ تو خداوند کریم کی قدرت کی کماحقہ شناخت حاصل کر سکتا ہے نہ ہی اس کی ذات کی۔ نہ ہی مولا کریم کے اوصاف بیان ہو سکتے ہیں۔ نہ ہی اس کی حمد ختم ہو سکتی ہے۔ کس کس قدرت کو سمجھے اور کس کس وصف کی صفت بیان کرے۔۔

صدیوں تراشتے رہے الفاظ کے صنم قاصر رہے مگر تری حمد و ثنا سے ہم

1.1. Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросининг янги қирраси

Манба ва тадқиқотларда Баҳоуддин Нақшбанддан насрий мерос билан биргаликда назмий мерос сақланганлиги ҳақида маълумотлар берилган. Сайфиддин Сайфуллоҳ Баҳоуддин Нақшбанднинг бешта рубойиси борлигини аниқлаб, асл арабий графикасидаги форс тили ва таржима нусхаларини тўплаб, рисола ҳолатида нашр этган.³¹ Биз ҳам Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги рисоламиз охирида у кишига мансуб тўрт рубойини ўзбек тилида киритганмиз.³² Ушбу тўрт рубойи Эргаш Очилов жамлаган асардан олинган.³³

Хуршид Давроннинг кутубхонаси сайтида «Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳикматлари» билан бирга учта рубойлари ўзбек тилида киритилган. Адабиётларнинг қиёсий таҳлили кўрсатадики, Баҳоуддин Нақшбанд рубойлари ҳақида маълумот жуда оз ва у киши маънавий меросининг бу қирраси деярли ўрганилмаган.

Бизни қувонтирадиган илмий янгилик шундаки, Баҳоуддин Нақшбанд рубойлари жамланган манбани топдик.³⁴ Манбада китобнинг номи «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» ва уни тартибга келтириб, шарҳ этган олимнинг исми Муҳаммад Содиқ Қусурий эканлиги қайд этилган. Асарни тартибга келтириш ва шарҳ этиш ҳижрий 1411 йил Зулҳижжанинг 8-куни – милодий 1991 йил 21 июнда муборак жумъа кунида бошлангани таъкидланган. Ҳижрий 1413 йил Шаъбон ойининг 12-куни – милодий 1993 йил 5-феврал муборак жумъа кунида тўлдирилган. Асар 1997 йил Лаҳор шаҳрида «Публикишниз» нашриётида 1100 нусхада чоп этилган.

«Рубоиёти Хожа Нақшбанд» 184 саҳифадан иборат. 12–39-бетларда «Муқаддима» ёзилгандир. Унинг муаллифи Ҳазрат профессор Сайид Муҳаммад Зокир Ҳусайн Шоҳ Соҳиб Чиштий Сиалвий Мад Зиллий (Равалпинди) дир. «Муқаддима»да аллома Муҳаммад Содиқ Қусурий ҳаёти, асарлари ва Баҳоуддин Нақшбанд рубойи-

³¹ Сайфиддин Сайфуллоҳ, Ҳазрати Нақшбанд рубойлари. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. 10–19-бетлар.

³² Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд. (Рисола). – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти, 2011. 19-бет.

³³ Донишмандлар туҳфаси: Рубойлар / таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Эргаш Очилов. – Т.: «O'ZBEKISTON» 2009. 278-бет.

³⁴ ربايعات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدينية پبليکیشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۱۸۴

ларига берган шарҳларининг мазмун-моҳияти очилган. «Муқаддима»нинг 13–14-бетларида «Ҳазрат Шоҳ Нақшбанд» ҳаёти ва фаолияти ҳақида қисқача маълумот берилган. Хожа Нақшбанднинг Ҳофиз Шерозий билан муносабати, рубоийларининг юксак маҳорат билан ёзилганлиги қайд этилган.

Асарнинг 40-бетидан 182-бетигача Баҳоуддин Нақшбанднинг 137 рубоийси форс тилида, араб графикасида ёзилган. Ҳар бир рубоий рақамлаштирилган ва пастида урду тилида унга шарҳ ёзилган. Китобнинг охиридаги 183-бетида Баҳоуддин Нақшбандни валийликнинг 3 нишонаси ҳақидаги шеър ёзилган ва унга шарҳ берилган. Умуман манба урду тилида бўлиб, фақат рубоийлар форс тилида келтирилган. Манбадан маълум бўладиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг 137 рубоийлари бор экан. Бу Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросининг янги қиррасини намоён этади ва уларни ўрганиш вазифасини қўяди.

«Муқаддима»нинг таҳлили бу асарнинг қийматини аниқлаш имкониятини берди. Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларини жамлаб шарҳлаган Муҳаммад Содик Қусурий ўз даврининг алломаси ва адиби экан. У кишининг 21 асари борлиги ва 922 бетдан иборат «Тазикира-е-Нақшбандия хайрия» асари жуда машҳурлиги таъкидланган.

Манбанинг таҳлилидан маълум бўладиги, «Муқаддима»ни ёзган муаллиф Ҳазрат Нақшбандга ихлоси чексиз бўлган. У хасталик чоғида рубоийларни ўқиб, ҳар бир рубоий устида соатлаб ўтирганини ёзади. «Бир қанча рубоийларнинг кенг маънолари мени, Худо биледи, қаерларга олиб кетди. Баъзи рубоийлар қалбим ва хаёлимда ҳафталарча қолди. Айрим рубоийларни ўқигач, ажиб оламга тушиб қолгандек ҳис қилдим ўзимни. Бир неча мартаба ўйладимки, бу рубоийлар 600 йил аввал ёзилаётган пайтда Шоҳ Нақшбандга эргашганлар уларни тинглаганда қалблари қай аҳволда эди? Улар бунини тушунтириб беролмасалар керак».³⁵

«Муқаддима» қисмида бир неча рубоийлар таҳлил этилган ва ҳар бир рубоий мазмунига хос сарлавҳалар қўйилган. «Истаганнинг буюклиги» сарлавҳаси билан манбадаги учинчи рубоий таҳлил этилган.³⁶

³⁵ صحیفه رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاہور الدینیہ پبلیکیشنز ۱۳۹۹۸

³⁶ صحیفه رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاہور الدینیہ پبلیکیشنز ۱۳۹۹۸

يارب ز تو من ترا ميخواهم
افزون ز هزار پادشاه ميخواهم
هر کسی ز درد تو حاجتی ميخواهد
من آمده ام از تو ترا ميخواهم
*Ё раб, зи Ту ман Туро мехоҳам,
Афзун зи ҳазор подшоҳ мехоҳам.
Ҳар касе зи дари Ту ҳоҷате мехоҳад,
Ман омадам аз Ту Туро мехоҳам.*

Мазмуни:

Роббим, мен Сендан фақат Сени истармен,
Минг подшоҳдан афзал истармен.
Ҳар ким Сени даргоҳингдан ҳоҷатини истар,
Мен келганман, Сендан Сени истайман.

Рубоийнинг таҳлили кўрсатадики, Баҳоуддин Нақшбанд Аллоҳга мурожаат қилиб, Унинг муқаддас Ўзлигидан фақат муқаддас Ўзлигини истамоқда. Бу илтижо мингта подшоҳликдан Аллоҳни устун қўяётганлигидан далолат бермоқда. Подшоҳлар ва уларнинг подшоҳликлари Унинг олдига ҳеч нарса эмаслигини Баҳоуддин Нақшбанд таъкидламоқда. Ҳар бир инсон ўз эҳтиёжлари билан Унга мурожаат қилади. Баҳоуддин Нақшбанд Аллоҳга: «Сендан фақат Сени истайман» демоқда. Бу билан у Аллоҳнинг поклиги, гўзаллиги, латифлиги ва зоти сифатини улуғлаб, ўзида ҳам бу сифатлар бўлишини истамоқда. Унинг ризолиги Баҳоуддин Нақшбанднинг истагидир. Чунки бу улуғ зот Аллоҳнинг нақадар буюк эканлигини англамоқда.

Инсон яшар экан унда эҳтиёжлар мавжуд. Инсон маконга, ўлчамга мўҳтож. Баҳоуддин Нақшбанднинг қалби илоҳий чексиз кенгликни истамоқда. Сўнгги мисрада Ундан фақат Уни талаб этиш билан жуда содда ибора орқали буюк дуони қилмоқда.

«Муқаддима»да Баҳоуддин Нақшбанднинг тўққизинчи рубоийси ҳам таҳлил этилган.³⁷

صحيفة رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدينية پبليکیشنز ۹۹۸ ۹۱ ۴۳۷

يا رب تو كريمى كرمتم عام بود
انعام تو بر خلق جهان تام بود
تو صاحب جود و كرم و من مفلس
انعام نما گر وقت انعام بود

*Ё Раб, Ту кариме, карамат ом бувад,
Инъоми Ту бар халқи жаҳон том бувад.
Ту соҳиби жуду караму ман муфлис,
Инъом намо, гар вақти инъом бувад.*

Мазмуни:

Роббим, Сен каримсан ва караминг барчагадир,
Сени жаҳон халқига инъоминг тўладир.
Сен жудду карам соҳибисану мен муфлис,
Инъом қилгин агарда инъом вақтидир.

Бу рубоий орқали Баҳоуддин Нақшбанд Аллоҳнинг бандаларга берадиган мукофотлари чексизлигини, неъматларининг саноғига етиб бўлмаслигини таъкидламоқда. «Муқаддима» муаллифи Аллоҳнинг инсонларга бераётган неъматларни иккига: жисмоний ва маънавийга бўлиш мумкинлигини ёзган.

Дарҳақиқат, инсон вужуди кўплаб танадаги мукофотларни ўз ичига олади. Уларнинг ҳар бири Аллоҳнинг марҳамати, лутфу карамидир. Лекин жисмоний неъматлар абадий эмас, фонийдир. Инсон улардан фақат тириклигида фойдалана олади. Лекин айнан ўша тана инсонни охират учун керакли бўлган эзгу иш, савоб амаллар қилиши учун зарурдир. Аллоҳ берган жисмоний неъматлар ёрдамида маънавий неъматлар Аллоҳ изни ва марҳамати билан вужудга келади. Б.Нақшбанд Аллоҳнинг инъоми, лутфу марҳамати кенглигини рубоийсида тараннум этиб, бандалар қалбига Аллоҳга меҳру муҳаббат уйғотмоқда. Чунки Аллоҳнинг лутфу карами валийларга аёндыр. Б.Нақшбандга хос фазилатлардан бири камтаринлик³⁸ ва шукроналикдир.³⁹ Қаерда ожизлик ҳукм сурса, у ерда ғурур ва тақаббурлик бўлмайди. Аллоҳ кибру ҳавони яхши кўрмайди.

³⁸ Navro'zova G.N. Kamtarinlik ila kamolga yetgan valiy. //Ilm sarchashmalari. 2023. №8. 48-50-бетлар.

³⁹ Наврўзова Г. Шукроналик – инсон камолотининг асоси. //Imom Vuxoriy saboqlari. 2023. №3. 121-123-бетлар.

«Муқаддима»да 12-рақамли рубойи ҳам таҳлил этилган.⁴⁰

الله بفریاد منی بیکس رس

لطف و کرمت یاری منی بیکس رس

هر کس بکسی حضرت خود مینازد

جز حضرت تو ندارد این بیکس کس

Аллоҳ! Ба фарёди мани бекас рас,

Лутфу карамат ёри мани бекас бас.

Ҳар кас ба касе ҳазрати худ менозад,

Жуз ҳазрати Ту надорад ин бекас кас.

Мазмуни:

Аллоҳим, мен ғарибни фарёдига етгин,

Сени лутфу караминг мен ғарибга ёр эрур бас.

Ҳар ким кимгадир дардини айтар,

Сендан ўзга бу кимсага йўқдир ҳеч ким.

Баҳоуддин Нақшбанд бу рубойи билан Аллоҳга муножот қилиб, ўзини Унинг мададисиз ночор эканлиги ва унинг фарёди, оху зорини тинглашини сўрайди. Аллоҳнинг раҳмати ва марҳаматидан умидворлигини айтиб, Ундан раҳм қилиш, қўлидан тутишни илтижо қилади. Менга фақат Сен ва фақат Сен бор деб, Аллоҳга мукамал тарзда илтижо қилади. Охирги мисранинг гўзаллиги Баҳоуддин Нақшбанднинг қалб гўзаллиги нидосидир. Баҳоуддин Нақшбанд «Сенсиз бу йўловчининг ҳеч кими йўқ деб», фоний ва боқий нарсалар Аллоҳданлигини таъкидлайди.

«Муқаддима»да таҳлил этилган яна бир рубойлардан бири 26-рақамли рубойдир:⁴¹

از لطف تو هیچ بنده نومید نشد

مقبول تو جز مقبل جاوید نشد

مهرت بکدام ذره پیوست دمی

کان ذره به از هزار خورشید نشد

صحیفه رباعیات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۵۲۹۹۸

صحیفه رباعیات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۶۷۹۹۸

*Аз лутфи Ту ҳеч банда навмид нашуд,
Мақбули Ту жуз муқбили жовид нашуд.
Меҳрат ба кадом зарра пайваст даме,
К-он зарра беҳ аз ҳазор хуршед бишуд.*

Мазмуни:

Сени лутфингдан ҳеч банда умидсиз бўлмади,
Сени мақбулинг абадий мақбул бўлди.
Сени меҳринг қайси заррага бир дам боғланса,
У зарра минг қуёшдан афзал бўлди.

Баҳоуддин Нақшбанд бу рубоийларида Аллоҳнинг лутфу карамининг чексизлигини таъкидлаб, ҳеч ким Унинг лутфидан ноумид бўлмайди дейди. Аллоҳ кимга назар қилса, уни қабул этса унинг бошига абадий иқбол тожи кийдирилади. Аллоҳ муҳаббати, меҳри тушган бир зарра минг қуёш нуридан афзалроқдир. Чунки Аллоҳнинг муҳри битилган зарра нурининг улуғлиги олдида минглаб қуёшлар сўнади.

«Муқаддима»да 27-рақамли рубоий ҳам таҳлил этилган:⁴²

من بنده عاصيم رضای تو کجاست
تارک دلم نور و صفای تو کجاست
مرا تو بهشت گر بطاعت بخشى
این بيع بود لطف و عطای تو کجاست
*Ман бандаи осиям, ризои Ту қучост?
Торик дилам, нуру сафои Ту қучост?
Моро Ту биҳишт гар ба тоат бахши,
Ин байъ бувад лутфу атои Ту қучост?*

Мазмуни:

Мен осий бандаман, Сени ризолигинг қаерда?
Қалбимда зулмат чўкди, Сенинг нуру сафоинг қаерда?
Бизнинг ибодатимиз махсули жаннатдир,
Бу савдодир, Сени лутфу атоинг қаерда?

۶۸ رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردو بازار لاہور الدینیۃ پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفہ ۴۲

Баҳоуддин Нақшбанд бу рубойлари билан ўзини осий, гуноҳкор банда деб, Аллоҳдан унинг ризолиги қаердалигини сўрайди. Нақшбандия таълимотида Аллоҳ ризолигига эришиш асосий мақсад ва талабдир.⁴³ Баҳоуддин Нақшбанд гуноҳлар банданинг қалбини қорайтиради, Сенинг нуринг унга зиё беради, дейди. Баҳоуддин Нақшбанд агар тоату итоатимиз туфайли бизга жаннатни берсанг, бу савдо бўлмайдими демоқда. Мен Сени неъматинг ва илтифотинг билан фахрланаман, Сени ажру савобинг учун ибодат қилмайман. Баҳоуддин Нақшбанднинг бу сўзлари Робия Адавиянинг илоҳий ишқ билан «Менга жаннатинг ҳам дўзахинг ҳам керак эмас, менга жамолинг керак» деган муножоти билан уйғундир. Баҳоуддин Нақшбанд ҳар бир амалини холис Аллоҳ ризолиги учун қилиши билан барча нақшбандийларга ибрат бўлган ва бу таълимот ҳозирги кунгача «ризо йўли» сифатида тан олинади.

Хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

1. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг янги қирраси унинг ғоялари, ҳикматли сўзлари фақат насрий эмас, балки рубойлар билан ҳам тарғиб этилган.

2. Баҳоуддин Нақшбанддан 137 та рубой сақланганлиги ҳақида Муҳаммад Содик Қусурий томонидан тартибга келтириб, урду тилида шарҳланган «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асари гувоҳлик беради.

3. Рубойлар таҳлили Баҳоуддин Нақшбанднинг маҳорати ва илоҳий ишқ куйчиси эканлигидан далолат беради.

1.2. Баҳоуддин Нақшбанд рубойларини шарҳлаган аллома

Баҳоуддин Нақшбанд маънавий мероси ҳақидаги тадқиқотларда у кишидан рубойлар сақланганлиги ҳақида маълумот жуда оз. Биз яқинда топиш бахтига муяссар бўлган 1997 йилда Покистоннинг Лаҳор шаҳрида нашр этилган «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асарида Баҳоуддин Нақшбанддан 137 та рубой бор-

⁴³ Наврўзова Г.Н. Нақшбандия таълимотида ризо тушунчаси. // *Islom tafakkuri*. 2022. 2-сон. 39–46-бетлар.

лиги маълум бўлди.⁴⁴ Бу асарни тартибга келтирган ва шарҳлаган аллома ва адиб Муҳаммад Содиқ Соҳиб Қусурийдир.

Баҳоуддин Нақшбанднинг маънавий меросига оид манбаларга асосланган тадқиқотларда у кишидан насрий ўғитлар сақланганлиги ҳақида маълумотлар бор.⁴⁵ «Мақомотда» насрий ўғитлари билан бирга назмий парчалар ҳам келтирилган.⁴⁶ «Рисолаи қудсия» ва «Рисолаи унсия» асарида ҳам маънавий мерослари келтирилган.⁴⁷ Биз Баҳоуддин Нақшбанднинг айтган сўзларини жамлаб, инглиз ва ўзбек тилида нашр этиш имкониятига эга бўлдик.⁴⁸ У кишидан сақланган «Аврод» рисоласини ҳам таржима этдик,⁴⁹ ammo рубойлари ҳақида маълумотни етарлича топа олмадик. Сайфиддин Сайфуллоҳ Баҳоуддин Нақшбанднинг 5 та рубойсини,⁵⁰ Эргаш Очилов 4 рубойларини таржима этган.⁵¹

Баҳоуддин Нақшбанддан рубойлар сақланганлиги ҳақидаги маълумот «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асарида берилган. Бу манбада Баҳоуддин Нақшбанддан 137 та рубой борлиги маълум бўлади. Бу асарни тартибга келтирган ва шарҳлаган Муҳаммад Содиқ Соҳиб Қусурийдир. Асарда Қусурий Баҳоуддин Нақшбанд рубойларини ёзиб, урду тилига шарҳлаган. Шарқда Қуръонга тафсир ёзиш ва манбаларни шарҳлаш Ғарб герменевтик методологияси-

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليڪيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۱۸۴

Баҳоуддин Нақшбанд. Рубойлар. – Бухоро: «Дурдона» нашриёти, 2023 – 84 б.

⁴⁵ Баҳоуддин Нақшбанд. (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г.Н. Наврўзова. – Т.: «Sano standart» нашриёти, 2019. 256 б.

Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан, 2005. – 233 б.

Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан, 2007. – 189 б.

Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Фан, 2021. – 244 б.

Navruzova G.N. Bahauddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). Islom tafakkuri (Maxsus son), 2020. 5–8-б.

⁴⁶ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсидан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 335 б.

⁴⁷ Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. Душанбе: 2017. 456 б.

⁴⁸ Баҳоуддин Нақшбанд. Ҳикматли сўзлар. Bahouddin Nakshband. Words of wisdom. Ҳикматли сўзларни тўпловчи ва мақолалар муаллифи. Г.Н. Наврўзова, Ҳикматли сўзларни инглиз тилига таржима этувчи З. Расулов. «Sadriddin Salim Buxoriy». «Durдона» nashriyoti. 2020. 52 б.

⁴⁹ Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (тўлдирилган иккинчи нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи, таржимон Г.Н. Наврўзова. – Т.: «Sano standart» нашриёти, 2019. 112 б.

⁵⁰ Сайфиддин Сайфуллоҳ. Ҳазрати Нақшбанд рубойлари. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. 10–19-бетлар.

⁵¹ Донишмандлар тухфаси: Рубойлар/ таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Эргаш Очилов. – Т.: «O'ZBEKISTON» 2009. 278-бет.

нинг ўзига хос томонидир. Муҳаммад Содиқ Қусурий ҳар бир рубоийни тушуниб, моҳиятини англаб, бизларга тушунарли қилиб баён этиш билан шарқона герменевтик услубдан фойдаланган.

«Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асарининг «Муқаддима»сида Муҳаммад Содиқ Соҳиб Қусурий ҳақида маълумотлар берилган.⁵² Жаноб профессор Саййид Муҳаммад Зокир Хусайин Шоҳ Чишти Сиалви Мад Зилла (Равалпинди) бу асарга «Муқаддима» ёзган.

Аллома Муҳаммад Содиқ Қусурий 1942 йил 19 май, 3 Жумадул-аввал, 1361 ҳижрий йилида, сешанба куни Шаҳобиддин кошоналарида таваллуд топган.⁵³ У кишига Муҳаммад Содиқ деб исм қўйилган. Кейинчалик у киши ўзини уламоларга Муҳаммад Содиқ Қусурий деб таништирган. Чунки туғилган қишлоғи – Бурж-Калон, Қусур туманидир. Милодий 1960 йил, 18 ёшида у Ганда Сингхвала ўрта мактабини тугатган. Сўнгра Саргодҳа қишлоқ хўжалиги департаментида бир йиллик (қишлоқ хўжалиги, дала) курсини битирган. Қусурий 1963 йил 27 июлда Панжоб қишлоқ хўжалиги департаментида меҳнат фаолиятини бошлаган.⁵⁴

Маълумотларнинг гувоҳлик беришича, 1952 йил апрель ойи аввалида у тасаввуф йўлидаги устозга бориб содиқлик қасамини олган⁵⁵ ва авлиёлар билан боғланиш оламига кирган. Бу унинг ҳаётида туб бурилиш ясаб, маънавий оламини юксалтирган, шундан кейин авлиёлар ҳаётини ўрганиб, асарлар ёза бошлаган.

Муҳаммад Содиқ Қусурий адабий фаолияти 1960 йилдан бошланган.⁵⁶ Улар қўлга қалам олиб, газета ва журналларда турли мавзуларда кўплаб мақолалар ёзганлар. Уларнинг адабиёт оламидаги устози Ҳаким Ал-суннат, Аллома Муҳаммад Мусо Амритсаридир. Ҳаким Соҳиб илм дўсти, адабиёт, маърифат ишқибози ва суннат йўлида жонбозлик кўрсатувчи ёзувчи сифатида танилган. Жаноб Қусури уларнинг услубидан жуда таъсирланган. Ҳаким Соҳибнинг таъкидлашича, улар ўзларининг шахсий кутубхонасини ҳам яратган бўлиб, кутубхонада ҳозирда уч мингга яқин китоб мавжуд.

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليڪيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷⁵²

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليڪيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷⁵³

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليڪيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷⁵⁴

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليڪيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷⁵⁵

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليڪيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷⁵⁶

Муҳаммад Содиқ Қусурийдан ҳозиргача йигирма битта китоб сақланган.⁵⁷ Бешта мавзу устида фаол ишлаганлар, маънавий ме-росларининг энг қимматлилари қуйидагилардир:⁵⁸

1. Takmila-e- Tazkira Naqshbandiya – бу Ҳазрат Аллома Нур Бахш Таваккал тазкираларига такмила бўлди.

2. Akabir Tehrik Pakistan – ўқилиши зарур бўлган 3 жилддан иборат маълумотлар китоби.

3. Amir Millat aor un ke Xalfa – Ҳазрати Амир Миллат ва у зот-нинг ворислари ҳолати, уларнинг диний, миллий, илмий ва ада-бий хизматлари ҳақидаги тазкира китоби.

4. Irshadat Amir Millat – Ҳазрат Амир Миллатнинг мақолалари ва ҳикматли сўзларини ўз ичига олган қимматли китобдир.

5. «Tazkira Naqshbahdiya Hayriya» – бу 922 саҳифадан ибо-рат кенг қамровли китоб. Қусурий бу китоб учун қўлидан келган барча ишларни амалга оширган. Муҳсин Аҳле-Суннат ҳазратлари Хожа Абулхайр Муҳаммад Абдуллоҳ жан Мад Зилла Ал-Али, китоб унинг номи билан аталган ва унинг кўрсатмаси билан ёзилган.

6. «Tazkira Xalfay Aala Hazrat» – Фозил Барелвий, Имом Аҳл-е-Суннат, Ҳазрат Мавлоно, Шоҳ Аҳмад Ризохон Қуддус Сара(Сира) халифаларнинг ҳолатлари ва хизматлари ҳақидаги жуда яхши ки-тоб. Жаноб Қусури Мад Зилланинг барча китоблари шу услубда ёзилган.

7. «Markazi majlis Amir Millat» – Ҳазрат Амир Миллат Хожа Пир Саййид Муҳаммад Жамият Али Шоҳ Нақшбандий Мужададий Али бир ишга муҳтож эди. Буюк ёзувчимиз 1977 йилда «Мажлис»-га асос солган. Ўша даврдан то вафотига қадар ушбу муборак уч-рашувга – мажлисга бош бўлган. «Мажлис» Ҳазрат Амир Миллат ҳақида жаноб Қусурий қаламига мансуб тўртта китобни нашр эттирди. Амир Миллат Ҳазратларининг набиралари Ҳазрати Сай-йид Ахтар Ҳусаййн ҳақида ҳам китоб ёзган. «Мажлис» яна учта китобини ҳам нашр эттирди. Ҳазрат Сирож-ул-Миллат Пир Сай-йид Муҳаммад Ҳусаййн Али Пури муаллифлигидаги ва қози Пир Муҳаммад Карам Шоҳ Соҳиб Мад Зилланинг кенг қамровли иши билан бирга нашр этилган «Афзал-ул-Расул» номли сўнгги кито-

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدينية پبليکیشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷⁵⁷

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدينية پبليکیشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷⁵⁸

бининг ташқи ва ички фазилатлари яхши безатилган. Бу китобни нашр этиш ишлари кенг тарқалмоқда.

У, шунингдек, «Анжуман Ғуламан Мустафо Бурж Қалан» (Қусур тумани) асосчиларидан бири ва ҳанузгача радиоэшиттириш котиби. Туман вице-президенти «Жамаът Аҳл-е-суннат Пакистан» ҳам ўз китобларига сўзбоши ва шарҳлар ёзган.

Жаноб профессор Саййид Муҳаммад Зокир Ҳусайин Шоҳ Чишти Сиалви Мад Зилла (Равалпинди) бу асарга ёзган «Муқаддима»сида Қусурийга қуйидагича таъриф берган: «Аллома Муҳаммад Содиқ Соҳиб Қусурий авлиёларнинг хизматлари ҳақида ёзиш шарафига муяссар бўлган адиблардан биридир». ⁵⁹ Бу таърифдан маълум бўладики, Қусурий ўз даврининг алломаси, адиби ва авлиёлар ҳақида асар ёзган мутафаккир экан. Жаноб профессор Саййид Муҳаммад Зокир Ҳусайин Шоҳ Чишти маълумот беришича: «Улар кўп иш ёзганлар, лекин «Тазкира-е-Нақшбандия Хайрия» асарлари алоҳидадир». ⁶⁰ Бу асарга ҳам жаноб профессор Саййид Муҳаммад Зокир Ҳусайин Шоҳ Чишти муқаддима ёзган экан. Муқаддимада ёзилишича: «Аллома Қусурий Мад Зилла олдинга интилди ва улар Саййид Мавлоно Хожа Ҳазрат Саййид Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд – Шоҳ Нақшбанднинг рубойларига урдуча шарҳ ёзиб берди». Маълум бўладики, Қусурий Баҳоуддин Нақшбанд асарларини жамлаб, уларга шарҳ ёзган. Шарҳлар рубой мазмун-моҳиятини тушуниш ва бошқаларга тушунтириш мақсадида ёзилади. Демак, «Рубоийети Хожа Нақшбанд» герменевтик методология асосида ёзилган асардир.

«Муқаддима» муаллифи маълумот беришича, мазкур шарҳ аллома Қусурийга уни тузатиш ва муқаддима ёзиш учун юборилган. Бу воқеа 1992 йил сентябр, декабрь ойларида бўлиб ўтган. ⁶¹ Муаллиф ёзишича, у шу пайтда қаттиқ бетоб бўлиб қолган. Оғриқдан азият чекган ва оғриқнинг шиддати кучли бўлган. Аммо муаллифнинг эътирофи этишича: «Устоз Ҳазрати Нақшбандга чексиз ихлосим бор. Хасталик чоғимда ҳам рубойларни ўқиб чиқдим, рубойлар устида соатлаб ўтирдим. Бир қанча рубойларнинг

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷⁵⁹

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷⁶⁰

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷⁶¹

кенг маънолари мени Худо билади каерларга олиб кетди. Баъзи рубойлар қалбим ва хаёлимда ҳафталарча қолди. Айрим рубойларни ўқигач, ўзимни ажиб оламга тушиб қолгандек ҳис қилдим. Бир неча бор ўйлардимки, бу рубойлар 600 юз йил аввал ёзилаётган пайтда Шоҳ Нақшбандга эргашганлар уларни тинглаганда уларнинг қалби қай аҳволда эди?! Улар буни тушунтириб бера олмаса керак...»⁶² «Муқаддима» муаллифининг бу сўзларидан маълум бўладики, у кишининг Баҳоуддин Нақшбандга ихлослари жуда кучли бўлган ва рубойларининг юксак даражада ёзилганлиги асарни тўла ўқиб чиқиш учун асос бўлган. «Муқаддима» муаллифининг эътирофларидан маълум бўладики, Муҳаммад Содик Қусурий Баҳоуддин Нақшбанд рубойларини жуда яхши англаб, тушуниб, маҳорат билан тушунарли тилда шарҳлаганки, уларнинг мазмун-моҳиятига мафтун бўлиб ҳайратга тушган. Бу Муҳаммад Содик Қусурий рубойларини герменевтик услуб асосида яхши таҳлил этганидан далолат беради. Асардан Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросини фалсафий таҳлил этишнинг методологик асоси сифатида фойдаланиш мумкин.

Юқоридаги тадқиқотлар натижаси асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Баҳоуддин Нақшбанд рубойлари борлиги ҳақида маълумот берувчи манба «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асарини тўплаб, илмий жамоачилик эътиборига ҳавола этган аллома ва адиб Муҳаммад Содик Қусурийдир.

2. Муҳаммад Содик Қусурий герменевтик методология асосида Баҳоуддин Нақшбанднинг 137 рубойсини мазмун-моҳиятини англаб, урду тилига шарҳлаган мутафаккирдир.

3. Муҳаммад Содик Қусурийнинг шарҳлаш маҳоратига асарнинг муқаддимасида ёзилган фикру мулоҳазалар далил бўла олади.

4. «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асаридаги шарҳларни урду тилидан таржима этиб, илмий жамоатчиликка етказиш асосий вазифалардан биридир.

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷ 62

1.3. Рубойлар таснифи

Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш учун илм-фанни жаҳон миқёсида ривожлантириш долзарб масаладир. Фалсафа фанини янги ёндашувлар асосида ўрганиш бу муаммони ечишнинг воситаларидан биридир. Тасаввуф фалсафаси намояндаларининг ҳаёт йўли ва маънавий меросини ўрганиш зарурдир. Тасаввуф дарғаларидан бўлган улуғ инсонлардан бири жаҳоншумул Нақшбандия тариқати ва таълимотини асосчиси Баҳоуддин Нақшбанддир. Бу улуғ инсон ҳақида топилган янги манба – «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асаридаги рубойларнинг мазмун-моҳиятини англаш ва жамоатчиликка етказиш маънавий-маърифий муҳитни яхшилашнинг асосий воситаларидан биридир.

Аллома ва адиб Муҳаммад Содик Қусурий томонидан ёзилган «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асари Баҳоуддин Нақшбанднинг сўфий шоир эканлигидан далолат беради. Шоҳ Нақшбанднинг шеъриятдан хабардор эканликлари манбада қуйидагича таъкидланган: «Ҳазрати Шоҳ Нақшбанд бошқа сўфийлар сингари шеъриятдан ҳам хабардор бўлганлар. Улар рубойларни танладилар ва катта маҳорат билан ўз фикрларини рубойлар доирасига сингдирдилар».⁶³

Бу иқтибосдан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд Ибн Сино, Рудакий, Умар Хайём, Ҳофиз Шерозий, Абусаид Абулхайр, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожа Али Ромитаний, Нажмиддин Кубро, Сайфиддин Боҳарзий, Паҳлавон Маҳмуд ва бошқалар каби рубойлар ёзган шоир экан. Бу улуғ валий рубойлари ҳақида «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асарида қуйидаги эътироф ёзилган: «Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг фикрларини ўз сўзлари билан умумлаштириш орқали инсониятга етказилади. Демак, бу шеър вақтинчалик бўлиб қолмайди, балки абадий ва башоратли баён тарзига айланади».⁶⁴ Биз Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг рубойларини фалсафий таҳлил қилишни бошлашдан олдин бу кўм-кўк гулшан баҳорининг гули раъноларини кўриб ҳайратда қолдирадиган рубой илми санъати ҳақида фикр билдирмоқчимиз.

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷⁶³

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷⁶⁴

Рубоий – бу мураккаб санъат. Рубоийларни теран нигоҳ билан ўрганиш, дил ғунчаларини очади. Унинг изидан бориш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу жуда қисқа шеър, кучли таъриф ва мулоҳаза қилишни талаб этадиган шоирнинг ижодидир. Ҳар бир мисранинг далили кейинги мисра бўлиб, ҳар иккинчи байтда биринчи байтнинг баёни кучаяди. Охирги байт эса мулоҳазага чорлайдиган дурдона ҳисобланади. Шоир бутун сўз маҳоратини бунга сарфлайди.

Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларининг маъноларига назар ташласак, уларнинг мазмун-моҳиятини чуқур мулоҳаза этсак, иймонимиз бутун бўлади, теран фикрлар келади, билим даражамиз юксалади, тасаввуф фалсафаси ҳам ривожланади.

«Рубоийети Хожа Нақшбанд» асарида 137 та Баҳоуддин Нақшбанднинг рубоийлари жамланган ва рақамлаштирилган. Уларнинг барчаси муножот тарзида ёзилган бўлиб, Аллоҳдан унинг лутфу карами ва иноятининг чексизлиги учун миннатдорлик ҳамда умидворлик акс этади. Рубоийларни умумий ҳолда таҳлил этиб, мазмун-моҳиятига қараб қуйидагича тасниф этишни мақбул топдик:

1. Тавҳид. Бу мазмундаги рубоийларда Аллоҳнинг якка-ягоналиги, буюклиги, улуғлиги эътироф этилган. Мазкур рубоийлардан фалсафанинг борлиқ муаммоларини очиб беришда фойдаланиш мумкин. Асардаги 1, 3, 9, 10, 11, 12, 13, 22, 26, 27, 28, 29, 32, 34, 41, 50, 53, 57, 103, 104 рақамли рубоийлар шу мазмундадир.

2. Муҳаммад (с.а.в.) ва унинг оиласига муҳаббат 14, 18, 35, 36, 37, 38, 39 рақамли рубоийларда куйланган.

3. Инсон хусусияти. Бу рубоийларда фалсафанинг антропология мавзусига доир инсон вужуди, тана ва руҳ алоқадорлиги масалалари ёритилган. 9, 48, 61, 112, 114, 115, 119, 129 ва 133 рақамли рубоийларда инсон хусусияти тараннум этилган.

4. Ўзликни англаш. Нақшбандия таълимотидаги маърифатга оид ғоялар 78, 79, 101, 104, 128 рақамли рубоийларда ёритилган.

5. Комил инсон сифатлари 8, 43, 48, 56, 58, 60, 61, 62, 74, 83, 104, 123, 128, 129 рақамли рубоийларда баён этилган.

6. Нафси жиловлаш. Бу масала 5, 51, 86, 115, 118, 120, 133 рақамли рубоийларда тавсифланган.

7. Камтаринлик, тавозеъ 6, 8, 20, 45, 46, 56, 87, 88, 101, 132 рақамли рубойларда баён этилган.

8. Тавба мақоми ва кечиримлилик масаласига 17, 23, 31, 73, 83, 84, 91, 92 ва 117 рақамли рубойлар бағишланган.

9. Ўлим ва қабр масаласи 19, 24, 35, 44, 71, 75 ва 86 рақамли рубойларда ёритиб берилган.

10. Ишқ 72, 73, 55, 58, 63, 64, 67, 69, 70, 76, 81, 85, 106, 107, 109, 110, 114, 122, 125, 130, 131, 134 рақамли рубойларда куйланган.

11. Зикр. 57, 59, 60, 68, 79, 94, 100 рақамли рубойларда Нақшбандияга хос зикр ёритилган.

12. Хавф ва рижо 2, 25, 33, 36, 40, 67, 89, 92, 127 рақамли рубойларда ёзилган.

13. Аллоҳга муножотлар. 4, 7, 15, 16, 20, 21, 42, 47, 49, 95, 97, 98, 102, 105 ва бошқа рубойларда Аллоҳдан турли дард ва хавф-хатардан асраш сўралган.

«Мақомоти Хожа Нақшбанд» асаридаги 103-рақамли рубой тавҳид масаласига бағишланган бўлиб қуйидаги мазмундадир:

از ساعت دل غبار کثرت افتن
به ز آن که بهر زه وحدت سفتن
مغرور سخن مشو که توحید خدا
واحد دیدن بود نه که واحد گفتن

*Аз соати дил ғубори касрат афтан,
Беҳ з-онки ба ҳар зиҳ ваҳдат суфтан.
Мағрури сухан машав, ки тавҳиди Худо,
Воҳид дидан бувад на, ки воҳид гуфтан.*⁶⁵

Мазмуни:

Қалб соатидан касрат ғуборини тозалаш,
Яхшидир ваҳдат ҳақида сўзлашдан.
Сўзингга мағрур бўлмагинки, Аллоҳ тавҳиди,
Воҳид кўришдир, наинки, воҳид айтиш.

Тавҳид нима? Аллоҳ Таолони ёлғиз, шериги йўқ эканлигини англаш тавҳиддир. Асосийси, тавҳидга риоя қилиш ва уни амалий

رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاہور الدینیۃ پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفہ ۴۸ 65

ҳаёт билан тўлдиришдир. Ёдда тутиш лозимки, тавҳид ҳақидаги сўзларингиз билан фахрланмаслик керак, чунки тавҳид Аллоҳни бир деб кўришдан иборат. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларида қалб тўридаги касрат, яъни кўплик ғуборини тозалаш кераклигини таъкидлайдилар. Улуғ Валий воҳид кўриш, воҳид айтишдан устунлиги ва яхшилигини рубоийларида куйлайдилар.

Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуф таълимотидаги энг муҳим хизматларидан яна бири – сон ҳақидаги илмни яратиб, инсон камолотига оид таълимотнинг асосига қўйди. Баҳоуддин Нақшбанд «Вуқуфи ададий» деган рашҳа – ҳаётбахш ўғитни кашф этиб, унга амал этиш лозим, дедилар. «Вуқуфи ададий» – сондан, ададдан огоҳ бўлишдир. Бу таълимот асосида икки тушунча: касрат – кўплик ва ваҳдат – ягоналик ётади. Оламга назар солганда борлиқдаги барча нарсалар ранг-баранг ва турли-туман кўринса-да, уларнинг асл моҳияти биттадир. Баҳоуддин Нақшбанд бирлик, ягоналик, аҳад барча нарсаларда тажаллий этган, акс этган, дейди. Абдураҳмон Жомийнинг «Шарҳи рубоиёти»да Баҳоуддинни «Вуқуфи ададий» таълимоти қуйидагича изоҳланади:

*Дар мазҳаби аҳли кашфу арбоби хирад,
Сорист аҳад дар ҳама афроди адад.
Гарчи адад берун аст зи ҳад,
Лек дар сурату, дар модааш ҳаст аҳад.⁶⁶*

Мазмуни:

Кашф аҳли ва хирад арбоби мазҳабида,
Барча сонларда аҳад(бирлик) намоёндыр.
Сонлар ҳаддан зиёда бўлсалар-да,
Лекин уларнинг сурати ва асли аҳад – ягонандир.

Демак, барча борлиқнинг асл моҳияти битта илоҳий бирлик, яъни аҳадиятдыр, демоқчи Баҳоуддин Нақшбанд. Бу мазмунда унинг шундай фикри бор:

⁶⁶ Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Обиҳаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. Масъул муҳаррир: Б.Умрзоқ (ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. 42-бет.

*Касрат чу нек дарнигори асли ваҳдат аст,
Маро дар ин шак нест, гар туро шак ҳаст.
Дар ҳар рақам бингари аз рӯи эътибор,
Гар сураташ бубини, лек модааш як аст.⁶⁷*

Мазмуни:

Касратга эътибор билан қарасанг асли ваҳдатдир,
Менда бунга шак йўқ, гар сенда шак бўлса-да.
Ҳар бир сонга эътибор билан қарасанг,
Сурати турлича бўлса ҳам, асли биттадир.

Бутун олам ягона асосга эга деган фикр билан Баҳоуддин Нақшбанд бутун борлиқни севиш, эъзозлаб, унга муҳаббат билан муносабатда бўлиш лозим, деб таъкидлаган. Баҳоуддин Нақшбанд бутун инсониятни – унинг дини, ирқи, жинси, миллати, иқтисодий мақеиға қарамасдан илоҳий ҳилқат сифатида кўриш, уни асраш лозим деб, барчани аҳил, тинч, хотиржам, мурсою-мадорада яшашга ундайдилар. Сонлар фалсафасига Пифагордан бери эътибор берилган бўлса-да, Баҳоуддин Нақшбанд «Вуқуфи ададий»ни ладуний илмнинг ибтидоси деб қараган ва сондан огоҳ инсон ладуний илм соҳиби бўлиши мумкинлигини исбот этган.

Асардаги 1-рақамли рубоийда Аллоҳнинг улуғворлиги қуйидагича ёритилган:

ای ذات تو برتر ز ثناء سالی ما
وصف تو بیرون ز حد گویای ما
حمد تو چنان است که خود میگوی
بی واسطه عبارت آرای ما
*Эй зоти Ту бартар зи санои соли мо,
Васфи Ту берун зи ҳадди гўёи мо.
Ҳамди Ту चुнон аст, ки худ мегўи,
Бе воситаи иборат орои мо.⁶⁸*

⁶⁷ Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Обиҳаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Масъул муҳаррир: Б. Умрзоқ (ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. 41-бет.

⁶⁸ رباعیات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۴۰

Мазмуни:

Эй сенинг зотинг башарият ёшидан улуғроқдир,
 Сени васфинг бизни сўзлаш ҳаддимиздан ортиқроқдир.
 Сенинг ҳамдинг ўзинг айтадиган даражададир,
 Бизнинг тавсифлаш санъатимиздан у юксакдир.

Баҳоуддин Нақшбанд бу рубойлари орқали Аллоҳнинг васфи ва ҳамдини айтишга инсоният ақли ожизлик қилишини таъкидламоқда. Аллоҳнинг улуғворлигини англаш учун илоҳийлик даражасида юксалмоқ лозимдир.

Баҳоуддин Нақшбанд 43-рақамли рубойида комил инсон фазилатларини зикр этган. Бу рубойда Баҳоуддин Нақшбанд комил инсоннинг ҳақиқий мусулмон эканлигини таъкидлайди.

ای دل تو مطیع پیچ فرمان نشدی
 واز جرم گناه خود پشیمان نشدی
 مفتی و فقیهی و عالم و دانشمند
 این جمله شدی ولی مسلمان نشدی

*Эй дил, ту мутеъпечи фармон нашуди,
 В-аз журми гуноҳи худ пушаймон нашуди.
 Муфтию, фақиҳию, олиму, донишманд,
 Ин жумла шуди, вале мусулмон нашуди.⁶⁹*

Мазмуни:

Эй юрак, сен ҳеч қандай илоҳий ҳукмга бўйсунмадинг,
 Ўзингни журму гуноҳларингдан пушаймон бўлмадинг.
 Муфти, фақиҳ, олим, донишманд бўлдинг,
 Аммо афсуски, ҳақиқий мусулмон бўлмадинг.

Бу рубойнинг мазмунидан маълум бўладиги, Баҳоуддин Нақшбанд инсонни юрак амрига бўйсунмишга чақиради ва шундай хитоб қилади: «Эй юрак! Сен ҳеч қандай буйруққа бўйсунмадинг ва гуноҳларинг айбига дуч келмадинг. Шундай қилиб, муфтий ҳам бўлдинг, олим ҳам, донишманд ҳам бўлдинг. Буларнинг ҳаммасининг илмини эгаллаб ўзингни ҳикматли қи-

⁶⁹ رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۸۴

либ кўрсатиб қўйдинг, лекин айтгин-чи, мусулмон бўлдингми ёки йўқ?» Шоир Муҳаммад Иқболнинг ҳам шунга ўхшаш мисралари бор:

Сен Саййид ҳам бўл, Мирзо ҳам бўл,
Афғон ҳам бўл, ҳаммаси бўл, лекин мусулмон ҳам бўл!⁷⁰

Баҳоуддин Нақшбанд мусулмон бўлиш, яъни инсониятга эзгулик қилиш энг юксак фазилат эканлигини тан олиб, 87-рақамли рубоийсида мусулмончилиги бўлмаган кишини қуйидагича тавсифлаган:

بر چهره ندارم ز مسلمانی رنگ
دارد شرف بر من سگی فر رنگ
آن رو سیه ام که آنداز روسیهی
دوزخ را ننگ و اهل دوزخ را ننگ
*Бар чеҳра надорам зи мусулмонӣ ранг,
Дорад шараф бар ман саги аҳли фаранг.
Он рӯсияам, ки ондоз рӯсияхе,
Дўзахро нангу аҳли дўзахро нанг.*⁷¹

Мазмуни:

Чехрамда мусулмонликдан йўқдир ранг,
Шарафлидир мендан итким, аҳли фаранг.
Юзи қорадирман, шунчалик қора юзки,
Дўзах ундан уялар ва аҳли дўзах учун нанг.

Бу рубоийдан маълум бўладики, мусулмон бўлмаган инсонни Баҳоуддин Нақшбанд юзи қора ва дўзахийларнинг энг ёмони деб қисоблаган.

Нақшбандия таълимотининг жаҳонга тарқалишига катта хизмат қилган Хожа Аҳрор Валий фаолиятлари моҳиятан ва мазмунан хонақоҳ шайхлари қарашларидан фарқ қиларди. Чунки ул

رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیۃ پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفہ ۷۱ 70

رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیۃ پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفہ ۱۳۰ 71

зот боболари бўлмиш Шайх Умар Боғистонийнинг ўз ўғиллари – Шайх Хованди Тахурга айтган қуйидаги ҳикматли сўзнинг: «Тахур, мулло бўлма, шайх бўлма, сўфи бўлма – мусулмон бўл!»⁷² мазмуни, яъни мусулмон бўлмоқ – ҳақиқий инсон бўлиб, фуқаролар, эл-юрт манфаатлари учун яшамоқ эканлигини ўзлари учун кашф этиб, шунга асосан яшар, уни амалга ошириш учун бениҳоят кўп қиррали фаолият кўрсатар эдилар. Шу жиҳатлар сабабким, Хожа Аҳрорни халқ фуқаролар пушти паноҳи деб эъзозлаган. Ҳотамтойнинг афсонавий одам эканликларини биламиз, лекин саховатпеша Хожа Аҳрор Валий ва у кишининг хизматлари тарихий ҳақиқатдир.

Юқоридаги муҳокама ва натижалар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асари Баҳоуддин Нақшбанднинг рубоийнавис шоир эканлигига асосдир.

2. «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асарида жамланган 137 рубоийнинг фалсафий таҳлили асосида 13 қисмли таснифлар кўрсатадики, уларнинг асосий мазмуни тавҳидга бағишланган бўлиб, фалсафанинг борлиқ муаммоларини очиб беришга ёрдам беради.

3. Рубоийлар таснифи кўрсатадики, уларнинг кўпчилик қисми инсон хусусияти, ўзликни англаш ва комил инсон сифатларини очишга бағишланган. Бу Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларининг инсон фалсафасини ўрганишга манба бўлишидан далолат беради.

4. Баҳоуддин Нақшбанд рубоийлари мазмун-моҳият жиҳатидан ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга, уларни ахлоқий фазилатли ва эстетик дидини юксалтиришга ёрдам берувчи хазиналардан биридир.

⁷² Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи: (Саманқанд ва Самарқандликлар). – Т.: Ёзувчи, 1994. 68-бет.

II БОБ. ШОҲ НАҚШБАНДНИ ТАВСИФЛОВЧИ ЯНГИ МАНБА

2.1. Ҳазрат Шоҳ Нақшбанд

Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш учун ёшларни маънан етук қилиб тарбиялаш долзарб масаладир. Ёшларнинг маънавий-маърифий дунёқарашини юксалтиришда тарихимиздаги буюк инсонлар ҳаёт йўли ва маънавий мероси бебаҳо хазинадир. Ана шундай улуғ инсонлардан бири жаҳоншумул Нақшбандия тариқати ва таълимотини асослаган Баҳоуддин Нақшбанддир. У киши ҳақида «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асарида янги маълумотлар борлигини аниқладик.

Баҳоуддин Нақшбандни тавсиф этган асосий манбалар «Маноқиб»,⁷³ «Мақомот»,⁷⁴ шогирдлари Муҳаммад Порсо⁷⁵ ва Яъқуби Чархий⁷⁶ ёзган рисоалардир. Абдурахмон Жомий⁷⁷ ва Алишер Навоийлар⁷⁸ ҳам назмий, ҳам насрий асарларида Баҳоуддин Нақшбандни гўзал равишда тавсифлаганлар. Баҳоуддин Нақшбандга доир манбаларни тўплаб, у кишига берилган тавсифларни жамлаб, шарҳлаб нашр этдик.⁷⁹ Баҳоуддин Нақшбанднинг рубоийлари жамланган⁸⁰ ва 1997 йилда нашр этилган «Рубоиёти Хожа Нақшбанд»⁸¹ асарида

⁷³ Салоҳиддин ибн Муборак ал-Бухорий. (1410) Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин. Бухоро музейи 27772/11 қўлёзма 168 в.

⁷⁴ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 335 б.

⁷⁵ Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. – Душанбе: 2017. 93–156-бетлар.

⁷⁶ Яъқуб Чархий. Рисолаи унсия. (Дўстона суҳбат). Таржимон ва шарҳлар муаллифи. С.Раҳмонов. – Самарқанд: «Самарқанд давлат чет тиллар университети» нашриёти, 2022. 78 б.

⁷⁷ Абдурахмон Жомий. Нафаҳот ул-унс. – Тошкент: Порсева, 1915 – 616 с.

Абдурахмон Жомий. Тухфату-л-Аҳрор. – Лакҳнав: Нувил Кишур, 1908. 26–27-с.

⁷⁸ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. 17-том. – Тошкент: «Фан», 2001. 261– 265-бетлар.

Алишер Навоий. Ҳайратул аброр / Ҳамса тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 6 жилд. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2011. – 82-85-бетлар.

⁷⁹ Баҳоуддин Нақшбанд. (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г.Н. Наврўзова. – Т.: «Sano standart» нашриёти, 2019. 256 б.

Баҳоуддин Нақшбанд. Ҳикматли сўзлар. Bahouddin Nakshband. Words of wisdom. Ҳикматли сўзларни тўпловчи ва мақолалар муаллифи. Г.Н. Наврўзова, Ҳикматли сўзларни инглиз тилига таржима этувчи З. Расулов. «Sadridin Salim Buxoriy». «Durdon» nashriyoti. 2020. 52 б.

⁸⁰ Баҳоуддин Нақшбанд. Рубоийлар. – Бухоро: «Дурдона» нашриёти, 2023. – 84 б.

⁸¹ رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليڪيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷

биз Шоҳ Нақшбандга берилган янгича тавсифларни топиб, уларни фалсафий таҳлил этдик. Манбада Баҳоудин Нақшбанднинг 137 рубойисини Муҳаммад Содиқ Қусурий жамлаб, урду тилида шарҳ этган. Биз манбадаги тавсифларни тушуниш, англаш, шарҳлаш ва тушунтиришда герменевтик услубдан фойдаландик.

Муҳаммад Содиқ Қусурий томонидан жамлаб шарҳланган «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асарининг «Муқаддима»сида Нақшбандия таълимотининг асосчиси Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318–1389) ҳақида «Ҳазрат Шоҳ Нақшбанд (р.а.)» номи билан махсус банд киритилган. «Муқаддима» да муаллиф Баҳоуддин Нақшбандни шеърят мулкининг султони Алишер Навоий каби Шоҳ Нақшбанд деб улуғланган.⁸² «Муқаддима»да Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган: «Ҳазрат Шоҳ Нақшбанд ўз даврининг пешвоси, дунё шайхи бўлган (728 ҳижрий йилда туғилиб, ҳижрий 791 йилда вафот этган). Ҳижрий VIII асрнинг сўфий тариқатида бўлган. У сўфий тариқатининг асосчиси, замонасининг пешвоси, илмли шайхи эди. Бетакрор шахс эди. Унинг фазлу-марҳамати билан бутун дунё барака топарди».⁸³ Дарҳақиқат, Баҳоуддин Нақшбанд Бухоройи шарифда мавжуд бўлган Хожагон тариқатида эди. У 1370 йилда устози Ҳазрат Амир Кулол вафотидан кейин янги Нақшбандия тариқати ва таълимотига асос солди.⁸⁴ Манбада у илмли шайх деб тўғри таъкидланган.⁸⁵ Бу ҳақда унинг шогирди Яъқуби Чархийнинг «Рисолаи унсия»⁸⁶ ва «Рашаҳот»⁸⁷ асарида маълумотлар бор. Манбадаги «Унинг фазлу-марҳамати би-

⁸² Наврўзова Г.Н. Шоҳ Нақшбанд Алишер Навоий тавсифида. *Islom tafakkuri (Maxsus son)*, 2021. 3–9 бет.

⁸³ رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷

⁸⁴ Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (тўлдирилган иккинчи нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи, таржимон Г.Н. Наврўзова. – Т.: «Sano standart» нашриёти, 2019. 11–15-бетлар.

⁸⁵ Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанднинг «Вуқуфи замоний тамойили». *Фалсафа ва ҳуқуқ. Ижтимоий – сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий журнал*. 2022. №2 32–34-б.

Фахруддин Али Сафий. *Рашаҳоту айнил-хаёт («Обиҳаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. Масъул муҳаррир: Б.Умрзоқ (ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти)*. – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. – 536 б.

⁸⁶ Яъқуб Чархий. *Рисолаи унсия. (Дўстона суҳбат)*. Таржимон ва шарҳлар муаллифи. С.Раҳмонов. – Самарқанд: «Самарқанд давлат чет тиллар университети» нашриёти, 2022. 78 б.

⁸⁷ Фахруддин Али Сафий. *Рашаҳоту айнил-хаёт («Обиҳаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. Масъул муҳаррир: Б.Умрзоқ (ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти)*. – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. – 536 б.

лан бутун дунё барака топарди», деган ғоя Баҳоуддин томонидан асосланган Нақшбандия таълимотининг ҳалол меҳнат ва ҳалол луқмага асосланганидан далолат беради.

«Муқаддима»да «Ҳазрат Шоҳ Валий қайси ҳаёт манбасидан зилол сув ичган эдилар?», деган савол қўйилган ва қуйидаги жавоблар келтирилган: «Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг саҳобаларидан кейин тарихга муқаддас умматнинг баъзи номлари кирган. Улар ҳозирги оқаётган дарёнинг оқимини ўзгартирди ва тарихни унинг изидан эргаштирди. Улуғ йўлбошчимиз Ҳазрати Саййид Муҳаммад Баҳоуддин Шоҳ Нақшбанд ҳам шундай инсонлардан бўлган. Бунга Қасри Орифон деворлари, у ердаги дарахтлар, буталар Бухоро ва Самарқанд вилоятининг чегарадош вилоятлари кўрганига гувоҳдир».⁸⁸ Улуғ аллома, буюк тадқиқотчи ва Расулulloҳ (с.а.в.)нинг маҳбуби Мавлоно Абдураҳмон Жомий ҳазратлари бизни бу ҳақиқатга ғоят таъсирчан тарзда тортган.

Асарнинг «Муқаддима»сида Баҳоуддин Нақшбанднинг банда сифатида Аллоҳ олдидаги вазифалари ҳақида баён этилган. «Ҳазратнинг вазифаси» бандида қуйидаги маълумотлар келтирилган: «Авлиёлар умматининг ўзига хос жиҳати шундаки, улар Муҳаммад (с.а.в.) таълимотларини амалда қўллайдилар. Улар севги тарафдорларидир, лекин ўз севгиларига даъват қилмайдилар, улар покиза, хушбўй ва ҳалолликка даъват қиладилар. Севган одам доимо ўз маҳбубининг истакларини адо этишга интилади».⁸⁹ Баҳоуддин Нақшбандга ҳам бу фазилатлар хос эди. Шунинг учун ҳам халқ у кишини эъзозлаб, Баҳоуддин, Шоҳ Нақшбанд, Хожаи Бузург, Балогардон ва Намаки машойих номлари билан эътироф этган.

Қуръони каримда бу ҳақда шундай таъриф берилган: «Айтинг: «Сизлар Аллоҳни севасизлар ва Унга итоат қиласизлар, У ҳам сизни севади» (Оли Имрон: 31) Демак, маҳбубнинг муҳаббатини инсонни Яратганнинг маҳбуби қилади. Шунга ўхшаш нарса содир бўлмоқда? Аллоҳ Таоло айтади: «Қайсидир бандани яхши

⁸⁸ Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанднинг «Вукуфи замоний тамойили». Фалсафа ва ҳуқуқ. Ижтимоий – сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий журнал. 2022. №2 32–34-б.

Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Обихаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. Масъул муҳаррир: Б.Умрзоқ (ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. – 536 б.

⁸⁹ رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليڪيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷

кўрсам, мен унинг қулоғига айланаман, у шу орқали тинглайди, Мен унинг нигоҳига айланаман, улар ёрдамида кўради, қўлларига айланаман, улар ёрдамида ушлайди, оёқлар ато этаман, улар ёрдамида ҳаракатланади. Агар у мендан сўраса, мен беришим керак. Агар у мендан бошпана сўраса, мен унга албатта бошпана берман». (Бухорий ривояти)

Асарда Баҳоуддин Нақшбанд ёзган 137 рубоий ҳақида маълумот берилган ва уларга урду тилида Муҳаммад Содиқ Қусурий томонидан шарҳлар ёзилган. Бу асар «Муқаддима»сини ёзган Жаноб профессор Саййид Муҳаммад Зокир Ҳусайин Шоҳ Чишти Сиалви Мад Зилла (Равалпинди) бу рубоийларни уқиб «Саййид Хожа Нақшбанд ва Ҳофиз Шерозий» деган маълумотларни ёзган. Унда қуйидаги тавсифларни берган: «Ҳазрат Ҳофиз Шерозий нафақат фикрлари ислом олами сўфийлари томонидан севилган Эроннинг буюк шоири, балки ўзи ҳам улуғ авлиёдир. Унинг ҳикматли сўзлари жамланган. У шоир эди. Унинг шеърлари тингловчиларга илиқлик бахш этиб, қалбларни тўлқинлантириб юборарди. Агар Саййид Муҳаммад Зокир Ҳусайин Шоҳ соҳиб касал бўлмаганда, Сўфий Олий мақомнинг буюк шеърляти ҳақида кўп ёзган бўларди. Машҳур сўфийларимизнинг аксарияти шоир эди: Аттор, Румий, Жомий, Ҳофиз, Санойи, Саъдий, Иқбол ва бошқалар. Улар яратган асарлар шеърлятнинг дурдоналаридир. Ислом олами ҳар бир даврда шундай буюк сўфий шоирлар билан тўла бўлган. Ва шундай давом этади».⁹⁰

«Муқаддима»ни ёзган муаллиф «Сўфий – ҳақиқий шоирдир», деган ғояни илгари сурган. «Биз чинакам шеърлят чин севгининг тўлиб-тошган косалари борлигига ишонамиз. Ҳақиқий севги сўфийнинг қалбида бўлади. Руҳ дунёси жуда кенг, улкан ва чуқурдир». Баҳоуддин Нақшбанд ҳам бу асарда ҳам сўфий, ҳам ҳақиқий шоир сифатида тавсифланган.

Баҳоуддин Нақшбанд ўз рубоийлари билан инсоният қалбига кира олди. «Саййид Шоҳ Нақшбанд ўзининг муқаддас бурчини бандаларнинг қалбига шундай сингдирдики, мўминларнинг қалби Аллоҳнинг масканига айланди. Мўминнинг қалби Аллоҳнинг масканидир».⁹¹

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷⁹⁰

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷⁹¹

Покистон ва Ҳиндистоннинг қай ерида Нақшбандия дарғалари бўлса, у ердан Саййид Сиддиқий Акбарнинг иси келади. Саййид Муҷаддид Алф Соний Қуддус Сара Ал-Нуронийнинг меҳрли сўзлари топилади. Ҳаёт, ўлим, уларнинг келиши ва кетиши, уларнинг ўқиши ва ўргатиши Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)га бўлган муҳаббатдир. Авлиёлар Саййид Мустафо (с.а.в.)нинг ташқи ва ички вакиллари дир. Уларнинг ҳаёти, ўлими, келиши ва кетиши, ўқиши ва ўргатиши барчаси Мустафо (алайҳиссалом)га бўлган муҳаббатидир. «Саййид Содиқ Акбардан тортиб, замондош бўлган буюкларнинг сўзларини жамлашга ҳаракат қилдик. Улар қалбларнинг вакиллари ва қалбларнинг таржимонларидир. Уларнинг сўзлари нафақат яхши тасаввур, балки биз яхши тасаввур деб биладиган фикр ва ғояларнинг ўлчовлари ҳақиқатдир. Бизнинг қалбимиз етук бўлганда, уларнинг фикрлари бизга ҳақиқат сифатида яширинган ҳолда келади».⁹²

Баҳоуддин Нақшбанд шериятининг даражалари ҳақида асарда шундай таъриф берилади: «Ҳазрат мажозий қалбни жуда тез ҳақиқат томон буради. Яқин масофанинг вакили бўлган ишқ мажози уларнинг кўз нуридан абадий ҳаётни қабул қилиб, ҳақиқат қиёфасини олади. Булар доим бизни нотекис водийлардан олиб чиқиб, Тавҳид гуллари очилган жойга, ҳақиқатнинг яшил водийларига, Қуръон нури порлаган жойга олиб боради».⁹³

Баҳоуддин Нақшбанднинг бошқа валийлар каби Инсониятга ҳақиқий хизмати – бу бандаларга Яратганнинг мукофотидир. «Улар ўзлари оч бўлсаларда, очларни тўйдирадидлар, ўзлари ташна бўлсаларда, ташналарга ширин, муздек сув олиб келадилар. Уст-бошларини ечиб, камбағалларга кийдирадидлар. Йиғлаб дуо қиладиларки, токи одамлар кула олсин. Улар инсонларни оҳиратда маърифатга чорлайдилар. Яъни уларнинг меҳр доираси фақат фоний ҳаёт ва қабр билан чегараланиб қолмайди, улар инсонлар бағрига ўзга ҳаёт неъматларини, оҳират қувончларини ҳам соладилар».⁹⁴

«Расулуллоҳ (с.а.в.) изидан борган кимсаларнинг мавқеи қандай? Бу одамлар оддий одамларми? Йўқ!» деб асар муаллифлари Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа валийларга юксак баҳо берадилар.

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷⁹²

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷⁹³

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷⁹⁴

Нақшбандия таълимотига кўра, «Валий қалби маъдани анвори жалолдир. Валий юзидаги нур ва латофат валий қалбидаги ана шу анвордандир. Ул нурнинг акси валийнинг сиймосидан зоҳир бўлур ва ҳар ким унинг юзига назар айласа, ул киши Ҳақ таолони ёд этар ва унинг зикрига машғул ўлур».⁹⁵

Муҳаммад Порсо «Рисолаи қудсия» асарида Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида қуйидаги тавсифни ёзган эди:

*Гашт бе кибру, риёю кина,
Нури қудсиро рухаш оина.
Он лиқои ў жавоби ҳар савол,
Мушкил аз ў ҳал шавад бе қилу қол.*⁹⁶

Мазмуни:

Кибр, риё, кинасиз бўлди,
Юзи қудсий нур кўзгусидир.
Унинг юзи барча саволларга жавоб,
Сўзсиз ундан мушкул ҳал бўлади.

Нақшбандия таълимотида валийларга муносиб хусусиятлардан бири сифатида уларнинг суҳбатига мушарраф шахснинг ўзидаги башарий истаклардан воз кечиб, малакий даражали сифатларга эга бўлиши ҳам иншо этилган. Валий суҳбатига мушарраф шахс ўзидаги гил – тупроқ ва сувдан тузилган тана истакларидан воз кечади ва юксалади, деган фикрни Ҳазрати Азизон таъкид этганлар.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд валийликнинг учта хусусияти бор деб, қуйидаги фикрни баён қилади:

*Се нишон бувад валиро, ки нахуст он бамаъни,
Ки чу рӯи ў бубини, дили ту бар ў гарояд.
Дуввум он, ки дар мажолис, чун сухан кунат зи маъни,
Ҳамаро зи ҳастии худ б-ҳадис мерабояд.
Севум, он бувад б-маъни вали ахаси олам,
Ки зи ҳеч узви ўро ҳаракоти бад наёяд.*⁹⁷

⁹⁵ Салоҳиддин ибн Муборак ал-Бухорий.(1410) Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин. Бухоро музейи 27772/11 қўлёзма 76 в.

⁹⁶ Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. Душанбе: 2017. 95-бет.

⁹⁷ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 59-бет.

Мазмуни:

Валийликнинг уч белгиси бор, биринчиси у бамаънидир,
Унинг юзини кўрган заҳотинг қалбингни ром этади,
Иккинчиси, агар мажлисда маъни ҳақида сўзласа,
Бутун борлиғи ила ҳаммани ўзига мафтун этади.
Учинчиси, валий маъно жиҳатидан оламдаги хос кишидир,
Унинг бирор узвидан ҳам ёмонлик келмайди.

Юқоридаги шеърда келтирилган валийларга хос сифатлар Баҳоуддин Нақшбандда мавжуд эди. Баҳоуддин Нақшбанднинг бу шеърий парчаси «Рубоиёти Хожа Нақшбанд»⁹⁸ асарида ҳам келтирилган. Бу манбада Баҳоуддин Нақшбандни бетакрор шахс деб ўринли улуғлаганлар. Дарҳақиқат, Шоҳ Нақшбанд жуда камтарин⁹⁹ ҳамиша шукроналикда¹⁰⁰ ва Аллоҳ ризолиги¹⁰¹ йўлида мукамал ҳаракат қиладиган улуғ инсон бўлган.

Юқоридаги манбада келтирилган фикрларнинг таҳлили асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асарида Баҳоуддин Нақшбанд Алишер Навоий асарида таъкидланганидек, Шоҳ Нақшбанд сифати билан улуғланиб тавсифланган.

2. Манбада Баҳоуддин Нақшбанд илми, бетакрор комил инсон эканлиги ва яратган тариқати, таълимоти ҳозиргача баракали илм манбаи эканлиги таъкидланган.

3. Аллоҳнинг бандаси сифатида Баҳоуддин Нақшбанд ўз вазифасини ҳалол адо этиш учун инсоният қалбига рубоийлари билан таъсир этиб, уларни ҳақиқат томон етаклаган.

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۱۸۴

⁹⁸ Navro'zova G.N. Kamtarinlik ila kamolga yetgan valiy. // Ilm sarchashmalari. 2023. №8. 48–50-бетлар.

¹⁰⁰ Наврўзова Г. Шукроналик – инсон камолотининг асоси. // Imom Buxoriy saboqlari. 2023. №3. 121–123-бетлар.

¹⁰¹ Наврўзова Г.Н. Нақшбандия таълимотида ризо тушунчаси. // Islom tafakkuri. 2022. 2-сон. 39–46-бетлар.

2.2. Баҳоуддин Нақшбанд ҳиммати ва жасорати

Глобаллашув даврида ёшларни турли салбий маънавий таъсирлардан сақлаш учун уларда гўзал инсоний фазилатларни шакллантиришга эътибор бериш лозим. Шундай ҳақиқий инсоний фазилатларнинг энг гўзали ҳиммат ва жасоратдир. Тарихимиздаги буюк инсонлар ҳаёт йўли, уларнинг ҳиммати ва жасорати ёшларимиз учун ибрат мактабидир. Жаҳоншумул Нақшбандия тариқати ва таълимоти асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳиммати ҳамда у киши ҳақида «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асарида келтирилган жасоратига доир маълумотлар баркамол инсонни тарбиялаш учун маънавий хазинадир.

Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт йўли ҳақида ёзилган асосий манбалар «Маноқиб»,¹⁰² «Мақомот»,¹⁰³ шогирдлари Муҳаммад Порсо¹⁰⁴ ва Яъқуби Чархий¹⁰⁵ ёзган рисолаларида у кишининг ҳиммати ҳақида маълумотлар берилган. Абдурахмон Жомий¹⁰⁶ ва Алишер Навоий¹⁰⁷ асарларида Баҳоуддин Нақшбанднинг сифатлари гўзал равишда иншо этилган. Баҳоуддин Нақшбандга доир манбалар ва бошқа тадқиқотларда у кишининг ҳаёт йўллари ва маънавий мероси ўрганилган.¹⁰⁸ Баҳоуддин Нақшбанднинг жа-

¹⁰² Салоҳиддин ибн Муборак ал-Бухорий. (1410) Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин. Бухоро музейи 27772/11 кўлёзма 168 в.

¹⁰³ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 335 б.

¹⁰⁴ Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. – Душанбе: 2017. 93–156-бетлар.

¹⁰⁵ Яъқуб Чархий. Рисолаи унсия. (Дўстона суҳбат). Таржимон ва шарҳлар муаллифи. С.Раҳмонов. Самарқанд: «Самарқанд давлат чет тиллар университети» нашриёти, 2022. 78 б.

¹⁰⁶ Абдурахмон Жомий. Нафаҳот ул-унс. – Тошкент: Порсева, 1915 – 616 с.

Абдурахмон Жомий. Тухфату-л-Аҳрор. – Лакҳнав: Нувил Кишур, 1908. 26–27-с.

¹⁰⁷ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. 17-том. – Тошкент: «Фан», 2001. 261–265-бетлар.

Алишер Навоий. Ҳайратул аброр/Хамса тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 6 жилд. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2011. 82–85-бетлар.

Наврўзова Г.Н. Шоҳ Нақшбанд Алишер тавсифида. *Islom tafakkuri* (Maxsus son), 2021. 3-9 бет.

¹⁰⁸ Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (тўлдирилган иккинчи нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи, таржимон Г.Н. Наврўзова. – Т.: «Sano standart» нашриёти, 2019. 112 б.

Баҳоуддин Нақшбанд. (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г.Н. Наврўзова. – Т.: «Sano standart» нашриёти, 2019. 256 б.

Баҳоуддин Нақшбанд. Ҳикматли сўзлар. Bahouddin Nakshband. Words of wisdom. Ҳикматли сўзларни тўловчи ва мақолалар муаллифи. Г.Н. Наврўзова, Ҳикматли сўзларни инглиз тилига таржима этувчи З. Расулов. «Sadriiddin Salim Buxoriy». «Durdona» nashriyoti. 2020. 52 б.

сорати ҳақида «Рубоиёти Хожа Нақшбанд»¹⁰⁹ асарида маълумот берилган. Манбадаги Баҳоуддин Нақшбанднинг 83-рақамли рубоийлари асосида биз герменевтик методологияга таяниб Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳиммати ва жасоратини фалсафий таҳлил этдик.

Баркамол инсоннинг шаклланишида ҳиммат фазилатининг ўрни каттадир. Инсон камолотга етиши учун олдидаги мақсад томон кучли ирода билан ҳаракат қилиши лозим. «Ҳиммат» – араб тилидан олинган сўз бўлиб, ирода, кучли ирода, азм, аҳд, қасд, жидду жаҳд ва тиришмоқ маъноларини англатади. Ҳақиқат йўлига кирган инсон жидду жаҳд ва кучли ирода билан ҳаракатда бўлиши лозим экан.

Манбада Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётида ҳимматнинг ўрни катталигига оид қуйидаги маълумотлар келтирилган: Баҳоуддин Нақшбанд ўз руҳий камолотида катта ўринга эга устозни тилга олган, лекин унинг номини айтмаган. Жазаба ҳолатини бошларида устозлари аввало нафсини жиловлашни ўргатадилар. Кейин одамлар кўнглини топиш, ожиз ва нотавонлар, хусусан, халқ эътибор қилмайдиган кимсалар ҳолига машғул бўлиш, ҳожатмандлик ва камтаринлик билан муомалада бўлишни ўғит берадилар. Бу ишларни амалга оширгандан кейин устозлари ҳайвонлар тарбиясига барқарор туриш ва ниёзмандлик йўлида бўлишини ўғит беради. Баҳоуддин етти йил бу йўсинда юрганлари манбада қайд этилган. Кейин устозлари ўғитига асосан итларга бечоралик, ниёзмандлик билан хизматда бўладилар. Устозлари ўғитига асосан йўл хизматига киришиб, йўлларда одамларга ёқмайдиган нимаики бўлса, олиб ташлаганлар, токи улар зиён топмасинлар. Манбада ёзилганким, Баҳоуддин: «Шу етти йил ичида енгим ва этагим тупроқдан асло холи бўлмас эди. Бу Ҳақнинг дўсти қандай

Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан, 2005. – 233 б.

Наврўзова Г. Н. Нақшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан, 2007. – 189 б.

Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд. (Рисола). – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти, 2011. 24 б.

Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Фан, 2021. – 244 б.
Navruzova G.N. Bahauddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). Islom tafakkuri (Maxsus son), 2020. 5–8-б.

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليڪيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷ 109

Баҳоуддин Нақшбанд. Рубоийлар. Бухоро: «Дурдона» нашриёти, 2023. – 84 б.

амални буюрса садоқат билан бажо келтирдим, ҳар бир амалнинг натижасини ўзимда мушоҳада қилардим ва аҳволимда тўлиқ тараққий юз бераётганини сезардим»,¹¹⁰ – деб айтганлар. Баҳоуддинга ўғит берган бу устозни биз Хожа Ҳизр деб тасаввур этдик. Чунки барча авлиёлар камолотида Хожа Хизрнинг ўрни бор. Хожа Хизр ўғитлари асосида Баҳоуддин одамлар, ҳайвонлар, жонли ва жонсиз бутун борлиққа муҳаббат билан муносабатда бўлдилар. Бу йўлда вужудни инкор этиш, борини нисор этиш, кам кўриш ва йўқлик улуғ ишлардан эканлиги ва булар Ҳақни кўриш, билиш давлатига етиш илми ва қабул воситаси бўлганлигини Баҳоуддин Нақшбанд таъкид этган. У киши нафсларини таниб, бутун борлиққа муҳаббат ва мурувват назари билан қараш ва муомала этиш даражасига етиб, шу ғояни ўзи яратган нақшбандия таълимотининг асосига қўяди. Шунинг учун бу камолот йўли барча тасаввуфий таълимотларнинг қаймоғи ва хулосаси деб баҳоланган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳий камолотга оид қуйидаги фикрлари барча нақшбандияга оид манбаларда келтирилган: «Биз бу йўлнинг талабига қадам қўйганимизда икки юз киши эдик. Менинг ҳимматим буларнинг ҳаммасидан ўтиш эди. Илоҳий иноятга ноил бўлиб, бу жамоатнинг ҳаммасидан ўтиб кетдим ва асл мақсадга етдим».¹¹¹ Демак, Баҳоуддин Нақшбанд камолотида ҳиммат фазилатининг ўрни катта экан.

Манбада ҳиммат фазилатига оид қуйидаги байт келтирилган:

*Ҳиммат туро ба кунгираи Кибриё кашад,
Он сақафгоҳро беҳ аз ин нардбон маҳоҳ.*¹¹²

Мазмуни:

Сени улуғлик аршига етказар ҳиммат,

Бу ҳиммат нарвондир сенга таппа-тахт.

¹¹⁰ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 52-бет.

¹¹¹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 49-бет.

¹¹² Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 48-бет.

Мисралар таҳлили кўрсатадики, инсон илоҳийлик даражасига етиши учун айнан ҳиммат керак экан. Ҳиммат инсон юксалиши учун нарвон бўла олар экан.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳимматни илоҳий иноят сифатида таърифлаб шундай байтни келтирадилар:

*Мардони раҳаш расидаанд аз ҳиммат,
З-он дар раҳи ў нишон бепајдо нест.*¹¹³

Мазмуни:

Ҳиммат билан етдилар бу ерга мардлар,
Ҳиммат билан топурсан Унинг нишонин.

Баҳоуддин Нақшбанд ўз шогирдларига шундан ўғит берган, «Мақсад талаби йўлида ҳимматингиз менинг бошимга қадам қўйиб, мендан ҳам ўтиб кетиш бўлмаса мен сизни кечирмайман».¹¹⁴ Манбадаги Баҳоуддиннинг бу ўғитлари ёшларни ҳимматли бўлишга чақиради.

«Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асарида 83-рақамли Баҳоуддин Нақшбанд рубойисини таҳлил этиб «Муқаддима»да «Бу жасорат ва бу ҳиммат»¹¹⁵ дир деб ёзилганига гувоҳ бўлдик.

Манбадаги 83-рақамли рубоиётнинг мазмуни қуйидагичадир.

ای آینه ذات تو مرآت همه کس
مرآت صفات تو صفات همه کس
ضامن شده ام از بهر نجات همه کس
بر من نویس سیئات همه کس
*Эй оинаи зот Ту миръоти ҳама кас,
Миръоти сифоти Ту сифоти ҳама кас.
Зомин шудаам аз баҳри нажоти ҳама кас,
Бар ман навис, саййиоти ҳама кас.*¹¹⁶

¹¹³ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсидан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 49-бет.

¹¹⁴ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсидан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 49-бет.

¹¹⁵ رباعیات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۱۲۶

¹¹⁶ رباعیات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۲۷

Мазмуни:

Эй сенинг зотингни кўзгуси ҳамманинг миръотидир,
Сенинг сифатларинг кўзгуси ҳамманинг сифотидир.
Мен ҳамманинг нажоти учун зомин бўлдим,
Менга ёзгин улники, ҳаммани гуноҳларинидир.

Рубоийни таҳлил қилиб «Муқаддима» муаллифи қуйидаги фикрларни келтиради: «Сўфийнинг иши – бу покланишдир, унинг натижаси гуноҳларни йўқ қилишдир. У умрини уларга яхши сифатларни тарқатиш билан ўтказди, бошқаларга енгиллик яратиб ўзини азоблайди. У бошқаларнинг азобини кўтариш орқали тинчлик топади. Баъзан бу яхшилик қиёмат кунига қадар давом этади. Ва сўфий қиёматда бошқалар учун ҳам ёрдамга келади. Расулulloҳ (с.а.в.) уммат хизматга келишини орзу қилганлар. Шунинг учун пайғамбарлар ва авлиёлар ҳамisha (алайҳиссалом) хурсанд бўлишлари учун унинг умматини обод этиш ҳақида ўйлайдилар».¹¹⁷

Баҳоуддин Нақшбанднинг рубоийларида пайғамбарнинг қуйидаги фикрлари ва ниятлари маълум бўлади: «Мен ҳамма одамларнинг нажот қафилига айландим»,¹¹⁸ яъни бутун инсониятга нажот беришни ўз зиммаларига оляптилар. Шунинг учун барча одамларнинг гуноҳларини менинг амаллар китобимга ёзинг деяптилар. «Қачонки, ҳамма одамларнинг гуноҳлари Ҳазратнинг амалларига кўчирилса, ўша одамларнинг ҳаммаси беғуноҳ бўлганлари учун кечирилиши аниқ бўлади. Бу ҳазрат учун катта бахтдир. Ҳамма одамлар жаннатга борадилар. Бу ҳаракати билан Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам бандаларидан бири ҳамманинг оғирини ўз зиммасига олиб, жаннатга олиб чиққанидан хурсанд бўлади. Ҳазрати Имом Нақшбанд Қуддус Аллоҳга қилган илтижоси **НАҚАДАР УЛУҒДИР**. Қанчалик жасорат ва қанчалар фидойилик кўрсатилган. Бу ислом аҳли фахрланадиган жиҳатдир».¹¹⁹ Бу барча инсоният учун ибрат бўлиб, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларидаги сўзларини чуқур англашни талаб этади. Чунки Шоҳ

Рباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷¹¹⁷

Рباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷¹¹⁸

Рباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷¹¹⁹

Нақшбанднинг ҳар бир рубойиси ўзига хос мазмунга эга бўлиб, ҳар бир тўртликда бутун бир фикр ва қарашлар мавжуд. Бу рубойлар айна пайтда ислом фалсафаси, сўфийлик назарияси ва ахлоқ таълимотидир. Бундай тўртликларни ёзиш жуда озчиликка ишониб топширилган. Шунинг учун ҳам бу рубойни тавсифлаб, муаллиф Баҳоуддин Нақшбанднинг гўзал ният ила амалини жасорат ва ҳимматга тенглаштирганлар. Маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд учун Аллоҳ ризолиги асосий мақсад ва талабдир.¹²⁰

Тожиддин Ёлчуғилнинг Сўфий Оллоёрнинг «Сабот ул-ожизийн» асарига ёзилган «Рисолаи Азиза» шарҳида қуйидаги маълумотлар келтирилган: Яна Баҳоуддинни «Имоми раббоний» дерлар, Тангри ила сирдош ўлдуғи учун». «Кунлардан бир куни Баҳоуддин хазратлари бир бўрук (телпак) тикдилар, тикиш чоғида хар нина санчган вақтда «Ла илоҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур расулulloҳ» деб етмиш маротаба айтур эрди. Чун, бўрукни етти йилда тамом айлади. Аҳд қилдиким, «Кимки бу бўрукни мандин сотуб олса баҳоси етти тамуғдир», деди. Бир куни Аллоҳ таъоло хазратлари бир фариштани зангги (ҳабаш) суратига киргузди. Айтди: «Боргил, Баҳоуддиннинг бўрукини сотуб олғил», деди. Качонки, ул фаришта келди, ичкари кирди, салом берди. Айтди: «Ё уммати Муҳаммад, ман Зангистон вилоятидан келурман. Бўруким йўқтур. Сенда соткули бўрук йўқму? Баҳоуддин айди:

– Бале, бордур, лекин баҳоси оғирдур, – деди.

Зангги айтди: – Баҳоси надур.

Хожа айтди: – Етти тамуғдур, санинг мулкинда бўлса, олғил.

Фаришта айтди: – Тамуғ Изи аzza ва жалланингдур, маним кўлумда йўқдур, – деб чопиб кетди. Ҳақ таъолонинг хузурини етди. Хожанинг холини айтди.

Изи аzza ва жалла айтди: – Борғил, олти бергил, андин ортуқ бермағил, – деди, – зероки мен Хожанинг тилаган нарсасини билурман. Чун фаришта Хожа (хузурини)га келди.

– Бўрукингни олти тамуғга олурман, – деди.

Хожа айтди: – Арзондур. Фаришта қабул айламади. Охири Хожа фариштага олти тамуғга бўрукни берди, олти тамуғга молик (эга)

¹²⁰ Наврўзова Г.Н. Нақшбандия таълимотида ризо тушунчаси. // *Islom tafakkuri*. 2022. 2-сон. 39–46-бетлар.

бўлди. Қачонким, киёмат куни булса олти дўзахга Муҳаммад ум-матини киргизмайдур. Зероки, ўз мулкина ўзининг қодирлиги бордур. Ул гузида (Худо сийлаган одам) нинг бўрук (телпак) тик-моқдин ғарази ул эрди. Аллох таъоло Хожанинг шу сўзини ва қилган феълини дуруст кўруб, еттинчи тамуғни бермадики: Одамлар қаҳримдин эмин бўлмасунлар (деди). Шунинг учун Нақшбанд аталди». ¹²¹ Манбадаги бу маълумот ҳам Баҳоуддин Нақшбанднинг бутун инсониятни дўзахдан қутқариш ва охиратини обод қилиш истагининг нақадар кучли эканлигидан далолат беради.

Юқорида таҳлил этилган манбадаги маълумотлар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Баҳоуддин Нақшбанд камолга етишида ҳиммат фазилатининг ўрни каттадир.

2. «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асаридаги 83-рубой таҳлили Баҳоуддин Нақшбандни жасорат ва ҳиммат эгаси эканлигини исботлайди.

3. Ёш авлодни баркамоллик руҳида тарбиялашда Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўлидаги ҳиммат, рубойларидаги жасорат мазмун-моҳиятининг тарғиб ва ташвиқотининг аҳамияти каттадир.

¹²¹ Насафий (Е.Е. Березиков). Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. – Т.: «Фан», 1993. 12–13-бет.

III БОБ. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ИЛМГА ОИД ҚАРАШЛАРИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

3.1. Ишорат илми

Илму маърифат инсониятни жаҳолатдан қутқарадиган жуда кучли қуролдир. Янги Ўзбекистонда маърифатли жамият қуриш учун олиб бораётган фаолиятимизда маънавий меросимизни ўрганишнинг аҳамияти каттадир. Маънавият дарғаларидан бири Баҳоуддин Нақшбанд бўлиб, у асослаган Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ёшларнинг ирфоний камолотга етишишида ёрдам беради.¹²²

Баҳоуддин Нақшбанднинг илмга оид қарашларини «Ислом тафаккури» журналидаги мақоламизда таҳлил этдик.¹²³ Мақолада Баҳоуддиннинг илм соҳасидаги даражасини Намаки машойих деган таъриф асосида изоҳладик. Бу улуғ инсоннинг ладун илми, яқин илми, фаросат илми ҳақидаги қарашларини «Мақомот»¹²⁴ ва «Рашаҳот»¹²⁵ асарлари асосида очиб бердик. «Рубоийети Хожа Нақшбанд» номли янги манбадаги Баҳоуддин Нақшбанд рубоийлари таҳлили¹²⁶ асосида унинг илмга оид қарашларининг янги қирралари: ишорат илми ва вақт илми ҳақидаги ғояларига оид янги фикрлар туғилди.

¹²² Баҳоуддин Нақшбанд. (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г. Н. Наврўзова. – Т.: «Sano standart» нашриёти, 2019. 256 б.

Баҳоуддин Нақшбанд. Ҳикматли сўзлар. Bahouddin Nakshband. Words of wisdom. Ҳикматли сўзларни тўпловчи ва мақолалар муаллифи. Г. Н. Наврўзова, Ҳикматли сўзларни инглиз тилига таржима этувчи З. Расулов. «Sadriddin Salim Buxoriy». «Durdona» nashriyoti. 2020. 52 б. Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан, 2005. – 233 б.

Наврўзова Г. Н. Нақшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан, 2007. 189 б.

Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд. (Рисола). – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти, 2011. 24 б.

Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Фан, 2021. 244 б.

Navruzova G.N. Bahauddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). *Islom tafakkuri* (Maxsus son), 2020. 5-8-б.

¹²³ Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд илм хусусида // ISLOM TAFAKKURI. 2023-йил 2-сон. 3-10 б.

¹²⁴ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсидан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 335 б.

¹²⁵ Фаҳриддин Али Сафий. Рашаҳот. (Оби ҳаёт томчилар.)/Табдил ва сўнгсўз муаллифи М.Ҳасаний/ – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. 536 б.

¹²⁶ رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷

«Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асаридаги 123-рақамли рубойида Баҳоуддин Нақшбанднинг ишорат илмига оид ғояларининг гувоҳи бўламиз.

در وقت سپیده دمى خروس سحرى
کند دانى که چرا همى کند نوحه گ
در آینه صبح نمودند اورا
از عمر شبى گذشت و تو بى خبرى
*Дар вақти сапида дами хурӯс саҳари,
Дони, ки чаро ҳамекунад навҳагари.
Дар оинаи субҳ намуданд ўро,
Аз умр шабе гузашту ту беҳабари.*¹²⁷

Мазмуни:

Хўроз саҳардаги кун ёришаётган вақтда,
Биласанми нечун навҳалар қилади.
Тонг кўзгусида унга кўрсатдиларким,
Умрингдан тун ўтди сен беҳабарсан.

Бу рубойий таҳлили кўрсатадики, инсон атрофидаги бутун борлиқни ҳар бир ишоратининг мазмун-моҳиятини англаши лозим. Борлиқнинг асосий кўриниши бўлган табиат инсонга ишора қилиб, ўз моҳиятини очади. Табиат борлиғининг бир кўриниши бўлган хўроз ҳар тонг навҳалар қилиб, ҳаммани уйғотади. Бу навҳаларнинг сирини не деб, Баҳоуддин Нақшбанд тафаккур қилиб айтганларки, хўроз тонг кўзгусида умридан бир тун ўтганидан хабардор бўлади. Хўроз навҳалар билан инсониятни бу ҳақиқатдан огоҳ этади.

Дарҳақиқат, инсонга умр ўлчаб берилади. Ҳар бир тун ва кунимиз умримизни бир саҳифасини камайганидан далолат беради. Огоҳ, хушёр, воқиф бўлган инсон умр хазинасининг қимматбаҳо сармояларидан бир дурдона камайганини билади. У умрининг ҳар саҳифасини эзгулик ва яхши амаллар билан безашга шошилади. Хўрознинг тонгги навҳалари ишорат илми бўлиб, бизларни умримиз ҳақиқатидан хабардор этади. Шунингдек, бу ишорат

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۱۶۸ ۱۲۷

Баҳоуддин Нақшбанд. Рубойилар. Бухоро: «Sadriddin Salim Buxoriy» нашриёти, 2023. 75-бет.

илми вақт илмининг бир қисмидир. Умр бизларга берилган имконият ва бу кунимиз охиратимиз учун заҳира тўплаш имконияти бўлгани учун у қайтиб келмайдиган қимматбаҳо вақтдир.

ای آن که به ملک خویش پاینده توئی
واز ظلمت شب صبح نماینده توئی
کار من بیچاره قوی بسته شده
بکشای خدایا که کشاینده توئی

*Эй он, ки ба мулки хеш поянда Туи,
В-аз зулмати шаб субҳ намоянда Туи.
Кори мани бечора қавий баста шуда,
Бикушой Худоё, ки кушоянда Туи.¹²⁸*

Мазмуни:

Эй ўз мулкани асровчи Сенсан,
Тун зулматидан тонгни кўрсатувчи Сенсан.
Мен чорасизни ишлари олди боғлангандир,
Очгин Худойим, очувчи ҳам Сенсан.

Баҳоуддин Нақшбанднинг 34-рақамли рубойларида ҳам бутун Мулк, яъни борлиқнинг барча кўринишлари: моддий ва маънавий, жисмоний ва руҳоний оламнинг Малики, Хожаси Аллоҳ эканлиги ва у тун зулматидан кунни чиқариши айтилмоқда. Тонгда уйғонган инсон тун қоронғисидан аста-секинлик билан зулмат пардалари кўтарилиб, равшанлик, ёруғлик вужудга келаётганига гувоҳ бўлади. Бутун борлиқни ҳаракатга келтираётган зот учун курраи заминдаги бир инсон мушкулини енгиллаштириш ҳеч оғирлиги йўқлиги маълум бўлади. Баҳоуддин Нақшбанд «Аврод» рисолаларида Қуръони каримнинг «Оли Имрон» сурасининг 26–27-оятларини келтирганларки,¹²⁹ унда ҳам Аллоҳ барча нарсага қодир эканлиги кечани кундузга

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۷۵ 128

Баҳоуддин Нақшбанд. Рубойлар. Бухоро: «Sadriiddin Salim Buxoriy» нашриёти, 2023. 30-бет.

¹²⁹ Баҳоуддин Нақшбанд «Аврод». (тўлдирилган қайта нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи ва таржимон фалсафа фанлари доктори, профессор Г.Н. Наврўзова. – Тошкент: «Sano-standart» нашриёти, 2019. 50-бет.

киритиши ва кундузни кечага киритиши таъкидланган.¹³⁰

Хужвирий «Кашф ул-махжуб» асарида вақт илми ҳақида ёзган,¹³¹ Хужвирий илмларнинг қуйидаги хиллари борлигини ёзган: 1. Вақт илми. 2. Асосий ва иккинчи даражали илм. 3. Ҳақиқат илми. 4. Қонун илми. Хужвирийнинг илмлар таснифидан маълум бўладигани, тасаввуф аҳли илмлар ичида «вақт илми»ни муҳим санаганлар, вақтни илм сифатида кўриб уни ўрганганлар, тадқиқ этганлар ва уни ҳаёт учун муҳим деб билганлар. Хужвирий: «Вақт илми (илми вақт) вақтга таъсир этувчи барча ички ва ташқи шарт-шароитларни билиш» деб таъриф беради ва бу илмни эгаллаш ҳар бир кишининг бурчидир, деб уқтиради. Хужвирий «Кашф ул-махжуб» асарининг 24-бобида асосий тасаввуфий тушунчаларни изоҳлашни «ҳол» ва «вақт»ни талқинидан бошлаган. Вақт – сўфиёна истилоҳ бўлиб, шайхлар уни жуда кўп муҳокама қиладилар. «Вақт ўтмиш ва келажакдан қатъи назар, инсон ҳозир амалга оширадиган иши», деган Хужвирий. Сўфий ўтмишни эслаш, қўмсаш, келажакни орзу қилиш билан эмас, вақт ичида – андар вақт бўлиши ва ҳушёр, огоҳ бўлиши керак. Сўфийлар учун «ўтмиш» ва «келажак» билан банд бўлиш камолотларига ҳижоб, яъни тўсиқ деб таъриф қиладилар.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд асослаган бу тариқат аҳли ўрта-сида шундай фикр ҳукмрон бўлган: «Мусибатлар жуда кўпдир. Фақат энг буюк мусибат эса вақтнинг фойдасиз, бекорга кетишидир».¹³² Нақшбандия тариқати аҳли орасида бутун тасаввуф аҳлига хос бўлганидек, вақт жуда қадрланган. Вақтнинг нақадар қимматли ва азиз эканлигини билишни солиқларга уқтирганлар. Уни бекорга зое этиб сарфлашдан уларни сақлаганлар. Зеро, вақт-нақддир. Уни бошқа қайтариб бўлмайди. Шунинг учун солиқлар йўлнинг қайси мартабасида бўлсалар ҳам вақтни муҳофаза ва муҳосаба этиб, уни зое этмасликка ҳаракат қилганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд рубойларининг фалсафий таҳлилидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

¹³⁰ Баҳоуддин Нақшбанд «Аврод». (тўлдирилган қайта нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи ва таржимон фалсафа фанлари доктори, профессор Г.Н. Наврўзова. – Тошкент: «Сапо-standart» нашриёти, 2019. 77-бет.

¹³¹ Али ибн Усман аль-Джулаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф аль-махжуб ли арбаб аль-кулуб). / Перевод с английского А.Орлова, Изд. Перв. – Москва: Единство, 2004. 107–108 с.

¹³² Аҳмад Заҳид Кутку. Тасаввуфи Ахлақ. – Истанбул: Сена, 1985. 102-бет.

1. Баҳоуддин Нақшбанд борлиқдаги ҳар бир воқеа-ҳодисага тафаккур назари билан қараш ва ундаги белгилар асосида хулосага келишни *илми ишора* деб тушунганлар.

2. Баҳоуддин Нақшбанд табиат борлиғидаги илми ишора асосида вақтга эътибор беришни ва уни қадрлаш лозимлиги ҳақидаги қарашларини вақт илми деб айтиш мумкин.

3. Баҳоуддин Нақшбанднинг «Вукуфи замоний» тамойили билан ишора илми ва вақт илми ҳақидаги қарашлари умумийликка эга бўлсада, унинг янги қирраларини ташкил этади.

4. Баҳоуддин Нақшбанднинг илмга оид қарашларидаги ладуний илм, яқин илми, фаросат илмидан ташқари ишорат илми ва вақт илми ҳақидаги ғоялари қимматлидир.

Умумий хулоса қилиб айтганимизда, ёшларимизни кенг дунёқарашга эга бўлиш руҳида тарбиялаш учун уларга ишора ва вақт илми ҳақида таълим бериш лозим.

3.2. Ирфон масаласи

Глобаллашув даврида инсон маънавиятини юксалтириш масаласи жуда долзарбдир. Маънавиятни юксалтиришда тасаввуф фалсафасининг ўрни каттадир. Бунга сабаб тасаввуфий манбаларда инсоннинг ботин томонидан камол топишига махсус эътибор берилган. Тасаввуфий манбаларда инсоннинг камолоти учун ақлу-тафаккур билан бирга қалбни поклаш, ботинини гўзаллаштириш муҳим эканлиги таъкидланган. Ҳозирги кунда ботин тарбиясига ҳам эътибор бериш учун тасаввуфий манбаларни ўрганмоқ зарур.

Мустақиллик даврида файласуфлар умуман фалсафа, шунингдек инсон фалсафасини янгича ёндашув билан тадқиқ эта бошладилар. Инсоннинг руҳияти, қалби, ички олами, иродаси, имон-эътиқоди, виждони, менталитети каби масалалар фалсафий тадқиқот объекти бўлмоқда. Инсон онгли мавжудот сифатида анча ўрганилган бўлсада, лекин унинг қалби масаласи ҳали етарлича тадқиқ этилмаган. Ҳолбуки, инсон қалбига йўл маънавий-маърифий тарғиботнинг энг асосий масаласидир. Қалб масаласи тасаввуф таълимотларининг диққат марказида бўлган.

Тасаввуфнинг Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ҳам қалб масаласига махсус эътибор берган.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг таҳлили кўрсатадики, уларда қалб икки маънода тушунилади: биринчиси – танада жойлашган, ҳайвонларда ҳам бор бўлган гўшт парчаси, яъни юрак бўлса, иккинчиси – раббоний руҳ деб аталадиган латоиф қалбдир. Қалб латиф илоҳий руҳ бўлиб, олам ҳақиқатини идрок этиши, ақллар ҳайратда қоладиган нарсаларни била олиши, жисм билолмайдиган нарсалар ва сифатларни англаши каби имконияти чексиз даражада бўлган борлиқнинг бир кўринишидир. Қалб раббоний руҳ маъносида асл ҳақиқатини билувчидир. Нақшбандия таълимотида раббоний руҳ деб аталувчи латиф қалб билан жисмоний гўштпора кўринишдаги юрак орасида махсус боғланиш борлиги таъкидланган.

Юрак ва қалбнинг ўзаро узвий боғлиқлиги Нақшбандиянинг «Дил ба Ёру даст ба кор» – «Қалб Аллоҳ билан, қўл ишда» шиорида ўз аксини топган. Инсон фаол бўлиши, яъни қўли ишда, халқ, юрт, эл, Ватан манфаати йўлида холис хизмат қилиши, жисмонан кучли бўлиши, тананинг барча қисмлари уйғун ҳаракат қилиши учун юрак соғлом бўлиши лозим. Қалб маънавий марказида кибр, ҳасад, ғазаб, нафрат бўлса, гўштпора юрак ҳам қисилади, қон ҳаракатидаги уйғунлик бузилади. Булар жисмда турли хил касалликларни вужудга келтиради. Шунинг учун юрак қалбга, қалб юрак ҳолатига боғлангандир.

Баҳоуддин Нақшбанднинг қалб ҳақидаги фикрлари Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг бу масаладаги қарашларидан озиқланган. «Аз гуфтори Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний» рисоласининг тўққизинчи боби «Дилнинг саломат бўлиши ҳақида» деб номланади. Бу рисолада Хожаи Жаҳоннинг шундай сўзлари келтирилади: «Билгилки, дилнинг саломатлиги Ҳақ таъоло рози бўлмаган нарсалардан узоқ бўлишидир. Эртага соғлом дилдан ўзга ҳеч нарса ёрдам беролмайди».

Баҳоуддин Нақшбанд қалбга «руҳоний ва жисмоний олам ўртасидаги воситадир» деб баҳо беради ва шунга асосланиб тариқатга «Вуқуфи қалбий» деган тамойилни киритади. Баҳоуддин Нақшбанднинг «Вуқуфи қалбий» таълимоти икки маънони

англатади. Биринчиси: «Ҳақиқатни англашни истаган кишининг қалби Ҳақдан огоҳ бўлиб туриши. Буни *ёддошт* деб айтадилар». Шу маънода яна у «Вуқуфи қалбий» қалбнинг Ҳақдан шу даражада огоҳ ва ҳозир бўлишики, худонинг ўзидан бошқа бирон нарса уни машғул қилмайди», деган. Бошқа жойда огоҳликни зарур ҳисоблаб, уни шухуд, вусул ва Вуқуфи қалбий деб номлаган.

Иккинчи маъноси: «Солик ўз қалбидан воқиф бўлиши ва таважжуҳ қилиши, яъни унга тўла юзланиши керак. У қалбини Тангри зикри билан машғул бўлишга чорлаши ва уни ғофил бўлишга қўймаслиги керак».

Баҳоуддин Нақшбанд рубоийлари жамланган «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асаридаги 57-рақамли рубоийда ирфоний мазмундаги қуйидаги рубоий борлигини аниқладик:

راهی تو به هر روش که پوینده خوش است
کوی تو به هر روش که جوینده خوش است
روی تو به هر دیده که بیند نیکو است
ذکر تو به هر صورت گوینده خوش است

*Роҳи Ту ба ҳар равиш, ки пўянда хуш аст,
Кўй Ту ба ҳар равиш, ки чўянда хуш аст.
Рўи Ту ба ҳар дида, ки бинад некӯ аст,
Зикри Ту ба ҳар сурати гўянда хуш аст.*¹³³

Мазмуни:

Сенинг йўлинг ҳар равишда юриш учун хушдир,
Сенинг кўйинг ҳар равишда изловчи учун хушдир.
Сенинг юзинг ҳар бир дийда учунким, сени кўрса эзгуликдир,
Сенинг зикринг қандай кўринишда бўлса ҳам, айтувчи учун хушдир.

Рубоийдаги мазмун-моҳиятдан маълум бўладикки, унда орифлар, яъни Аллоҳни танийдиган улуғ зотлар ҳақида гап кетмоқда. Ориф олимдан фарқли, фақат тафаккури билан амал қилмасдан, ботинида Аллоҳ муҳаббатини жойлаб кўнгил амри ила ҳаракат қилади. Рубоийда Баҳоуддин Нақшбанд Аллоҳнинг йўли барча

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۹۸¹³³

йўллардан гўзалигини, бу йўлдан бориб изланишда бўлганлар энг комил инсон эканлигини, Аллоҳ жамолини кўриш энг эзгу амаллигини, Унинг зикрини хуфия ёки жаҳрия, самоъ ёки ўзга йўллар билан қилиш мақбуллигини таъкидлаган.

Манбадаги 62-рақамли рубойнинг ҳам қуйидаги ирфоний мазмуни бор:

مردان خدا از خاکدان دیگرند
مرغان هوا ز آشیان دیگرند
منکر تو به این بالشیان ایشان
فارغ زود کون و جهان دیگرند
*Мардони Худо аз хокдони дигаранд,
Мурғони ҳаво зи ошиёни дигаранд.
Мункири Ту ба ин болишиён эшон,
Фориғ зуд кавн-у чаҳони дигаранд.*¹³⁴

Мазмуни:

Худонинг Мард эранлари ўзга тупроқдандирлар,
Ҳавога учувчи қушлари ўзга ошиёндандирлар.
Сенинг инкоринг бу Аллоҳ яратувчиларга,
Фориғдурлар ва ўзга кавну жаҳондандурлар.

Рубойда Баҳоуддин Нақшбанд Аллоҳнинг садоқатли Мард эранлари – пайғамбарлар, азиз авлиёлар, ориф ва Ҳақ йўлидан бораётганлар Аллоҳ томонидан махсус пок тупроқдан яратилганлигини, уларнинг қуш сифатида руҳий парвозлари илоҳий ошиёндан эканлиги, уларнинг руҳий-маънавий томони Ғайб олами бўлган ўзга кавну жаҳонданлиги тавсифланган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг манбада 95-рақам билан белгиланган рубойлари қуйидаги мазмундадир:

فتح از در کرد و کار خود میخوام
بخشایش روزگار خود میخوام
تا چند به انتظار روزم برود
بخت از پس روزگار خود میخوام

رباعیات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۱۰۳ ۱۳۴

*Фатҳ аз дари кирду кори худ меҳоҳам,
Бахшоиши рӯзгори худ меҳоҳам.
То чанд ба интизор рӯзам биравад,
Бахт аз паси рӯзгори худ меҳоҳам.¹³⁵*

Мазмуни:

Ўз кирду корим билан Сенинг эшигингдан ғалаба истармен,
Ўз рӯзғоримдан бахшоишлар истармен.
Қанча интизорлик билан кунларим ўтса ҳам,
Ўз рӯзғоримдан бахт истармен.

Рубоийда Нақшбандия таълимотига хос бўлган «Дил ба Ёру даст ба кор» шиори асосида холис, Аллоҳ ризолиги учун ҳалол меҳнат қилиш истаги ёзилган. Нақшбандия йўлидаги толиблар Аллоҳ эшигидан ғалабага эришиш мумкинлигига ишонадилар. Ўз меҳнатлари билан эҳсонлар қилишни истайдилар. Сабру-қаноат ила бахтга эришишларига эътиқод қиладилар.

Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларининг таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

1. Ориф – Аллоҳни танийдиган инон тақдирдан рози бўлиб, унгагина таваккал қилади.

2. Ирфон аҳлининг кўнглида Аллоҳгина жойлашган бўлиб, унинг мадади ила ўз ҳалол меҳнати билан инсон бахтли бўлишига ишонади.

3. Ақлу-тафаккур ва илму ирфон инсон камолоти парвозининг икки қанотидир.

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليڪيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۱۴۰ ۱۳۵

IV БОБ. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД РУБОЙЛАРИДАГИ ИНСОН ТУШУНЧАСИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

4.1. Инсон борлиғи

Инсон тушунчаси, унинг ҳаёти мазмуни, ўзлигини англаш муаммоси ҳар доим фалсафанинг долзарб масаласи бўлган. Антик даврдан ҳозирги кунгача файласуфлар бу масалага оид кўп асарлар ёзиб, фикру-мулоҳазалар баён этганлар. Анвар Чориевнинг «Инсон фалсафаси»¹³⁶ асарида файласуфларнинг инсонга оид қарашлари таҳлил этилган. Нақшбандия тасаввуфий таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳам инсонга оид фикрлари мавжуд.¹³⁷

Тадқиқотларимиз натижасида Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросининг янги қирраси – рубойлари борлиғи маълум бўлди.¹³⁸ Рубойларнинг таҳлили асосида инсон камолотида камтаринлик,¹³⁹ шукроналик,¹⁴⁰ ризо¹⁴¹ каби фазилатларнинг ўрни очиқ берилган. Инсоннинг руҳий мувозанати учун тавба ва кечиримли бўлишнинг аҳамияти таҳлил этилди.¹⁴² Инсоннинг камолотида ҳамсуҳбатнинг таъсири ва роли таъкидланган.¹⁴³ Инсон учун ҳи-

¹³⁶ Анвар Чориев. Инсон фалсафаси: Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти (биринчи китоб). – Тошкент: «O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati» nashriyoti. 2007. 416 б.

¹³⁷ Баҳоуддин Нақшбанд. (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г.Н. Наврўзова. – Т.: «Sano standart» нашриёти, 2019. 256 б.

Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан, 2005. – 233 б.

Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан, 2007. – 189 б.

Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд. (Рисола). – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти, 2011. 24 б. Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Фан, 2021. – 244 б.

Navruzova G.N. Bahauddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). *Islom tafakkuri* (Maxsus son), 2020. 5–8-б.

¹³⁸ Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросининг янги қирраси. // *Islom tafakkuri*. 2024. 1-сон. 3–7 бетлар.

¹³⁹ Navro'zova G.N. Kamtarinlik ila kamolga yetgan valiy. // *Ilm sarchashmalari*. 2023. №8. 48–50-бетлар.

¹⁴⁰ Наврўзова Г. Шукроналик – инсон камолотининг асоси. // *Imom Buxoriy saboqlari*. 2023. №3. 121–123-бетлар.

¹⁴¹ Наврўзова Г.Н. Нақшбандия таълимотида ризо тушунчаси. // *Islom tafakkuri*. 2022. 2-сон. 39–46-бетлар.

¹⁴² Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд рубойларида инсонни руҳий мувозанати масаласи. *Interpretation and researches*. Volume 1 issue 22. 30.12.2023. p.171–176.

¹⁴³ Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида суҳбат тушунчаси. *Interpretation and researches*. Volume 2 issue 1(23). 30.01.2024. p.19–22.

жоб бўлган нақшдан қутулиш йўли ҳақида маълумот берилди.¹⁴⁴ Аммо Баҳоуддин Нақшбанд рубойларидаги¹⁴⁵ инсон тушунчаси етарли даражада таҳлил ва тадқиқ этилмаган. «Мақомот» ва «Рубоийети Хожа Нақшбанд»даги «ҳеч» ибораси такрорланадиган икки рубойни таҳлили асосида, герменевтик услубдан фойдаланиб инсон тушунчасини фалсафий таҳлил этдик.

Баҳоуддин Нақшбандга оид бўлган асосий манба Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» асарида бу улуғ зотнинг қуйидаги рубойлари келтирилган:

*Ҳеч мо не ва ҳеч мо кам не,
Аз паи ҳеч ҳеч мо ғам не.
Жанда бар пушт, пушт гўристон,
Гар бимирем ҳеч мотам не.¹⁴⁶*

Мазмуни:

Ҳеч нарсамиз, ҳеч нарсдан камимиз йўқ,
Ҳеч нарсанинг кетидан ғамимиз йўқ.
Орқада жандаю, гўристон ортда,
Гар ўлиб қолсак ҳеч мотам ҳам йўқ.

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу рубойлари барча манбаларда тан олинган. Унинг фалсафий таҳлили инсонга оид қуйидаги қарашларни намоён этади: Рубойда «ҳеч» деган сўз бир неча мартаба такрорланмоқда. Онтологик жиҳатдан таҳлил этганимизда, инсон борлиғи бутун коинот ва борлиқлар тизимида жуда кичик зарра бўлиб, ҳеч нарсадек кўринади. Шаклан қараганимизда мегаолам, галактика ва метagalactикага қиёслаганимизда инсон борлиғи кичик, жуда ҳам кичик заррадир. Аммо суратда, шаклда, зоҳиран кичик олам бўлган инсон Баҳоуддин Нақшбанд таърифи

¹⁴⁴ Наврўзова Г.Н. Нақшбандия: Нақшдан бенақш сари йўл. Interpretation and researches. Volume 2 issue 8(30). 10.05.2024. p.219–225.

¹⁴⁵ Баҳоуддин Нақшбанд. Рубойлар. Бухоро: «Sadrididin Salim Vuxorij» нашриёти, 2023. – 84 б.

¹⁴⁶ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 85-бет.

билан ҳеч нарсадан кам эмас. Чунки инсон жамъ этувчи борлиқдир. Бутун илоҳий, руҳий, маънавий, моддий оламлар инсонда мужассамдир. Зоҳиран Кичик Олам бўлган инсон, ботинан Катта Оламдир. Унда бутун борлиқ жамлангандир. Баҳоуддин Нақшбанд ва Жалолиддин Румийнинг қуйидаги ғоялари уйғундир:

*Гар ба сурат Олами Асғар туи,
Лек ба маъни Олами Акбар туи.
Зоҳиран он ахтарон қаввоми мо,
Ботини мо гашта қаввоми само.*

Мазмуни:

Суратда Кичик Олам бўлсангда,
Маъни жиҳатидан Катта Оламсан.
Зоҳирда юлдузлар бизга қувват бергандай бўлсада,
Бизни ботинимиз бутун самонинг қувватидир.

Кубровия таълимотининг асосчиси Нажмиддин Кубро ҳам Кичик олам ва Катта олам ҳақида гапирган. У ҳам инсонда бу икки олам мужассамлигини таъкидлаган. Кубровия таълимотини ривожлантирган Азизиддин Насафий ўзининг «Комил инсон китоби»даги ўнинчи рисола ни «Кичик олам катта оламнинг нусхаси ва кўриниши эканлиги баёнида» деб номлаган.¹⁴⁷ Унда инсон жисмини мулк олами ва руҳини малакут ва жабарут олами нусхаси эканлигини исботлаган. Азизиддин Насафий: «Билгилки, кичик олам катта оламнинг намунаси ва кичрайтирилган нусхасидир, катта оламда нимаики бўлса, кичик оламда ҳам бор. Демак, катта оламда ниманики исбот этсалар, кичик оламда ҳам унинг кўриниши бўлиши керак, бу сўз тўғридир» деб таъкидланган.

Тасаввуф тарихида илк тариқатлар ҳақида маълумот берган буюк мутасаввифлардан бири бўлган Абулҳасан Хужвирий ўзининг «Кашф ул маҳжуб ли арбобил қулуб» (Қалб эгалари учун ҳижобнинг очилиши) асарида инсонга Кичик Олам ва Катта Олам нуқтаи назаридан ёндашган. Унинг фикрига кўра: «Инсон Аллоҳ

¹⁴⁷ Азизиддин Насафий. Комил инсон китоби. Нажмиддин Комилов, Олимжон Давлатов таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2021. 117–126-бетлар.

томонидан яратилган мавжудлик бўлиб, ҳар бир оламдан бир намунадир. Олам бу икки жаҳондир. Инсонда ҳар икки жаҳоннинг нишони бордир. Бу жаҳоннинг нишони ҳаво, тупроқ, сув ва оловдир. У балғам, қон, сафро ва савдо кўринишида таркиб топгандир».¹⁴⁸

Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи шогирди Хожа Муҳаммад Порсонинг бизгача етиб келган «Таҳқиқот» асариде инсон муаммосини таҳлил этган. Хожа Муҳаммад Порсонинг антропологик қарашларига кўра ҳам, инсон Аллоҳ томонидан яратилган мавжудлик бўлиб, унинг таркиби тўрт унсур: тупроқ, сув, бод (ҳаво), оташ(олов)дан иборатдир.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотини жаҳоний тариқатга айлантирган Хожа Аҳрор Валий ўзининг «Рисолайи Ҳавроййа» ва «Фиқротул орифийн» асарларида ёзилган қуйидаги рубоийсида инсоннинг мукамал жамъ этувчи борлиқ эканлигини ёзган:

*Эй нухаи номаи илоҳи, ки туи,
Эй оинаи жамоли шоҳи, ки туи.
Берун зи ту нест ҳар чи дар олам ҳаст,
Дар худ биталаб ҳар он чи хоҳи, ки туи.*¹⁴⁹

Мазмуни:

Эй илоҳий номанинг нухаси сенсан,
Илоҳий жамолнинг кўзгуси сенсан.
Оламда мавжуд бўлган ҳамма нарса сенда бордир,
Нимани истасанг ўзингдан изтагил.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотидаги «Сафар дар Ватан» – «Ватанда сафар» тамойили инсон ботинига сафар қилиш ва ботинни поклаган инсонда бутун оламга таъсир этувчи қувватлар борлиги ҳақида фикр юритилади. Баҳоуддин Нақшбанднинг «Ҳеч мо не» дегани – суратда биз ҳеч, яъни кичик бўлсақда, «Ҳеч мо кам не» – ҳеч нарсадан кам эмасмиз – дегани, ботинан инсон Катта

¹⁴⁸ Абулҳасан Ҳужвирий. Кашф ул маҳжуб. Фаридун Осиебий Ишқий Зинжоний таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси). – Техрон: «Теббӣён», 2003. 122-бет.

¹⁴⁹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисоалар. – Тошкент: Адолат, 2004. 24, 69-бетлар.

Олам эканлиги ва борлиқдаги барча тизимлар моҳияти инсонда мавжудлиги тан олинган.

Баҳоуддин Нақшбанд рубойисининг биринчи қатори кўпинча таржимада бизни ҳеч нимамиз йўқ, лекин биз ҳеч нимадан кам эмасмиз маъносида таҳлил этилган. Бу фалсафий таҳлил бизнинг фикримизча, анча тор маънони билдиради. Бу таҳлиллар рубойининг иккинчи қатори мазмунига анча яқиндир. Рубойининг иккинчи қаторида ҳеч нарса учун бизда ғам йўқ ибораси орқали Баҳоуддин Нақшбанд оламини фоний, яъни ўткинчи ва боқий, яъни абадий эканлигига ишорат қилади. Ҳеч учун бизда ғам йўқ дейиш билан моддий оламдаги мол-мулк, дунё, мансаб ва бойлик ўткинчи эканлиги улар учун ғам ейиш, умрни бахшида этиш арзимаслиги таъкидланмоқда. Дунёпарастлик, мол-мулкка боғланиш, мансаб учун кураш инсоннинг охирати ва абадий ҳаёти учун фойда бермаслиги, кераксизлиги таъкидланмоқда. Инсон ҳаётининг мазмуни дунёга боғланишда эмас, балким дунёдаги имкониятлардан эзгу амаллар қилиб, боқий ҳаётга абадий қолиш учун фойдаланиш тўғрилиги таъкидланмоқда.

Баҳоуддин Нақшбанд рубойисининг иккинчи қаторидан фалсафанинг борлиққа оид қарашларини иккинчи томони маълум бўлади. Борлиқ фоний олам ва боқий оламдан иборатдир. Моддий олам фоний бўлиб, унинг имкониятлари эзгуликка сарфланса, боқийликка инсонни боғлайди. Баҳоуддин Нақшбанднинг бу фикрлари ҳам Жалолиддин Румийнинг «Девони Шамс» асарининг 648-ғазалидаги қуйидаги мисралари билан уйғундир:

*Зотеду, сифотеду, гаҳе Аршу, гаҳе фарш,
Дар асл бақоеду, муназзаҳ зи фаноед.*

Мазмуни:

Илоҳий зот, сифатларсиз, Аршсизу гоҳо фаршсиз,
Аслида боқий, абадийсизу фоний эмассиз.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳам инсонни моддийликка боғланмасдан берилган ҳаётни, умрни эзгуликка равона этиб, абадий яшашга ундамоқда.

Баҳоуддин Нақшбанд рубойисининг учинчи қаторида жанда ортда ибораси орқали ўзида бор бўлган мол-мулк меҳрининг қалбида эмаслиги, унга боғланмаганлигини таъкидлаб, орқада қабристон борлигини айтмоқда. Бу мисра орқали инсон тана жиҳатидан ўлиши ва қиёматгача барзах олами бўлган қабрда қолишини тушунтириб, мол-мулк қабрга инсонга ҳамроҳ бўлмаслигини таъкидламоқда. Аммо ўлим ҳақ эканлиги, тананинг фонийлиги, руҳнинг абадийлиги масаласига эътибор бериб, абадий ҳаёт учун зарур бўлган охираат ғамини ейиш кераклигига инсоният диққатини қаратмоқда.

Рубойининг охириги тўртинчи қатори ўлим мотам эмаслиги, аксинча, инсон танаси орқали руҳни тўсиб турган барча пардалар кўтарилиб, унинг бемалол парвозига ва илоҳий моҳият билан боғланишга имкон туғилиши масаласи эътиборга олинмоқда. Ўлим ва ҳаёт масаласи Баҳоуддин Нақшбанд фикрича, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга кўчишдир. Ўлиш бу – риҳлат қилиш, яъни фоний оламдан боқий оламга ўтишдир. Инсон шараф билан бу фоний ҳаётдан боқий ҳаётга ўтиши учун танадаги, вужудидаги барча имкониятларини фақат эзгуликка сафарбар этган бўлиши лозим.

«Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асарида 101-рақамли рубойида ҳам инсон ҳаётининг мазмуни «ҳеч» ибораси орқали қуйидагича тавсиф этилган:

دنیا چه بود کثیر مشوش بودن
 و ز بهر دو روزه عمر ناخوش بودن
 ما هیچ جهان هیچ و غم و شادی هیچ
 خوش نیست برای هیچ ناخوش بودن
*Дунё чи бувад? Касири машуш будан,
 В-аз баҳри ду рўза умр нохуш будан.
 Мо ҳеч, жаҳон ҳечу ғаму шоди ҳеч,
 Хуш нест барои ҳеч нохуш будан.¹⁵⁰*

۱۹۹۸ زنىشىكىلىپ ئەينىدىلا روهال رازابودرا ىروصق دمحم حراش و بىترم دىبشقن هجاوخ تاىعابىر ۱۴۶ ۱۵۰
 مەنىھىص

Мазмуни:

Дунё недур? Кўп ташвишли бўлиш,
 Икки кунлик умр учун хафа бўлиш.
 Биз ҳечмизу, жаҳон ҳечу, ғам ва шодлик ҳеч,
 Хуш эмасдир ҳеч учун хафа бўлиш.

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу рубоийсидан маълум бўладики, инсон ҳаёти учун дунё, мол-мулк ва уларга боғланиш беҳуда ташвишдир. Чунки бу моддий оламда инсон қисқа муддат яшайди. Моддий оламда яшаган давр бутун инсон ҳаётига нисбатан ҳеч нимадир. Бу жаҳон ва ундаги шодлигу-ғам ҳам ўтқинчидир. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд бу қисқа муддатли ҳаётда нохуш бўлишни қоралайди. У шукроналик ва эзгулик билан яшаш кераклигини таъкидлаб, бу олам охират учун зироат жойи эканлигини айтади.

ای در صفت ذات تو حیران که و مه
 جهان خدمت درگاه تو بهواز هر دو
 علت تو ستانی و شفا هم تو دهی
 یا رب تو بفضل خویش بستان و بده
*Эй дар сифати зоти Ту ҳайрон, кўху маҳ,
 В-аз ҳар ду жаҳон хизмати даргоҳи Ту беҳ.
 Иллат Ту ситонию шифо ҳам Ту диҳи,
 Ё Раб, Ту ба фазли хеш бастану бидеҳ.*¹⁵¹

Мазмуни:

Эй Сенинг зотинг сифатига ҳайрондир тоғу ой,
 Икки жаҳонда Сенинг даргоҳингдаги хизмат яхшидир.
 Дард Сен берарсану шифо ҳам Сен берасан,
 Ё Раб, Сен фазлинг ила эзгулик бердинг.

28-рақам билан келган Баҳоуддин Нақшбанднинг бу рубоийси тавҳид тушунчасини англатади. Вужуди вожиб бўлган Аллоҳнинг

1998 زننشىكىلىپ تىنىدلا روهال رازابودرا ىروصق دمحم حراش و بىترم دىنبشقن هجاوخ تىاىعابر 69 151
 هفىحص

зоти ва сифати бутун борлиқни ҳайратга солишини кўрсатади. Баҳоуддин Нақшбанд Аллоҳнинг қудратини кўриб икки жаҳонда: дунё ва охирада энг яхши хизмат Унинг даргоҳидаги хизмат эканлигини тан олмоқда. Аллоҳнинг қудрати билан бу имтиҳон дунёда дард ҳам берилади, шифосини ҳам Ўзи беради. Буни англаган Баҳоуддин Нақшбанд Аллоҳга мурожаат қилиб, ўз фазли билан фақат эзгуликлар беришини сўрайди.

پر درد ز ناز و نعمش دوست مرا
بردوخت مرقع از رگ و پوست مرا
تن خرقة و جان من چون صوفی
عالم همه خانقاه شیخ اوست مرا

*Пурдард зи нозу неъматаш Дўст маро,
Бардўхт мураққаъ аз рагу пўст маро.
Тан хирқаю жони ман чун сўфи,
Олам ҳама хонақоҳ, шайх Ўст маро.*¹⁵²

Мазмуни:

Дўстимиз бизни сийлади нозу-неъматини билан,
Бизни томир ва теримизда мураққаъ тикди.
Танамиз ҳирқаю жонимиз сўфий каби,
Олам ҳама ҳонақоҳу шайх Удир бизда.

Баҳоуддин Нақшбанднинг манбада 48-рақам билан келган бу рубоийси олам ва одамнинг ўзаро алоқадорлигини кўрсатади. Баҳоуддин Нақшбанд бу рубоийда Аллоҳнинг дўст эканлиги ва нозу неъмат билан инсонни сийлаганини, азизу мукаррам қилганлигини таъкидламоқда. Аллоҳнинг энг катта мўъжизаси инсон танаси эканлигини таъкидламоқда. Танани ичида мавжуд бўлган томир ва узвларнинг устидан терини мураққаъ, яъни дарвешларнинг қуроқ тўнини кийдириб қўйганини ажойиб тавсифлаган. Танани хонақоҳ, яъни сўфийлар ибодат қиладиган жой билан тенглаштириб жон ва руҳни Унинг ўзи бўлиб шайх сифатида улуғлайди. Бу билан инсоннинг барча узвлари Аллоҳнинг

۱۹۹۸ ز ن ش ی کی ل ی پ ق ى ن ى د لا ر و ه ال ر ا ز ا ب و د ر ا ى ر و ص ق د م ح م ح ر ا ش و ب ح ت ر م د ن ب ش ق ن ه ج ا و خ ت ا ى ع ا ب ر ۸۹ ۱۵۲
هفص

зикрини қилиши ва унинг хизматида бўлиши лозимлигини таъкидламоқда.

ز آن جا که کمال جاه جانانه ماست
عالم همه در پناه جانانه ماست
مارا از این که عالمی خصم شود
پیش پس ما سپاه جانانه ماست
*З-он жо, ки камоли чоҳи чононаи мост,
Олам ҳама дар паноҳи чононаи мост.
Моро чи аз ин, ки оламе хасм шавад,
Пешу паси мо сипоҳи чононаи мост.*¹⁵³

Мазмуни:

У ерда ким бизнинг камолотимизнинг асоси жононамиздир, Олам ҳама жононанинг паноҳидадир. Бу оламда мавжуд бўлган бирор нарса душманлик қилса, Олдимиз ва орқамизда жононанинг қўшинлари бордир.

Манбада 50-рақам билан қайд этилган бу рубоийда Аллоҳ инсоннинг жононаси, Ёри эканлиги таъкидланмоқда. Дарҳақиқат, У инсонга жон томиридан ҳам яқинроқдир. Бутун борлиқ Унинг паноҳидадир. Чунки Аллоҳ борлиқни инсон бахту-саодати учун яратгандир. Буни англаган Баҳоуддин Нақшбанд таъкидламоқдаки, агар оламдаги бирон нарса унга зарар қилмоқчи бўлса Аллоҳнинг фаришталари қўшин бўлиб уни ҳимоя қилади. Бу рубоий инсонни ишонч билан, эътиқод билан, Аллоҳга таваккал қилиб яшашга ундайди.

«Рубоийети Хожа Нақшбанд» асаридаги 118-рақамли рубоий инсон умрининг қадрини билиши, вақтни беҳуда ўтказмаслиги, нафсга берилиб, ҳаром луқма истеъмол қилмаслиги лозимлигини таъкидлайди:

افسوس که عمر رفت بر بیهوده
هم لقمه حرام و هم نفس آسوده
فرموده و ناکرده سیه رویم کرد
فریاد ز کرده های نافرموده

رباعیات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۹۱¹⁵³

*Афсус, ки умр рафт бар беҳуда,
Ҳам луқма ҳарому ҳам нафс осуда.
Фармуда ва нокарда сияҳ рӯям кард,
Фарёд зи кардаҳои нофармуда.¹⁵⁴*

Мазмуни:

Афсуским, умр фойдасиз ўтди,
Ҳар луқмамиз ҳарому нафс осуда бўлди.
Нафснинг ҳукми билан юзим қора бўлди,
Сенинг ҳукмингга итоат қилмаганимга фарёд қиламан.

Баҳоуддин Нақшбанд нафси амморага бўйсуниб умрини беҳуда ўтказган дамларига афсус чекиб, фарёд қилади. У барча инсонларнинг нафсини ўзига бўйсундириб тарбиялашга чақиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Баҳоуддин Нақшбанднинг рубоийларининг фалсафий таҳлили унинг борлиқ, олам, олам ва одам муносабати ҳақидаги, фойдасизлик ва боқийлик масалаларининг чуқур моҳиятини очиқ беришга имкон беради. Ҳазрат Нақшбанднинг ҳар бир рубоийси, айтган каломларини фалсафий таҳлил этиб, таълим ва тарбия жараёнида фойдаланиш Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қурадиган баркамол авлодни тарбиялаш учун жуда фойдалидир.

Хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Баҳоуддин Нақшбанднинг «Мақомот»да келтирилган «ҳеч» ибораси такрорланадиган рубоийси инсонни жамъ этувчи борлиқ эканлигини исботлайди.

2. «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асаридаги «ҳеч» ибораси такрорланадиган рубоийси моддий оламдаги қисқа муддатдаги ҳаётнинг мазмун-моҳиятини очишга ёрдам беради.

3. Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд инсоннинг мукамал мавжудот эканлигини рубоийларида тавсифлаган.

4. Инсон борлигини фалсафий англашда Баҳоуддин Нақшбанднинг рубоийларини фалсафий таҳлил этиш бу фанни ривожига ёрдам беради.

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۱۶۳ ۱۵۴

4.2. Ўзликни англаш масаласи

Ўзликни англаш инсон камолоти учун муҳим масаладир. Ўзини англаган инсон жамиятда ўз ўрни, вазифалари, қадр-қимматини билади ва шунга муносиб амал қилади. Антик давр файласуфларидан, ҳозирги кунгача бу масала долзарб фалсафий муаммодир. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда фалсафий масалаларни тадқиқ этишда динийлик ва дунёвийликка уйғун муносабатда бўла бошланди. Тасаввуф фалсафасида ўзликни англаш масаласи яхши ўрганилган. Бу таълимотда нафс ва уни тарбиялаш масаласи асосий муаммодир. Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг рубоийларида ўзликни англаш масалалари жуда гўзал тавсифланган. Бу рубоийларни мукамал тадқиқ этиш долзарб масаладир.

Манбадаги 45-рақамли рубоийда Баҳоуддин Нақшбанд ўзини англашга ҳаракат қилганлиги қуйидагича тавсифланган:

از هیچ کسی خویشتن بیخبرم
از هیچ سگی به نیم الا بترم
هرچند بحال خویش مینگرم
یک حبه نیرزد ز قدم تا بصرم

*Аз ҳеч касии хештан беҳабарам,
Аз ҳеч саге беҳ наям, илло бадтарам.
Ҳарчанд ба ҳоли хеш менигарам,
Як ҳабба наарзад зи қадам то ба сарам.*¹⁵⁵

Мазмуни:

Ўзимни ҳеч ким эмаслигимдан беҳабарман,
Ҳеч бир итдан яхши эмасман, илло ёмонроқман.
Қанча ўзимнинг ҳолимга қарасам,
Қадамимдан бошимгача бир ҳабга ҳам арзимасман.

Рубоий мазмунидан маълум бўладиги, Баҳоуддин Нақшбанд камолотининг сири у киши ҳамиша ўзларини назорат қилганлигидадир. У киши бутун борлиққа ўзларини қиёслаб, ҳар бир мав-

رباعیات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۸۶ ۱۵۵

жудотнинг фойда келтиришини аниқлаганлар. Рубойида ўзлари-ни итдан ҳам паст эканликларини таъкидлаганлар. Бизнинг фикримизча, Ҳазрат Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» асаридида фақруфано водийсини тавсифлаганларида Баҳоуддин Нақшбандни ўзини итнинг оёқ изидан ҳам камтар тутганини ёзишда шу рубойининг таъсири бўлса керак.

Манбадаги 51-рубойида ўзликни англаш учун нақшбандларга хос талаблар қуйидагича ёритилган:

خود را بشکن که بت شکستن این است
واز خود بگسیل که ز قید رستن این است
در گوشه خاطر عزیزان جا کن
در مذهب ما گوشه نشستن این است
*Худро бишикан, ки бут шикастан ин аст,
В-аз худ бигусел, ки зи қайд растан ин аст.
Дар гўшай хотири азизон чо кун,
Дар мазҳаби мо гўша нишастан ин аст.*¹⁵⁶

Мазмуни:

Ўзингни синдиргин, бутни синдириш шудир,
Ва ўзингдан кечгин, камолнинг белгиси шудир.
Азизлар хотирининг бир гўшасидан жой ол,
Хилватнишинлик бизнинг мазҳабимизда шудир.

Рубойида инсон нафсини Баҳоуддин Нақшбанд бутга тенглаштиряпти. Нафсига қул бўлган кишини бутпараст деяпти. Нафсидан кечган, аммора нафсини устидан ғолиб бўлган киши камолотга етган инсон ҳисобланишини тавсифламоқда. Рубойидан маълум бўладики, инсон ўзлигини англаши учун ўз нафсини таниши лозим. Нафсини тарбиялаган кишилар эзгу ишлари билан яхшилар қалбидан жой оладилар. Нақшбандия таълимотида «Хилват дар анжуман» тамойили асосида холис «Дил ба Ёр-у даст ба кор» шиори асосида меҳнат қилиш лозим.

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۹۲ ۱۵۶

«Рубоийети Хожа Нақшбанд» асаридаги 56-рақамли рубоийда нафсни синдириш, кибру-ҳавони йўқотиш инсон ўзлигини англашининг асоси эканлиги қуйидагича ёритилган:

تا از غمت دلتنگ داریم ای دوست
از غیر تو در بسته داریم ای دوست
گفتی که من با شکستگان نزدیکم
ما نیز دل شکسته داریم ای دوست

*То аз ғамат дилтанг дорем, эй Дўст,
Аз ғайри Ту дарбаста дорем, эй Дўст.
Гуфти, ки ман бо шикастагон наздикам,
Мо низ дил шикаста дорем, эй Дўст.*¹⁵⁷

Мазмуни:

Сенинг ғамингдан қалбда дардимиз бор, эй Дўст,
Сендан ўзга барча эшиклар боғлиқдир, эй Дўст.
Айтдиким мен синганлар билан яқинман,
Биз ҳам синиқ қалб эгасимиз, эй Дўст.

Бу рубоийда инсоннинг ўзлигини англаши учун манманлик, кибру-ҳаво каби иллатлардан қутулиш лозимлиги таъкидланмоқда. Чунки кибру-ҳаво илоҳий нур ва файз эшикларини боғлайди. Нафс истаклари устидан ғолиб чиққан қалби синиқ киши ўзлигини англай олади. Нақшбандия таълимотидаги 11 тамойил бу мақсадга эришишда ёрдам беради.

Баҳоуддин Нақшбанднинг манбадаги рубоийларининг таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Инсон ўзлигини англаши учун нафсини таниши лозим.
2. Нафс истаклари устидан ғалаба қилиш учун мудом ўз нияти, фикру-ўйловлар ва амалларини назорат қилиши лозим.
3. Аммора нафсидан ғолиб чиққан, нафс истакларини тарбиялаган, кибру-ҳавони йўқотган камтарин инсон ўзини англай олади.

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۹۷ ۱۵۷

4.3. Уйғунликка оид рубойлар

Жамият аъзоларининг аҳил, тинч-тотув, муросою-мадора муносабатда бўлиши фаровон ва бахтли яшашнинг асосидир. Жамиятда аҳилликни таъминлашнинг асосларидан бири уйғунлик масаласидир. Исаак Ньютон бутун олам тортишиш қонунини кашф қилганида моддий нарсаларнинг таъсир ва акс таъсир этиш масалаларини ёритди. Материалистик фалсафадан фарқли равишда мустақиллик давридаги фалсафа метафизик методологияга таянмоқда. Олимлар динийлик ва дунёвийлик масалаларини фалсафий жиҳатдан ўргана бошладилар. Тасаввуф фалсафаси таъсир ва акс таъсир ҳамда бутун олам тортишуви қонунларини фақат моддий нарсаларга эмас, балки маънавий, руҳий томонларга ҳам таллуқли эканлигини асослаган. Ижобий қувватлар ижобийликни, салбий қувватлар салбийликнинг тортишини асослаб берганлар. Бу масалани англаган инсон ижобий яшаши учун ижобий ният, фикр ва амал қилади. Тасаввуф таълимотидаги бу ғояни тарғиб этиш ҳозирги куннинг долзарб масаласидир.

Уйғунлик масаласи тасаввуфнинг Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандия таълимотида махсус ўрганилган. Нақшбандия таълимотига оид манбалар,¹⁵⁸ монография¹⁵⁹ ва тадқиқот-

¹⁵⁸ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 335 б.

Баҳоуддин Нақшбанд. (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г. Н. Наврўзова. – Т.: «Sano standart» нашриёти, 2019. 256 б.

Баҳоуддин Нақшбанд. Ҳикматли сўзлар. Bahouddin Nakshband. Words of wisdom. Ҳикматли сўзларни тўпловчи ва мақолалар муаллифи. Г.Н. Наврўзова, Ҳикматли сўзларни инглиз тилига таржима этувчи З. Расулов. «Sadriddin Salim Buxoriy». «Durdona» nashriyoti. 2020. 52 б.

Донишмандлар тухфаси. Рубойлар. – Тошкент: «O'zbekiston», 2009. 277–278.

Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – ҳушёрлик йўли. – Т.: Фан, 2024. 184 б.

Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. Душанбе: 2017. 456 б.

Сайфиддин Сайфуллоҳ, Ҳазрати Нақшбанд рубойлари. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» – нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2009. 20 б.

Салоҳиддин ибн Муборак ал-Бухорий.(1410) Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин. Бухоро музейи 27772/11 қўлёзма 168 в.

Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Обихаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Масъул муҳаррир: Б. Умрзоқ (ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. – 536 б.

¹⁵⁹ Наврўзова Г.Н. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан, 2005. – 233 б.

Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан, 2007. – 189 б.

Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – ҳушёрлик йўли. – Т.: Фан, 2024. 184 б.

ларда¹⁶⁰ бу масалага эътибор қаратилган.

Уйғунлик масаласи ёритилган 61-рақамли рубойни диққатингизга ҳавола этамиз:

آن كس كه بگفت نيكو خود نيكوست
وآن كسى كه بدم گفت بدى سيرت اوست
حال متكلم ز گلامش پيدااست
از كوزه همان برآيد كاندر اوست
*Он кас ки бигуфт некӯ, худ некӯст,
В-он касе, ки бадам гуфт, бадӣ сирати ўст.
Ҳоли мутакаллим зи каломаш пайдост,
Аз кӯза ҳамон барояд, ки андар ўст.*¹⁶¹

Мазмуни:

Ҳар кимки яхши сўз айтса, унинг ўзи яхшидир,
Ким ёмон гапирса, ёмонлик унинг сийратидир.
Мутакаллимни ҳоли каломидан маълумдир,
Кўзанинг ичида нима бўлса, ўша нарса чиқадир.

Рубойининг мазмунидан маълум бўладики, инсоннинг ботини зоҳирига уйғун таъсир этади. Яхши инсондан яхши сўзлар ва амаллар чиқади. Ёмон сийратли кишида ёмон сўз намоён бўлади. Мутакаллим, яъни калом эгаси, сўз айтувчи кишининг ҳоли қандай бўлса каломлари ҳам шунга уйғун бўлади. Баҳроуддин Нақшбанд инсондаги бу уйғунликни ифодалаш учун кўза билан уни қиёслайди. Кўзанинг ичида нима бўлса ўша чиқади: сув бўлса сув, тупроқ бўлса тупроқ. Демак, инсон қанча эзгу фикрли бўлса, шун-

¹⁶⁰ Наврўзова Г.Н. Баҳроуддин Нақшбанд. (Рисола). – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти, 2011. 24 б.

Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳроуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Фан, 2021. – 244 б.
Navruzova G.N. Bahaiddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). Islom tafakkuri (Maxsus son), 2020. 5-8-б.

Наврўзова Г.Н. Шукроналик – инсон камолотининг асоси. //Imom Vuxoriy saboqlari. 2023. №3. 121-123-бетлар.

Наврўзова Г.Н. Нақшбандия таълимотида ризо тушунчаси. //Islom tafakkuri. 2022. 2-сон. 39-46-бетлар.

Наврўзова Г.Н. Бухорои шарифнинг етти пири ҳалол тушунчаси хусусида. // Imom Vuxoriy saboqlari. 2022. 4-сон 51–52-бетлар.

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدنية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۱۰۲¹⁶¹

ча ижобий қувватлар нур, файз, эзгу сўзи ва амали бўлиб атрофни мунаввар қилади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг манбадаги 73-рақамли рубоийсида уйғунлик қуйидагича ёритилган:

عاشق همه دم فکر دوست کند
معشوق کرشمه که نیکوست کند
ما جرم و گنه کنیم و او لطف کرم
هر کس چیزی که لایق اوست کند
*Ошиқ ҳама дам фикри дўст қунад,
Маъшуқ карашма, ки неқўст қунад.
Мо чурму гунаҳ қунему, Ў лутфу карам,
Ҳар кас чизе, ки лоиқи ўст қунад.*¹⁶²

Мазмуни:

Ошиқ ҳамма дамда дўстнинг фикрини қилади,
Маъшуқ яхшилик карашмаларини қилади.
Биз журму гуноҳ қиламизу, У лутфу карам,
Ҳар кимга нима лойиқ бўлса ўшани қилади.

Рубоийда ишқ йўлидаги ошиқ ва маъшуқ бир-бирларига нисбатан меҳр-муҳаббат ила муносабатда бўлишини кўрсатган. Банда гуноҳқордир. Аммо Аллоҳ ўзига хос бўлган лутфу карам билан бандага раҳмат назари билан қарайди ва унинг гуноҳларини кечиради. Маълум бўладики, борлиқдаги ҳар бир нарса ўзига хос бўлган сифатга уйғун таъсир қилади.

Манбада 81-рақамли рубоийда уйғунлик масаласи қуйидагича ёритилган.

تا روی تو دیده ام من ای شمع طراز
نه کار کنم نه روزه دارم نه نماز
چون بی تو بود منماز من جمله فجار
چون با تو بودم فجار من جمله نماز

رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیۃ پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفہ ۱۱۵ ۱۶۲

*То рӯи Ту дидаам ман, эй шамъи Тироз,
На кор кунам, на рӯза дорам, на намоз.
Чун бе Ту будам намози ман чумла фиҷор,
Чун бо Ту будам фиҷори ман чумла намоз.*¹⁶³

Мазмуни:

Сенинг юзингни кўрдим, эй шамъи Тироз,
На ишлагим келади, на рӯза тутаман, на намоз.
Сенсиз бўлсам менинг барча намозларим мажоз,
Сен билан бўлсам барча мажозим намоз.

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу рубоийси Яқуби Чархийнинг «Рисолаи унсия» асарида ҳам келтирилган. Рубоийдан маълум бўладики, инсон Аллоҳни таниса, барча амаллари ибодат бўлади. Аммо Аллоҳни танимаса амалларининг ҳаммаси риё бўлади. Демак, инсон амаллари ботинидаги қалб ҳолатига уйғундир.

Юқоридаги рубоийларнинг таҳлилидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Борлиқдаги барча моддий ва маънавий нарсалар ўз миқдори, сифати, меъёрига уйғун таъсир этади.
2. Ижобий қувватли нарса-ҳодиса ва инсонлар ижобий майдонни ҳосил қилади.
3. Салбий қувватли нарсалардан салбий муҳит ҳосил бўлади.
4. Уйғунлик масаласини ёш авлодга ўргатиш жамиятда ижобий муҳитни яратишга хизмат қилади.

4.4. Рубоийларда васл масаласи

Инсониятга инъом этилган энг улуғ неъматлардан бири меҳр ва муҳаббатдир. Бутун борлиққа муҳаббат тинчлик, хотиржамлик, аҳиллик, фаровонлик, бирдамликнинг асосидир. Муҳаббат асосий фалсафий категория бўлиб, унинг мазмун-моҳияти васл, висол, ишқ, ошиқ каби тушунчалар орқали баён этилади. Муҳаббат мажозий ва ҳақиқий – илоҳийга бўлинади. Илоҳий муҳаббат бутун борлиққа бўлган муҳаббатнинг асосидир. Бунга сабаб бу-

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليڪيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۱۲۳ ۱۶۳

тун борлиқ Аллоҳнинг жамоли ва жалолени тажаллий этади. Мустақиллик даврида янгича ёндашувлар асосида илмий муомалага киритилаётган тасаввуф фалсафасида илоҳий муҳаббат масаласи яхши ва кенг ёритилган. Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш учун инсонлар орасида меҳр-муҳаббатли муносабатни шакллантириш лозим. Бу масалани ёритишга хизмат қиладиган тасаввуфий мазмундаги рубойларни ўрганиш долзарбдир. Тасаввуфнинг Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд рубойларини ўрганиш ва таҳлил этиш этикадаги муҳаббат категориясини чуқурроқ англашга ёрдам беради.

Барча асрларда шоиру-ёзувчилар муҳаббат масаласини тараннум этганлар. Шеърят мулкининг султони, ҳазрат Алишер Навоий яратган Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнунлар муҳаббати илоҳий ишқнинг тимсолидир. Баҳоуддин Нақшбанднинг васл тушунчаларига оид рубойларини герменевтик ёндашув асосида тушуниб, англаб тушунтиришга ҳаракат қилдик.

Васл тасаввуфий мазмундаги илоҳий ишқ тушунчасига мансуб бўлган асосий категориядир. Тасаввуфшунос олим Иброҳим Ҳаққул тартибга келтирган луғатда васл тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «Васл – етишиш, эришиш, восил бўлиш, Ҳақ висолига етишмоқдир. Васл ёки вуслат тасаввуфий ҳаётдаги йўлчиликнинг натижасига алоқадордир. Тасаввуфда маъшуқи азал билан қовушмоқ, ўзликдан кечиб Ҳаққа ёр бўлмоқ, ваҳдат завқи».¹⁶⁴ Сўфийлар васл масаласига турлича ёндашадилар. Баъзилари инсон кўзи олдидаги ҳижоблар кўтарилиб, Ҳақнинг жамолу-жалолени кўришни васл десалар, бошқалари, инчунин, нақшбандийлар ҳам бутун борлиқда Аллоҳнинг зоту сифати тажаллий этади, дейдилар.

«Рубоӣети Хожа Нақшбанд» асарида 67-рақам билан белгиланган қуйидаги рубоӣда илоҳий ишқ ва васл масалалари ёритилган:

¹⁶⁴ Тасаввуф истилоҳлари шарҳи / Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2004. 215-бет.

دل وصل تو هر كسل ميخواهد
 ايام وصال متصل ميخواهد
 مصود من از خدای باشد و صلت
 اميد چنان شود كه دل ميخواهد
*Дил васли Ту ҳар касал меҳоҳад,
 Аёми висол муттасил меҳоҳад.
 Мақсуди ман аз Худо бошад васлат,
 Умид чунон шавад, ки дил меҳоҳад.*¹⁶⁵

Мазмуни:

Ҳар бир бемор қалби Сени васлингни истайди,
 Висол айёмини доимий истайди.
 Худодан мени мақсадим Сенинг васлингдир,
 Умид шундай бўлурким, қалб истайди.

Баҳроуддин Нақшбанднинг бу рубоийсида қалб Аллоҳ васлини ва бу висол айёмининг мунтазам, доимий бўлишини исташи ёзилган. Форсий тилда Аллоҳга муножот қилганда Худо тушунчаси ишлатилади. Рубоийда ёзилишича, Худо дейишдан мақсад Аллоҳнинг васлидир. Бу рубоий умид ва қалбдаги ниятнинг ўзaro уйғунлигини акс эттиради. Қалбда туғилган ният ва истакка уйғун инсонда умид пайдо бўлади.

Баҳроуддин Нақшбанднинг юқоридаги рубоийлари тўпланган манбада 69-рақамли рубоийда ҳам илоҳий муҳаббат тавсиф этилган:

در دوزخم از زلف تو در چنگ آمد
 واز حال پریشان ما تنگ آمد
 گر بی تو بصرای بهشتم خوانند
 صحرای بهشت بر دل ما تنگ آمد
*Дар дӯзахам аз зулфи Ту дар чанг омад,
 В-аз ҳоли парешони мо танг омад.
 Гар бе Ту ба саҳрое биҳиштам хонанд,
 Саҳрои биҳишт бар дили мо танг омад.*¹⁶⁶

رباعیات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۱۰۹ 165
 رباعیات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۱۱۱ 166

Мазмуни:

Дўзахдаман Сенинг зулфингдан чанг келди,
Бизнинг паришон ҳолимиз танг келди.
Сенсиз агар беҳишт саҳросига чақирсалар,
Биҳишт саҳроси бизни қалбимизда тор келди.

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу рубойиси васл тушунчасини ўзига хос тавсиф этмоқда. Инсон дўзахда бўлсаю, илоҳий зулфдан бир чанг келганда ҳам ошиқнинг ҳоли ўзгаради. Агар биҳиштда Аллоҳ бўлмаса, бу жаннат макони Ошиқ қалбига сиғмайди. Илоҳий ишқ куйчиси Робия Адавия айтганидек, Аллоҳ васлини истайдиган ошиқ учун жаннат ва дўзах эмас, Аллоҳ жалоли керак.

Манбадаги 70-рақамли Баҳоуддин Нақшбанд рубойида илоҳий муҳаббатнинг васл тушунчаси қуйидагича васф этилган:

غم از نظر تو شادمانی گردد
عسر از تو حیات زندگانی گردد
گر باد بدوزخ برد از کوی تو خاک
آتش همه آب و زندگانی گردد
*Ғам аз назари Ту шодмони гардад,
Уср аз Ту ҳаёти зиндагони гардад.
Гар бод ба дўзах барад аз кӯи Ту хок,
Оташ ҳама обу зиндагони гардад.*¹⁶⁷

Мазмуни:

Ғам Сенинг нигоҳингдан хурсандликка айланади.
Уср – мушкуллик Сендан яшашимиздаги ҳаётга айланади.
Сенинг кўйингдан шамол дўзахга гар тупроқни этса,
Олов ҳаммаси яшаш сувига айланади.

Баҳоуддин Нақшбанд фикрича, илоҳий васлга етишган ошиқ учун Аллоҳ нигоҳидан ғам шодликка айланади. Уср араб тилидан олинган сўз бўлиб, оғир аҳвол, мушкуллик, қийинчилик маъносини англатади.¹⁶⁸ Рубойида Аллоҳ тақдирида белгиланган уср,

رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیۃ پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفہ ۱۱۲

¹⁶⁸ Навоий асарлари луғати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1972. 626-б.

яъни мушкуллик, қийинчиликларнинг сири бўлиб, уларга рози бўлиш тирикликнинг манбаси бўлган ҳаётга айланади. Иймон тушунчасида тақдирдаги яхшилик ва ёмонлик Аллоҳдан эканлиги белгиланган. Аллоҳга муҳаббат билан Баҳоуддин Нақшбанд рубоийда таъкидламоқдаларки, Унинг кўйидан шамол дўзахга тупроқни этса, дўзахдаги барча олов ҳаммаси инсоният учун яшаш сувига айланади.

Юқорида таҳлил этилган Баҳоуддин Нақшбанднинг рубоийлари асосида қўйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Тасаввуф аҳли учун Аллоҳ ризолиги ва унинг васлига етиш асосий мақсаддир.

2. Бутун борлиқ Аллоҳ томонидан яратилгани учун тасаввуф аҳли борлиқда Унинг қудрати, қуввати, жамоли ва жалолини кўриб, меҳру-муҳаббат билан муносабатда бўладилар.

V БОБ. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД РУБОУЙЛАРИДА ИНСОННИНГ РУҲИЙ МУВОЗАНАТИ МАСАЛАСИ

5.1. Тавба

Фалсафанинг энг долзарб масалалари инсон ва унинг камолоти-дир. Тасаввуф фалсафасида асосий категория инсон ва комил инсондир. Бу таълимотда инсон тана, руҳ, ақл, нафс ва қалбдан таркиб топган илоҳий хилқат сифатида ўрганилади. Тана ва руҳнинг ўзаро алоқадорлиги унинг ақли, нафси ва қалбининг ҳолатига боғлиқдир. Руҳнинг камолоти нафснинг жиловланганлиги ва қалбнинг поклигига асосланади. Инсоннинг руҳий мувозанатга келиши ва хотиржам яшаши нафс тарбияси ва қалб покланганлигига боғлиқдир. Нақшбандия тариқати ва таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд инсоннинг руҳий меъёри ва мувозанатига оид ғояларини рубоийларида куйлаган. Шоҳ Нақшбанд ҳақида топилган янги «Рубоиёти Хожа Нақшбанд»¹⁶⁹ аса-рида бундай рубоийлар ҳақида маълумотлар берилган.

«Рубоиёти Хожа Нақшбанд» аса-рида Баҳоуддин Нақшбанднинг инсон, комил инсон, нафс, тана ва руҳ масалаларига бағишланган рубоийлари таҳлили асосида бу улуғ зотнинг инсон руҳий мувозанатга келиши учун покланиши зарур, деган ғоясини англадик.

Баҳоуддин Нақшбанднинг 17-рақамли рубоийсида покланиш йўлига кирган инсоннинг биринчи ва асосий амали тавба бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

يا رب بکشا بر دلم از توبه درى
بى منت مخلوق رسان ماحضرى
در باقى عمرم چنان بگذار
کز من نرسد بهيچ کس درد سرى
*Ё Раб, бикушо бар дилам аз тавба даре,
Бе миннати махлуқ расон моҳазаре.
Дар боқи умрам чунон бигузур,
К-аз ман нарасад ба ҳеч кас дарди саре.*¹⁷⁰

¹⁶⁹ رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷

¹⁷⁰ رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۵۷

Мазмуни:

Ё Раббим, қалбимда тавба учун эшик очгин,
Махлуқотнинг миннатисиз ҳалол луқма етказгин.
Умримиз охиригача шундай сақлагинки бизни,
Токим ҳеч кимга биздан озор етмасин.

Тавба – инсоннинг Ҳақ йўлига киришининг биринчи шартидир. Инсон аввалги йўл қўйган хатоларини такрорламаслик учун тавба қилади. Ҳақиқий тавба *тавбаи насух* деб аталади. Бундай тавбадан кейин танланган йўл тарк этилмайди. Аммо кўпчилик ҳолатларда инсон табиатидаги нафс ғолиб чиқиб, у қайта гуноҳ қилади ва тавбаси бузилади. Бу ҳақда шоирлар жуда кўп ёзганлар. Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳам бу мазмунда 23-рақамли рубоийларида қуйидаги фикрлар ёзилган:

ای فضل تو دستگیر من دستم گیر
حیران شده ام ز خویشتن دستم گیر
تا چند کنم توبه و تا کی شکنم
ای توبه ده و توبه شکن دستم گیر
*Эй фазли Ту дастгири ман, дастам гир,
Ҳайрон шудаам зи хештан дастам гир.
То чанд қунам тавбаю, то кай шиканам,
Эй тавбадеҳу тавбашикан, дастам гир.*¹⁷¹

Мазмуни:

Сенинг фазлинг мени сақловчидир, қўлимдан олгин,
Ўз ишларимдан ҳайрон бўлганман, қўлимдан олгин.
Неча марта тавба қилдим, қачонгача уни бузаман,
Эй тавба берувчи ва тавба бузувчи, қўлимдан олгин.

Баҳоуддин Нақшбанд 31-рақамли рубоийларида Аллоҳнинг кечирувчи эканлиги, гуноҳларимизни ёпувчи Сатторал уюб эканлигини улуғлаб, инсониятни шу сифатларни эгаллашга чақиради.

رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیۃ پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفہ ۶۳ ۱۷۱

ای در دو نفس صد گناه از من دیده
واز حلم کرم پرده من ندریده
ای من که ز هر چه عالم بهتر است
ای حلم تو از من بهتر آمرزیده
*Эй дар ду нафас сад гуноҳ аз ман дида,
В-аз ҳилму карам пардаи ман надарида.
Эй ман, ки зи ҳар чи олам беҳтар ҳаст,
Эй ҳилми Ту аз ман беҳтар омурзида.*¹⁷²

Мазмуни:

Эй, икки нафасда мандан юз гуноҳни кўрган зот,
Ҳилму карами ила пардани очмаган зот.
Менким, оламда жуда кўп яхшилик кўрдим,
Эй, Сенинг ҳилминг ила кечирувчилигинг яхшироқ зот.

Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларининг фалсафий таҳлилидан маълум бўладики, гуноҳлар катта ё кичик бўлишига қарамай, инсоннинг тана ва руҳига юк бўлиб, уни жисман ва маънан касал бўлишига олиб келади. Инсон соғлом бўлиши учун ўз гуноҳини англаб, тавба қилиши лозим. Бу ҳақидаги Баҳоуддин Нақшбанднинг рубоийлари Сайфиддин Сайфуллоҳ¹⁷³ ва Эргаш Очиловлар¹⁷⁴ томонидан қайд этилган. Рубоийда тонг саҳарлаб Аллоҳга мурожаат этиб инсон қалбига тавба учун эшик очиш сўралмоқда. Тонгдан кечгача инсон ўз амалини таҳлил этиб, хато ва гуноҳини англаб, тавба қилса, вужуд ва руҳ покланади ҳамда инсон маънан юксалиб боради.

Ҳазрат Нақшбанд инсон руҳий камолотининг биринчи мақоми «тавба» ва уни қалб оламига киришнинг ибтидоси деб тушунтирган. Тавба тушунчаси «қайтмоқ» маъносини англатиб, киши илоҳий даражага юксалиш йўлига кираркан, Ҳаққа элтадиган узоқ йўлдан яқин йўлга қайтади.

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردو بازار لاہور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۷۷ ۱۷۲

¹⁷³ Сайфиддин Сайфуллоҳ, Ҳазрати Нақшбанд рубоийлари. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. 20 б.

¹⁷⁴ Донишмандлар тухфаси: Рубоийлар/ таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Эргаш Очилов. – Т.: «O'ZBEKISTON» 2009. – 400 б.

Баҳоуддин тавбани турли босқичларни ўз ичига олган ягона руҳий камолот жараёни деб билган. У тавбани тўрт гуруҳга бўлади.

1. Авом тавбаси – зоҳирий гуноҳлардан қайтиш.
2. Солиҳ тавбаси – ахлоқи заминадан қайтиш.
3. Ботин тавбаси – қалбни поклаш учун қайтиш.
4. Муҳиблар тавбаси – ғафлатдан қайтиш.

Инсонни руҳий мувозанатдан чиқарадиган, хотиржамлик ҳолатини бузадиган иллатлардан яна бири бировнинг унга нисбатан қилган хатосини қалбига сақлаб кечирмаслигидир. Қалбдаги ғазаб, нафрат, гина худди кана каби қалбнинг қонини сўриб, вужуд ва руҳни азоблайди, турли касалликларга олиб келади. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд кечиримли бўлиш лозимлигини таъкидлайди.

Баҳоуддин Нақшбанд Аллоҳнинг инсон айбини ёпувчи – Сатторал уюб сифатли улуғвор зот эканлигини айтиб, биз инсонларни ҳам ўзгаларни кечириб, улардаги нуқсонларни тўғрилашга ундайди.

یک بار دیگر تازه کن و جانش بخش
بر بنده کافر و مسلمانش بخش
صد بار بلطف کرمی بخشیدی
این بار بطل چرا میانش بخش

*Як бори дигар тоза куну чонач бахш,
Бар бандаи кофиру мусулмонаш бахш.
Сад бор ба лутфу караме бахшиди,
Ин бори баттол чаро? Миёнаш бахш.¹⁷⁵*

Мазмуни:

Яна бир бор покиза қилу жонини авф эт,
Кофиру мусулмон бандангни авф эт.
Юз бор лутфу караминг билан авф этдинг,
Бу оғир юк нечун? Уни ҳам авф эт.

رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیۃ پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفہ ۸۳ ۱۷۵

Манбада 42-рақам билан белгиланган Баҳоуддин Нақшбанднинг бу рубойи Аллоҳга муножот тарзида ёзилган бўлиб, гуноҳкор бандаларни гуноҳларидан пок этиб, кофиру мусулмонлигига қарамай авф этишни сўрамоқда. Банда гуноҳ қилганида У лутфу карами билан юз бор кечиргандек, бу сафар ҳам авф этишни сўрамоқда.

هر گاه ثواب را از خود رد کردیم
آن چیز که بد نور بیکی صد کردیم
چون عفو ترا از حد زیاده دیدیم
ماییم کو زیاده از حد کردیم
*Ҳар гоҳ савобро зи худ рад кардем,
Он чизки бад нур ба яке сад кардем.
Чун авфи туро аз ҳад зиёда дидем,
Моем, қў зиёда аз ҳад кардем.*¹⁷⁶

Мазмуни:

Ҳар лаҳза савобни ўзимиздан рад қилдик,
У нарасаки ёмон нурни бир эмас юз қилдик.
Сени авфингни меъёрдан ортиқ кўрдик,
Биз гуноҳни меъёрдан ортиқ қилдик.

Манбадаги 91-рақамли рубойининг мазмунидан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд инсонлар ўз меъерини билиши лозимлигини таъкидламоқда. Чунки Аллоҳ кечиримли ва кечиришни яхши кўришини билган гуноҳкор банда савоб ишни ҳам билиб туриб рад этади. Ёмон қувватни тарқатадиган ишларни бир эмас, юз марталаб қилади. Бу билан гуноҳкор банда Аллоҳнинг авфига таяниб гуноҳ қилишда меъёрдан ўтишини танқид қилмоқда. Бу рубой инсонни меъёрни билишга, ҳаддини англашга ва гуноҳ қилмасликка чақиради.

گر من کنه روی زمین کردستم
عفو تو امید است که گیرد دستم
گفتی که به روز عجز دستت گیرم
عاجز تر از این خواه که اکنون هستم

رباعیات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۱۳۶ ۱۷۶

*Гар ман гунаҳи рӯи замин кардастам,
Афви Ту умид аст, ки гирад дастам.
Гуфти, ки ба рӯзи ажз дастат гурам,
Ожизтар аз ин махоҳ, ки акнун ҳастам.¹⁷⁷*

Мазмуни:

Мен гарчи ер юзининг гуноҳини қилган бўлсамам,
Сенинг авфинг умид қиламанки, қўлимдан олар.
Сен айтгансанки, ожиз бўлганингда қўлингдан оламан,
Мен жуда ёрдамга мўҳтожман қўлимдан олгин.

Баҳоуддин Нақшбанднинг 92-рақамли бу рубоийсида банда ўз гуноҳини англагани ва Унинг мададига умид қилганлигини кўрсатмоқда. Гуноҳкорнинг тилидан Сен мени ожиз қолган пайтимда қўлингдан тутаман дегансан, мен жуда ожизман мадад бер, деб сўрамоқда. Бу рубоий гуноҳкор банданинг Аллоҳнинг авфига умидвор эканлигини кўрсатади.

ای که نکرده و بدیها کرده
و آن گاه نجات خود تمنا کرده
بر عفو مکن تکیه که هرگز نبود
ناکرده کرده کرده چوناکرده چو
*Эй неки накарда ва бадихо карда,
Ва он гоҳ нажоти худ таманно карда.
Бар авф мақун тақя, ки ҳаргиз набуд,
Нокарда чу карда, карда чу нокарда.¹⁷⁸*

Мазмуни:

Эй яхшилик қилмаган ва ёмонликлар қилган,
Ва шу лаҳза ўз нажотига умид қилган.
Авфга суянмагинким сен ҳеч қачон,
Қилмаган қилгандай, қилган қилмагандай бўлмас.

رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیۃ پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفہ ۱۳۷ ۱۷۷
رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیۃ پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفہ ۱۶۰ ۱۷۸

Манбадаги 115-рақамли рубойи гуноҳкор бандаларга қаратилган бўлиб, уларга Аллоҳнинг авф этишига суянмаслик лозимлигини таъкидламоқда. Гуноҳкор яхшилиқнинг жойида ёмонликлар қилиб, яна нажот топишига таманно қилади. Баҳоуддин Нақшбанд айтяптиларки, ҳеч қачон гуноҳкор ва гуноҳини англаб Ҳақ йўлига борган киши Аллоҳ наздида ҳисоб-китоб куни тенг бўла олмайди.

ای در خوم چوگان تو ام همچو بگوی
بیرون ز فرمان تو ام نه یک سر موی
ظاهر که بدست ماست شستم بعدر
باطن که بدست تست آن را تو بشوی
*Эй дар хуми чавгони Туам ҳамчу бигўй,
Берун зи фармони Туам на як сари мўй.
Зоҳир, ки ба дасти мост шустам ба узр,
Ботин, ки ба дасти Туст онро Ту бишўй.*¹⁷⁹

Мазмуни:

Чавгон хумингда Сеникиман,
Ҳар бир соч толам ҳам Сенинг фармонингда.
Зоҳир ким бизнинг қўлимиздадир ювдим узр билан,
Ботиним Сенинг қўлингдадир уни Сен поклагин.

Баҳоуддин Нақшбанднинг 119-рақам билан белгиланган бу рубойида инсоннинг бутун ихтиёри Аллоҳнинг қўлида эканлиги, унинг бир тола сочи ҳам унинг фармонига амал қилишини таъкидламоқда. Бунинг англаган инсон Унга мурожаат этиб, зоҳир мени қўлимда мен уни тавба билан, узр сўраб ювиб поклашим мумкин, аммо ботиним Сенинг қўлингдадир, уни сен покла деб мурожаат этмоқда.

Баҳоуддин Нақшбанд рубойларининг фалсафий таҳлилидан кўйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. «Рубойети Хожа Нақшбанд» асаридаги рубойлар таҳлили инсонни руҳий мувозанатга келтириш йўллари топишга имкон беради.

رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاہور الدینیۃ پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفہ ۱۶۴¹⁷⁹

2. Инсон руҳий мувозанатининг асоси ўз гуноҳини англаб, тавба мақомига киришидир.

3. Инсоннинг кечиримли бўлиши жисман ва маънан юксалишининг асосий воситасидир.

4. Ўзгалар айбини ёпиш, уларни кечириб ҳамда тўғри йўлга солиш жамиятда аҳиллик ва барқарорликнинг асосидир.

5.2. Ризқ масаласи

Ҳозирги кунда инсоният маънавиятини юксалтириш долзарб масаладир. Маънавий меросимизда инсониятни гўзал хулқ билан тарбиялашга оид жуда кўп ҳикматли сўзлар мавжуд. Ҳикмат хазиналарининг қимматбаҳо дурдоналари тасаввуфий рубоийлардир. Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг халқимизнинг руҳиятини юксалтиришга хизмат қиладиган рубоийларини ўрганишнинг аҳамияти катта. Айниқса, ризқ-рўзи масаласини ёритувчи рубоийларнинг мазмун-моҳиятини тасаввуфий-фалсафий таҳлил этиш долзарб масаладир.

«Рубоийети Хожа Нақшбанд» асаридаги 5-рақам билан белги-ланган рубоийда ризқ масаласи қуйидаги мазмунда ёритилган:

يا رب تو درخت عمر ما پست مكن
مارا ز شراب هستى ما مست مكن
يا رب بر كرمتم جمله جوانمردان را
دل تنگ و پریشان و تهی دست مكن
*Ё Раб, Ту дарахти умри мо паст макун,
Моро зи шароби ҳастии мо маст макун.
Ё Раб, бар карамат чумла ҷавонмрдонро,
Дилтангу парешону тиҳидаст макун.*¹⁸⁰

Мазмуни:

Роббим, Сен умримиз дарахтини паст этмагин,
Бизни борлиғимиз шаробидан маст этмагин.
Роббим, караминг ила барча жавонмрдларни,
Кўнгли тор, паришон ва қўли калта-бўш килмагин.

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قسورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۴۴ 180

ای سر تو در سینه هر کس محرم راز
پیوسته در رحمت تو بر همه باز
هر کس بدرگاه تو آید بنیاز
محروم ز درگاه تو کی گردد باز
*Эй сире Ту дар синаи ҳар касе маҳраме роз,
Пайваста дари раҳмати Ту бар ҳама боз.
Ҳар кас ба даргоҳи Ту ояд ба ниёз,
Маҳрум зи даргоҳи Ту, кай гардад боз.*¹⁸²

Мазмуни:

Эй Сенинг сиринг ҳар кимнинг кўнглида роз маҳраמידир,
Сенинг раҳмат эшигинг ҳаммага мудом очиқдир.
Ким Сенинг даргоҳингга келса ниёз ила,
Сенинг даргоҳингдан маҳрум бўлмагайдир.

Бу рубоидан маълум бўладики, Аллоҳнинг раҳмат эшиклари ҳамма учун ҳамиша очиқдир. Ким камтарлик ва ниёз ила Унга му-рожаат қилса, албатта, муродига етади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг ушбу манбадаги 41-рақамли рубо-ийси Аллоҳнинг Раззоқ эканлигини жуда гўзал равишда қуйида-гича тавсифлаган:

ای آن که تو داده بگل نکهت و رنگ
فیروزه بکان در بصدف لعل بسنگ
روزی خور تست گبر و ترسا و فرنگ
رزاق توئی در رزق ما چیست درنگ
*Эй он, ки Ту дода ба гул нагҳату ранг,
Фируза ба кон, дур ба садаф, лаъл ба санг.
Рӯзихӯри Туст габру тарсову фаранг,
Раззоқ Туе, дар ризқи мо чист даранг.*¹⁸³

Мазмуни:

Эй Сенким гулга бергайсан ифору ранг,
Кондаги фируза, садафда дур, тошдаги лаъл.

رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفہ ۷۰ 182
رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفہ ۸۲ 183

Сенинг ризқингни ейди габро, тарсо ва фаранг,
Раззоқ сенсан, ризқимизга йўқ ҳеч бир чанг.

Рубоийдан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд Аллоҳни бутун табиатдаги ўсимликлар, тоғу-тошлар, барча миллату-элатларга бир хил ризқ берадиган Раззоқ эканлигини таъкидламоқда. Шунинг учун унгагина таваккал қилишимиз ва «Дил ба Ёру, даст ба кор» шиори асосида ҳалолу-пок меҳнат қилишимиз лозим.

ای دوست طواف خانه ات میخوام
بوسیدن آستان خانه ات میخوام
بی منت خلق مخلوق توشه این راه را
میخوام از خزانه ات میخوام
*Эй Дўст, тавофи хонаат меҳоҳам,
Бўсидан остони хонаат меҳоҳам.
Бе миннати махлуқ тўшаи ин роҳро,
Меҳоҳам аз хизонаат меҳоҳам.*¹⁸⁴

Мазмуни:

Эй Дўстим уйингнинг тавофини истармен,
Уйинг остонасини ўпишни истармен.
Махлуқ миннатисиз бу йўлнинг ризқини беришингни истармен,
Истармен, хазинангдан истармен.

Манбадаги 97-рақам билан белгиланган рубоийсида Аллоҳнинг уйи бўлган Каъбани тавоф этишни жуда исташи ва бу фарз амалини бажариш учун илоҳий хазинадан махлуқотнинг миннатисиз ризқ беришини сўрамоқда.

ای رهنما دمی به من یاری کن
درمانده و بی کسم تو غمخواری کن
بر درگه ناکسم خدایا مفریست
بی منت مخلوق روزی ام جاری کن
*Эй роҳнамо, даме ба ман ёрї кун,
Дармондаву бе касам Ту ғамхори кун.*

رباعیات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۱۴۲ ۱۸۴

*Бар дарғаҳи нокасам Худоё мафирист,
Бе миннати махлуқ рӯзиам ҷорӣ кун.*¹⁸⁵

Мазмуни:

Эй йўл бошловчи, бир лаҳза менга ёрдам қил,
Паришону кимсасизман, Сен ғамхўрлик қил.
Худоё нокасага мўҳтож қилмагил,
Махлуқнинг миннатисиз ризқимни жорий қил.

105-рақамли рубоийда Баҳоуддин Нақшбанд Аллоҳни муножот қилиб унга мадад бериш, ғамхўрлик қилишни сўрайди. Нокасинг даргоҳига муҳтож қилмасликни илтимос қилади. Бу рубоийда ҳам махлуқнинг миннатисиз ризқ-рӯзи беришни сўрайди. Ризққа оид бу рубоийлар Аллоҳга таваккал қилиш лозимлигидан далолат беради.

Юқоридаги рубоийларининг таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Аллоҳ Раззоқдир ва барча борлиққа – табиат, жамият, инсониятга тенг, меъёрида ризқни беради.
2. Аллоҳга таваккал қилиб, ҳалол ва пок меҳнат ҳилган киши белгиланган ризқини териб олади.
3. Аллоҳ берган Ризқ ва неъматларнинг шукрини адо этиш, камтарин бўлиш ва кибру-ҳавога берилмаслик лозим.

5.3. Умид тушунчаси

Глобаллашув даврида оммавий маданият таъсирида инсон қадри масаласи долзарб мавзу бўлиб қолди. Руҳий таназзул ва умидсизлик руҳиятининг олдини олиш учун тасаввуфдаги умидга оид ғояларнинг фалсафий таҳлилига махсус эътибор бериш зарур. Тасаввуф таълимотида хавф ва рижо, яъни қўрқинч ва умид деган мақомлар мавжуд. Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларида умид тушунчасига оид ғоялар таҳлили ва тарғиботи инсониятнинг руҳий мувозанатга тушишига ёрдам беради.

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليڪيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۱۵۰ ۱۸۵

Баҳоуддин Нақшбанднинг маънавий устози Хожа Али Ромитанийнинг «Рисолаи Ҳазрат Азизон» асарида инсон камолотининг 10 шарти ёзилган. Унинг 7 шартида қуйидаги фикр баён этилган: «Аллоҳ Таолонинг ҳукмига ризо бўлиш, таваккул ва тафвиз – бутун ишларни Аллоҳга топшириш ҳам шулардандир. Сир, жаҳр, шиддат ва ризода **хавф** – қўрқинч ва **рижо** – умид бўлиши керак. Барча аҳволларда Аллоҳ Таолонинг каримлиги, раҳимлиги ва сатторлиги – айбларни ёпувчи эканлигига қараганда рижо – умид қувват олади. Унинг қаҳҳорлиги, қилган гуноҳлар учун қаттиқ жазолар беришига назар қилганда хавф – қўрқинч қувват олади».¹⁸⁶ Баҳоуддин Нақшбанд шу ғоялар асосида камол топиб, ўз маънавий меросини яратди.

«Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асаридаги Баҳоуддин Нақшбанднинг 84-рақамли рубойида умид тушунчасининг фалсафий-тасаввуфий талқини қуйидагича ёритилган:

دارم گنه از قطره باران بيش
واز شرم كنه فكنده ام سر در بيش
آواز برآمد كه سهل باشد در دوش
تو خور خود كنى و من در خور خویش
*Дорам гунаҳ аз қатраи борон беш,
В-аз шарму гунаҳ фикандаам сар дар пеш.
Овоз баромад, ки саҳл бошад дардаш,
Ту хӯри худ куню ман дар хӯри хеш.*¹⁸⁷

Мазмуни:

Гуноҳларим ёмғир томчиларидан кўп,
Гуноҳларимдан уялиб бошимни қуйи солганман хўп.
Овоз чикдики, дардинг енгилдир, Сен ўзингга лойиқ ишни қилавер, мен ҳам ўзимга лойиғини қилаверай.

Рубойида Баҳоуддин Нақшбанд гуноҳлари ёмғир томчиларидан кўплиги учун, уялганидан бошини кўтара олмаётганини таъкид-

¹⁸⁶ Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан, 2007. 179–180-бетлар.

Наврўзова Г.Н. Ҳазрат Азизон камолотга етишнинг ўн шарти хусусида. Бухоро: «Бухоро», 2007. 34-бет.

¹⁸⁷ رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قسوری اردوبازار لاهور الدينية پبليکیشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۱۲۷

лайди. Гуноҳларидан қўрқиб турганида қалбига бир овоз келадики, бу мушкулни ечиш енгил. Банда нафс қутқуси билан гуноҳ қилади, аммо Аллоҳ гуноҳларини англаб, пушаймон бўлган, тавба қилган, бандани кечиради, авф этади. Бу Аллоҳнинг бандаларига раҳм қилиши ва кечирishi уларда умид туғдиради. Тасаввуфда хавф, яъни Аллоҳдан қўрқиш ва рижо, яъни Аллоҳнинг марҳаматига умидвор бўлиш мақоми мавжуд. Банда ҳамиша хавф ва рижо орасида бўлса, руҳий мувозанатда бўлиб, гуноҳ қилишдан ўзини сақлайди ва мудом истиғфор айтиб, ўзини гуноҳлардан поклайди.

Рубойлар жамланган манбада Баҳоуддин Нақшбанднинг 86-рубойсида умид тушунчаси қуйидагича тавсифланган:

روزی که کند اجل گریبانم چاک
در غایت بی خودی نیم روی بخاک
خواهم که مرا از خاک برداری
واز نقش گناه لوح پلم سازی پاک
*Рӯзе, ки қунад аҷал гиребонам чок,
Дар ғояти беҳудӣ нимрӯй ба хок.
Хоҳам, ки маро аз хок бардори,
В-аз нақши гуноҳ лавҳи дилам сози пок.*¹⁸⁸

Мазмуни:

Ўшал кундаким, ажал қилса гиребоним чок,
Беҳудлик ғоятидан ётарман ярим юзим тупроқ.
Истайманки, мени тупроқдан кўтаргайсан,
Ва гуноҳлар нақшидан қалбим лавҳини этурсан пок.

Баҳоуддин Нақшбанд бу рубойсида ўлгандан кейин қабрда Аллоҳ марҳамат этиб, қалбда нақшланган гуноҳларни кечириб, уни пок ҳолда қабул қилишини сўрамоқда. Бу рубойда инсоннинг барзах оламида то ҳашр кунигача қабрда қолишига ишониши ва қабр азобидан қутқаришига Аллоҳ марҳаматига умидвор бўлишига ишончи маълум бўлади.

Манбадаги 88-рақам билан белгиланган Баҳоуддин Нақшбанднинг рубойсида ўлмасдан олдин ўлган, яъни тасаввуфий фано ҳо-

رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردو بازار لاہور الدینیۃ پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفہ ۱۳۰ ۱۸۸

латидан бақо ҳолига эришган инсоннинг охирати обод эканлигига умид қуйидагича баён этилган:

ماییم که در هیچ حسابی ناییم
خالی و لبان تهی لسانید ماییم
آن دم که حساب عاصیان میطلبند
آن ذره که در حساب نایید ماییم
*Моем, ки дар ҳеч ҳисобе ноем,
Холеву лабон, таҳӣ лисонед моем.
Он дам, ки ҳисоби осийён металабанд,
Он зарра, ки дар ҳисоби ноед моем.*¹⁸⁹

Мазмуни:

Бизким йўқ ҳисобидамиз,
Лабимизда хол, тилимизни тийганмиз.
Ул дамки осийларни ҳисобини сўрарлар,
Биз ҳисоб қилинмайдиган зарралар ичидамиз.

Бу рубоийда камолга етган, комилу-мукамал инсонларнинг борлиқда ўзини ҳеч ким деб ҳисоблаши, Аллоҳнинг амрига тўла бўйсунуши, тилини назорат қилиб, оғзини муҳрлаши таъкидланган. Ҳаётда бундай камолотга эришган кимсаларни – осийларни ҳисоб-китоб қилаётган кунда гуноҳкорлар қаторида йўқ деб ҳисоблайдилар. Бу рубоий билан Баҳоуддин Нақшбанд фано ва бақо даражасига эришган комил инсонларнинг охирати обод бўлишига умид қилади.

Манбадаги 89-рақамли рубоийда Баҳоуддин Нақшбанд Аллоҳнинг «Ноумид бўлма» деган амри асосида умид қилишини таъкидлайди:

عودم چو نبود چوپ بيد آورده ام
روسيه و موى سفيد آوردم
چون خود گفتمى که نا اميدى كفر است
فرمان تو بردم و اميد آورده ام

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۱۳۲ ۱۸۹

*Удам чу набуд, чўни бед овардам,
Рўсияху мўйи сафед овардам.
Чун Худ гуфти, ки «Ноумидӣ куфр аст»,
Фармони Ту бурдаму умид овардам.¹⁹⁰*

Мазмуни:

Удим йўқлиги учун беднинг ёғочини келтирдим,
Юзим қораю оқ сочимни келтирдим.
Сен айтдингким, «Умидсизлик куфрдир»,
Сенинг фармонингга ишондим у умид келтирдим.

Бу рубоий юқоридаги 84-рақамли рубоийга уйғун бўлиб, хавф ва рижо мақомини таҳлил этади. Рубоийда банда гуноҳ қилиб, сочи оқ бўлса ҳам юзи қора ҳолда келганида Аллоҳ амр этадики, умидсиз бўлиш куфрдир. Баҳроуддин Нақшбанд рубоийда таъкидламоқдаки, инсон Аллоҳ амрига итоат этиб, умидсиз бўлмаслиги, қалбида ҳамиша умид нур таратиши керак. Дарҳақиқат, инсон Аллоҳнинг марҳаматидан умидвор бўлса, энг оғир дамда ҳам, руҳий таназзулга тушганида ҳам ўзининг жонига қасд қилмайди, қоронғи туннинг орқасидан яхши кунлар келишига умид қилади. Бу инсонга ижобий қувват бериб, келажакка ишончини уйғотади ва эзгу амаллар қилишга чорлайди.

ای رب ذو الجلال ولی بار خدا
تا چند روم در بدر جا بجا
یا خانه امید مرا دربند
یا قفل مهمات مرا در بکشا

Эй Рабби Зулжалоли валии бори худо,

То чанд равам дар ба дар, чо ба чо.

Ё хонаи умиди маро дарбанд,

Ё қуфли муҳиммоти маро дар бикушо.¹⁹¹

رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفہ ۱۳۳ ۱۹۰

رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفہ ۱۴۱ ۱۹۱

Мазмуни:

Эй Робби, Зулжалол, воли ва бори худо,
Қачонгача мен юрарман эшикма-эшик, жо ба жо.
Ё мени умид уйимни эшигини боғлагин,
Ё мени муҳимот қулфимни очгин.

Манбадаги 2-рақамли рубойи орқали Баҳоуддин Нақшбанд инсоннинг умидлари меъеридан чиқиши, ҳаддини билмаслиги ва инсонни сарсон-саргардон қилиши мумкинлигини кўрсатиб, Аллоҳнинг қудрати ва қуввати билан унинг меъерга келтиришни сўрамоқда.

یا سر تو هر سوخته رازی دارد
با راز تو هر بنده نیازی دارد
ای قادر ذو الجلال نا امید مکن
آن کس که بدرگاہت نیازی دارد
*Ё сирри Ту ҳар сўхта розе дорад,
Бо рози Ту ҳар банда ниёзе дорад.
Эй Қодири Зулжалол, ноумид макун,
Он каски ба даргоҳат ниёзе дорад.*¹⁹²

Мазмуни:

Сенинг сирингда ҳар куйганнинг рози бор,
Сенинг розинг билан ҳар бандада умид бор.
Эй Қодир ва Зулжалол умидсиз қилмагин,
У кишиниким даргоҳингда умид бор.

Баҳоуддин Нақшбанд 25-рақамли бу рубойиси билан Аллоҳнинг Қодирлиги, Зулжалоллиги, сири борлигини таъкидлаб ундан бандаларини ноумид қилмаслигини сўрамоқда. Рубойидан маълум бўладики, ниёзманд, камтарин, Аллоҳнинг олдида фақру-фано ҳолатида бўлган инсонларни Баҳоуддин Нақшбанд қадрлаб уларга умид беришни сўрамоқда.

رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیۃ پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفہ ۶۶ ۱۹۲

آمد به درت امیدواری
که اورا نبود بجز تو یاری
مهنترده نیازمندی
غفلت زده گنه کاری
*Омад ба дарат умидворе,
К-ўро набувад ба жуз Ту ёре.
Меҳнатзадаи ниёзманде,
Ғафлат задаи гунаҳоре.*¹⁹³

Мазмуни:

Умидвор бўлиб келди эшигингда,
Унга йўқдир Сендан ўзга Ёр.
Меҳнатсевар ва умидвор,
Ғафлатга қолган гуноҳкор.

Манбада 33-рақам билан қайд этилган бу рубоийда Баҳоуддин Нақшбанд меҳнатсевар, ниёзманд, аммо ғафлатга ботган гуноҳкорларга Аллоҳга юзланиб, ундангина умидвор бўлганлар учун ёрдам беришни сўрамоқда.

غمناکم و از پیش تو با غم نروم
جز شاد و امیدوار و خرم نروم
از درگه رسم چون تو کریمی هرگز
نومید کسی نرفت من هم نروم
*Ғамнокаму аз пешу Ту бо ғам наравам,
Чуз шоду умидвору хуррам наравам.
Аз дарғаҳи расми чун Ту кариме ҳаргиз,
Навмед касе нарафт, ман ҳам наравам.*¹⁹⁴

Мазмуни:

Қайғулимизу Сенинг олдингдан қайғу билан кетмасмиз,
Доим хурсанду умидвору хуррам бўлиб кетамиз.
Сендек Каримнинг даргоҳидан ҳеч қачон,
Умидсиз ҳеч ким кетмабди, биз ҳам кетмасмиз.

رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیۃ پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفہ ۷۴¹⁹³
رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیۃ پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفہ ۸۱¹⁹⁴

Манбадаги 40-рақам билан белгиланган бу рубоий орқали Баҳоуддин Нақшбанд асл манба бўлган вужуди вожибга юзланган инсон ҳеч қачон умидсиз бўлмаслиги, Унинг даргоҳида шоду-хуррам бўлишини қайд этмоқда.

Баҳоуддин Нақшбанднинг юқорида таҳлил этилган рубоийлари асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Умид инсонга ижобий қувват берадиган ва эзгу ҳаракатлар қилишга чорлайдиган тасаввуфий тушунчадир.

2. Тасаввуфда хавф ва рижо деган мақом борки, унга асосан инсон доимо гуноҳ қилишдан қўрқиши ва эзгу келажакка умид қилиши лозим.

3. Қўрқув ва умид инсонни руҳий мувозанатга сақлайди.

4. Умидсиз бўлишдан ёшларни асрашимиз ва уларда умид уйғотиш учун маънавий-маърифий ишларни кучайтиришимиз лозим.

VI БОБ. ИНСОН КАМОЛОТИНИНГ АСОСИ БЎЛГАН ФАЗИЛАТЛАР

6.1. Шукроналик

Одамнинг камолга етишида барча инсоний фазилатларнинг ўзига хос ўрни бор. Аммо буларни ичида шукроналик фазилатининг ўрни каттадир. Инсон Аллоҳ томонидан мукаррам қилиб яратилди, унга саноқсиз неъматлар, туганмас яхшиликлар ато қилинди. Бу неъматлар ва яхшиликлар билан бошқа халқ қилинганлардан афзал қилди. Шу билан бирга Аллоҳ бандалар шукр қилсалар, уларга неъматларини зиёда қилишни ваъда қилди ва итоат қилсалар бу неъматлар давомийлиги ҳамда боқийлигининг кафолатини берди. Қуръони каримнинг «Иброҳим» сураси 7-оятида: «Яна Роббингиз эълон қилган (бу сўзлар)ни эслангиз: «Қасамки, агар (берган неъматларимга) шукр қилсангиз, албатта, (уларни) яна зиёда қиламан. Бордию, ношукрлик қилсангиз, албатта, азобим (ҳам) жуда қаттиқдир», деб марҳамат қилинган. Шукр қилган инсон ҳам жисмонан, ҳам моддий, ҳам маънавий – руҳий томондан кундан-кунга камол топади, зиёдали ва баракали бўлади. Нақшбандия таълимотида ҳам инсон камолоти учун шукр, зикр, фикр асосийлиги таъкидланган.

«Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» асарида Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг қуйидаги сўзлари келтирилган: «Ҳар бир машойихнинг ойнасида икки томон бор, бизнинг ойнамизда эса олти томон. Қирқ йилдирки, биз ойнадорлик қиламиз, вужудимиз ойнаси ҳеч қачон хато қилган эмас. Ҳар вақт сенинг кўнглингдан нимаики ўтса биз уни беҳато кўрамиз». Қутбу-л-авлиё Абдул Куддусдан нақл қилинишича, у айтган экан: «Хожамиз (қадасАллоҳу сирраҳу-л-азиз)нинг сайри осмон ва ернинг барча табақаларига жорий эди».¹⁹⁵ Манбадаги бу сўзлардан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд 71 йил умр кўрган бўлсалар, 31 ёшларида камолоти даражалари шундай юк-

¹⁹⁵ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. 141-бет.

сакликка эришганки, бутун вужудлари кўзгуга айланган ва олти томон – орқа, олдин, ўнг, чап, юқори ва пастни ҳам бехато кўра олганлар. Бу улуғ инсоннинг руҳи сайрлари осмон ва ернинг барча қаватларида бўлган. Биз бу даражага етишнинг сири нима эканини аниқлаш учун манбаларга мурожаат этдик. Буларнинг асоси шукроналикда деган хулосага келдик. Чунки шукр қилган инсон бутун ўн саккиз минг оламдаги ижобий қувватлар билан боғланади ва улардан файз олиб билади.

Буюк физик олим Исаак Ньютон бутун олам тортишиш қонунини яратиб, моддий нарсаларнинг механик тортиши ҳақидаги ғояни кашф этган. Фалсафадаги метафизик ёндашув асосида таҳлил қилсак, инсондаги руҳий қувватлар ҳам ўзига уйғун қувватларни тортади, яъни ижобий қувватлар ижобийларни, салбий қувватлар эса салбийни. Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа азизу-авлиёларга бу илоҳий, руҳий қонуният аён бўлган ва улар ҳамиша эзгу ишларни қилиб, эзгу ният билан юрганлар. Демак, Баҳоуддин Нақшбанд ва валийлар Исаак Ньютондан олдин бутун олам тортишиш қонунини мукамал кашф қилганлар. Улар бутун олам тортишиш қонунини фақат моддий заррачалар орасида механик амал қилинишини эмас, балким маънавий-руҳий қувватлар тебраниши ва ҳаракатларида ҳам амал қилинишини кашф этганлар. Шунинг учун ҳам шукроналик бутун оламдаги ижобий қувватларга таъсир этиб, акс таъсирни ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам шукроналик ҳолатида инсон илоҳий нуру файз, раҳмату марҳаматдан баҳраманд бўла олади.

Манбада ёзилишича, Баҳоуддин Нақшбанд умрлари давомида фақат эзгу иш қилганлар ва шундай иш қила олганлари учун қалбларидан шукр деганлар. Нақл қилишларича, Баҳоуддин Нақшбандни ўзлари айтган эканларки: Бухорода эдим, Саййид Амир Кулолнинг шариф суҳбатларига кўнглимда майл пайдо бўлди. Насафга йўл олдим. Етиб келганимда улар менга дедилар: «Эй ризожўй фарзанд, айна вақтида келдинг, хумдонни тахт қилиб қўйганман, аммо ўтин йиққани одам йўқ». Мен бу ишоратга шукр қилдим ва ўтинни орқамга кўтариб, хумдонни олдига олиб келдим.

Байт:

*Жамоли Каъба чунон медавондам ба нишот,
Ки хорҳойи муғийлон ҳарир меояд.*¹⁹⁶

Мазмуни:

Каъбанинг жамолини кўришга шодлик билан шундай чопдимки, Ҳатто муғилён дарахтининг тиконлари ипакдек юмшоқ бўлди.

Манбадаги бу нақлдан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд кўнгилларидаги устозлари Амир Кулолга пайдо бўлган майл-ни фаросат илмлари¹⁹⁷ билан моҳиятини англаганлар ва устозларининг уйларига борганлар. Ҳазрат Амир Кулол у кишига «ризожўй фарзанд» деб беҳудага айтмаганлар. Чунки Баҳоуддин Нақшбанд ҳамма вақт бутун борлиқ ва коинот рози бўладиган амални қилишга шошилганлар ва шундай амалларни қила олгани, бировга эзгулик қилгани учун шукроналар деганлар. Шунинг учун ҳам халқ у кишини эъзозлаб: Баҳоуддин – диннинг ёруғлиги, равшанлиги, Шоҳ Нақшбанд – инсонлар қалбига Аллоҳ нақшини боғловчиларнинг шоҳи, Балогардон – Аллоҳ изни билан келаётган балоларни қайтаришга мадад берувчи инсон номлари билан улуғлаганлар.¹⁹⁸ Баҳоуддин устозларига ўтин кераклигини билиб, шод-хуррамлик ила улуғ шукрона қилиб, Каъбанинг жамолини кўраётгандек ўтинларини тераётган пайтда, муғилён тиканлари у кишига ипакдек юмшоқ кўринган. Бу ҳолат таҳлили кўрсатадики, инсон меҳнат жараёнида шукроналик билан ишласа, у иш унга завқу-шавқ, кучу-қувват беради. Шукроналик билан устозига хизмати, бир томондан дуоларини олишга сабабчи бўлса, иккинчи томондан Баҳоуддин руҳларини ҳам юксакликка кўтариб, жисму-жонларига хотиржамлик бағишлаган. Кўриниб турибдики, шукроналик жуда катта илоҳий қувватга эга улуғ неъматдир.

¹⁹⁶ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. / Форсидан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. 59-бет.

¹⁹⁷ Бекмуродов М. Фаросат илми. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт – матбба ижодий уйи, 2022. 191 б.

¹⁹⁸ Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти давлат корхонаси, 2021. 21–32-бетлар.

Манбада нақл қилинишича, Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Қасри Орифонда масжид иморатига машғул бўлган вақтларида муборак бошларида тупроқни масжид томига олиб чиқар эканлар ва мана бу байтни ўқир эканлар:

*Ба жон бикунам кори ту, чаро накунам,
Ба сар бикашам бори ту чаро накашам.*¹⁹⁹

Мазмуни:

Сенинг ишингни жон деб қиламан, нега қилмайин,
Сенинг юкингни бошимда кўтараман, нега кўтармайин.

Манбадаги бу нақлдан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд масжид қурилишидаги хизматларини жону дил ва шукроналик билан қилганлар. Бу хизматни шараф деб билганлар. Шунинг учун ҳам бутун борлиқ ва коинот дуода бўлиб, Аллоҳ раҳмати ва марҳаматини бу кишидан аямаган.

«Мақомот»да Баҳоуддиннинг айтган шундай сўзлари келтирилади: Камолот ва нисор аҳли Аллоҳдан файз олади ва висолга етувчи абадий умр топиб, бунинг шукрини адо қилмоқчи бўлса ҳам адо қилолмайди.

*Гар бигуям шукри лутфат бардавом,
Бигзарад умру нагардат ин тамом.*²⁰⁰

Мазмуни:

Сенинг шукрингни тўхтамай айтсам ҳам,
Умрим тугайди, аммо уни тугатолмаймиз.

Баҳоуддин ва шу киши каби камолотга етган инсонлар Аллоҳнинг марҳаматини, файзу-баракотини ўзларида ҳис қилганлар ва

¹⁹⁹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. / Форсидан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. 61-бет.

²⁰⁰ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. / Форсидан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. 155-бет.

қанча шукр қилсалар ҳам уни етарли эмаслигини англаганлар. Шунинг учун ҳам Аллоҳ уларга раҳмат билан қараган ва баракотлари чексиз бўлган.

«Ҳар бир тавфиқ эгаси ўз нафсига қарши турмоғи ва бу ҳар қанча оз бўлса ҳам кўп билсин ҳамда бу тавфиқнинг шукрини қилсин»,²⁰¹ – деган. Баҳоуддин Нақшбанднинг бу ўғитлари, Аллоҳ тавфиқи, мададига шукр этиш лозимлигини бизга уқтирмоқда.

Шукроналик ҳалоллик ва покликнинг ҳам асосидир. Шукрона қиладиган инсон ҳалол луқмага қаноат қилади. Ҳалоллик эса тинчлик ва хотиржамлик асосидир.²⁰² Ҳалоллик ва шукроналик ғоялирини шаклланишида Бухоройи Шариф Етти Пирининг хизматлари катта.²⁰³

Шукроналикнинг шаклланишида сабр-қаноатлилик фазилатининг ҳам ўрни катталигини олимлар кўрсатганлар. Социолог олим Мансур Бекмуратов «Фаросат илми» номли ўқув қўлланмаларида одамлардаги қайси хусусият қандай феъл-атворга олиб келишини фаросат орқали билиш мумкинлигини тавсифлаб, сабр-қаноатлилик шукроналикка олиб келишини ёзганлар.²⁰⁴ Дарҳақиқат, шукроналик фазилати сабр ва қаноат фазилати билан мустаҳкам боғланган. Пайғамбаримиз Айюб ҳаёт йўллари бунга мисол бўла олади.

Шукроналик фазилати инсонни камолотга етказди ва унинг ҳолатини илоҳийга айлантиради. Ношукурлик инсонни жисман, маънан ва моддий томондан қашшоқланишига ва ўзгалар ёнида қадрсиз, ҳурматсиз бўлишига олиб келади. Шукроналик инсонни Гўзал ва Улуғвор бўлишига ёрдам берса, ношукурлик уни хунук ва паст инсонга айлантиради. Тасаввуфда инсонларни икки хил: Нурий ва норийга бўладилар. Нурий инсон – эзгу ишларга камарбаста, илоҳий нурлар ёғилиб турган кишидир. Норий киши эса

²⁰¹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. 115-бет.

²⁰² Наврўзова Гулчехра. Ҳалоллик – тинчлик ва хотиржамлик асоси. *Imom Buxoriy saboqlari. Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal.* 2022/1. 9–11-б.

²⁰³ Наврўзова Гулчехра. Бухоройи Шарифнинг Етти Пирӣ ҳалол тушунчаси хусусида. *Imom Buxoriy saboqlari. Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal.* 2022/4. 51–52-б.

²⁰⁴ Бекмуратов М. Фаросат илми. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт – матбба ижодий уйи, 2022. 173-бет.

– ҳасад, ғазаб, кибр оловида ёнадиган, ҳар бир қиладиган ишини таъма қиладиган одамлардир. Шукронаси бор инсон юз-кўзидан нур ёғилиб туради, баракали бўлиб, ҳамиша холис хизмат қилади. Кўпнинг дуолари нуридан унинг вужуди пурнур бўлгани учун уларни нурий инсон дейиш мумкин. Аксинча, ношукур, залолат, ғафлатда қолганлар норий одамлардир. Ношукурлик уларнинг жисми, қалби ва руҳини касал қилади.

Шукроналик руҳида тарбиялашда тасаввуфнинг Нақшбандия таълимоти катта ўринга эга. Бу таълимотдаги ўн бир рашҳа инсонни шукроналик руҳида тарбиялайди. Таълимотнинг биринчи рашҳаси «Ҳуш дар дам» ҳар бир дам, ҳар бир нафасга шукр қилиш лозимлигини ўргатади. Шоир Садриддин Салим Бухорий «Ҳуш дар дам» рашҳасидаги ғоя таъсирида битилган Олмон адиби Гётенинг қуйидаги байтларини таржима қилган:

Нафас олмоқ ҳамда чиқармоқ эрур,
Икки эҳсон, буни англамоқ зарур.
Бири сиқар, ўзгаси янги қувват,
Шулар сабаб ҳаёт гўзалдир ғоят.
Аллоҳга шукр де, нафас кирган он,
Шукр де нафасинг чиқарган замон.

Баҳоуддин Нақшбанд «Аврод» рисоласида: «Ё Аллоҳ, бизни шукрингни адо этувчи қил!»,²⁰⁵ деб илтижо қилганлиги ёзилган. Ҳазрат Алишер Навоий Шайх Абулқосим Бишр Ёсин ҳақида келтирган маълумотда Шайх Абу Саид Абулхайр айтган қуйидаги рубойини келтиради:

*Чоно, бе ту қарор натавонам кард,
Ва эҳсони туро шумор натавонам кард.
Гар бар тани ман забон шавад ҳар мўе,
Як шукри ту аз ҳазор натавонам кард.*

²⁰⁵ Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (Тўлдирилган қайта нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи, таржимон Г.Н. Наврўзова. – Т.: «Sano-standart nashriyoti», 2019. 111 бет.

Мазмуни:

Жонон, сенсиз қарорим йўқдур,
Сенинг эҳсонларингнинг саноғига етолмайман.
Танамдаги ҳар бир тук тилга айланганда ҳам,
Минг шукрингдин бирини адо қилолмайман.²⁰⁶

Манбада ёзилишича, шу рубоийни мунтазам такрорлаган инсон ҳақиқатни топади ва Ҳаққа етади. Бу шундан далолат берадики, шукроналик шундай илоҳий қувватки, инсонни олий ҳад даражасигача камолга етказди.

Шукроналикка оид «Рубоийети Хожа Нақшбанд» асарида маълумотлар берилган. Манбадаги 32-рақамли рубоийда қуйидаги фикрлар ёзилган:

ای آن که برارنده حاجت توئی
هم قاضی و کافی المهمات توئی
سر دل خویشرا چه گویم با تو
چون عالم السر و الخفیات توئی
*Эй он, ки барорандаи ҳожот Туи,
Ҳам қозию, кофиал муҳиммот Туи.
Сирри дили хешро чи гўям бо Ту?
Чун Олимус сирру вал хафийёт Туи.*²⁰⁷

Мазмуни:

Эй Сенким эҳтиёжимни чиқарувчи Сенсан,
Муҳимотнинг қозиси ва кафолати ҳам Сенсан.
Ўз қалбимдаги сиримни қандай айтай Сенга,
Чунки сир ва хафийёт Олими Сенсан.

Мазкур мисралар орқали Баҳоуддин Нақшбанд Аллоҳнинг ҳожатларни чиқарувчи, муҳимотларнинг қозийси, кафили ҳамда инсон ботинидаги барча нарсалардан хабардор бўлган сирру хафийётнинг олими эканлигини тан олиб, шукрона айтмоқда.

²⁰⁶ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. – Т.: «Фан», 2001. 207-бет.

²⁰⁷ رباعیات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۷۳

فردا آن را حساب دنیا نکند
این پفتر کهنه را دیگر وا کند
دانند که حساب بنده گان اولاهست
الته کریمی ترک اولاه نکند

*Фардо онро ҳисоби дунё нақунад,
Ин дафтари қўҳнаро дигар во нақунад.
Донанд, ки ҳисоби бандагон авло ҳаст,
Албатта, Кариме тарк авло нақунад.*²⁰⁸

Мазмуни:

Индин ундан дунё ҳисобини қилмаслар,
Бу эски дафтарни бошқа очмаслар.
Биладиларки, бандаларнинг ҳисоби аълодир,
Албатта, Карим У аълони тарк қилмаслар.

Манбадаги 77-рақам билан келган бу рубоий орқали Баҳоуддин Нақшбанд ҳақиқий банда бўлган инсонни Карим, яъни Карамли бўлган Зот ҳисоб-китоб қилмасдан раҳмат назари билан қараб марҳамат қилади демоқда. Аллоҳнинг карами кенглигидан Баҳоуддин Нақшбанд чексиз шуқр демоқда.

Манбадаги 112-рақам билан қайд этилган рубоийда инсон борлигининг Аллоҳ Карами билан мавжудлиги таъкидланган.

در مملکت وجود فرمان از تو
آرام دل بی سر و سامان از تو
مارا بدوای درد پل کاری نیست
دل از تو دوای درد و درمان از تو

*Дар мамлақати вужуд фармон аз Ту,
Ороми дили бесару сомон аз Ту.
Моро ба давои дарди дил коре нест,
Дил аз Ту, давои дарду дармон аз Ту.*²⁰⁹

رباعیات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۱۱۹ 208
رباعیات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۱۵۷ 209

Мазмуни:

Вужуд мамлакатада фармон Сендандир,
Бесару сомон бўлган қалбнинг ороми Сендандир.
Биз қалб оғриғининг давосига ишимиз йўқ,
Қалб Сендан, унинг дарду-дармонининг шифоси ҳам Сендандир.

Бу рубой Аллоҳга таваккал қилиш, унинг ягона дардларга шифо ва мадад эканлигини англашга чақиради. Буни англаган инсон ўз ихтиёрини Аллоҳга топшириб ҳалол ва пок шукроналик билан яшайди.

ای داده رخ تو ماه زیبای
خاک قدم تو دبیہ را بینای
در خدمت تو جان و دل و دیدہ و تن
می دربازم اگر قبول فرمای
*Эй дода рухи Ту моҳи зебои,
Хоки қадами Ту дидаро бинои.
Дар хизмати Ту чону дилу дийдаву тан,
Медарбозам агар қабул фармойи.*²¹⁰

Мазмуни:

Эй Сенинг руҳинг ойга гўзалликни беради,
Сенинг қадаминг тупроғи дийдаларга нур беради.
Сенинг хизматингда жон, қалб, назар ва жисм,
Тайёрдирман агар ҳукм ила қабул қилсанг.

Баҳоуддин Нақшбанднинг 131-рақам билан келган манбадаги бу рубойи оламдаги барча гўзалликнинг манбаи Аллоҳ эканлиги, ҳатто қадамининг тупроғи ҳам кўзларга нур эканлиги таъкидланган. Шунинг учун ҳам Баҳоуддин Нақшбанд таъкидламоқдаларким, агар фармойиш бўлса ва Аллоҳ қабул этса Унинг хизматига жону-дил, дийда ва тан билан хизмат қилишга тайёр. Бу рубой Баҳоуддиннинг тақдиридан рози эканлиги ва бандаликни бажо этиш учун шукроналик билан хизматда тайёрлигидан далолат беради.

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدينية پبليکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۱۷۶ 210

Умумий хулоса қилиб айтганимизда, Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш учун ёшларни юксак маънавийатли қилиб тарбиялашимиз зарур. Шукроналик руҳида тарбияланган ёшларни ижобий фикрлайдиган ва жамиятни ҳамжихат, дўстлигини таъминлайдиган ижобий қувват, деб ҳисоблаш мумкин. Ёшларни шукроналик руҳида тарбиялашда маънавий меросимизнинг барча ижобий томонларидан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш яхши самара беради. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўллари ва Нақшбандия таълимотидаги шукроналикка оид илғор фикрларни таълим ва тарбия жараёнида оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб этишда фойдаланиш ўринлидир.

6.2. Камтаринлик

«Камтарга камол, манманга завол» деган халқимизнинг жуда ибратли мақоли бор. Камтарнинг камолига қандай сир яширинган? Нега манман завол топади? Камтарин инсон бутун моддий ва маънавий қувватларини оламдаги илоҳий қувватлар билан боғлайди ва улардан куч олиб, камол топади. Манманлик, кибруҳавога берилган киши эса ўзини ҳаммадан юксакликка қўйиб камолотга етган деб ҳисоблаб, бутун вужуд ва руҳини занжирбанд қилгандек боғлайди ва бунинг натижасида илоҳий қувватлардан узилиб, илдизидан ажралган ўсимлик каби сарғайиб, сўлиб қолади.

Жаҳоншумул Нақшбандия таълимотини асослаган Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўлларида оид тадқиқотларимизда кутб даражасига юксалган валий зотнинг камолотига асосий сабабларини ўрганганмиз.²¹¹ Бу улуғ зотнинг камолотига ҳалоллик, поклик, шукроналик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик билан бирга камтаринлик фазилати ҳам асосий сабаб эканлигига ишонч ҳосил қил-

²¹¹ Баҳоуддин Нақшбанд (манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи мақола изоҳ ва шарҳлар муаллифи Г.Н. Наврўзова. – Т.: «Sano-standart nashriyoti», 2019. 120 бет. Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Фан, 2021. – 244 б.

Наврўзова Г., Зоиров Э. Бухорои шарифнинг етти пири. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2018. – 72 б.

Navruzova G.N. Bahauddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). Islom tafakkuri (Maxsus son), 2020. – B. 5–8.

Navruzova G.N., Ubaidova V.E. Pharaoh of the weavers of Bahauddin Naqshband. Academicia. An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 10 issue 5, May 2020. Impact Factor: SJIF 2020.7.13. 922–926 pages.

дик. Бу улуғ зот ҳаётига оид «Мақомот»да фикримизни исботловчи кўпгина далиллар топдик.

Баҳоуддин Нақшбандда камтаринлик фазилатларининг шаклланишида устози Амир Кулол ўғитларининг ўрни борлигини қуйидаги воқеа кўрсатади: Кунларнинг бирида Баҳоуддин Хожа Муборак қишлоғида Саййид Амир Кулол хизматларида бўлганларида кўнгилларидан «Ҳазрати Амирнинг назарида мендан улуғроқ киши борми?» деган фикр ўтди. Шу вақт бир киши қўй олиб келди. Баҳоуддин кўнглидан: «Қани бу қўйни пиширганларида Мавлоно Ориф Деггароний бўлардилар», деган фикр ўтди. Амир Кулол фаросат илми билан Баҳоуддин кўнглидан ўтган фикрни англади: «Эй Баҳоуддин, тур, Мавлоно Орифни чақир, келсин!» – деди. Баҳоуддин ташқарига чиқиб, уйнинг бурчагига ўтиб, уч марта оҳиста чақирадилар, қайтиб кириб ҳали ўтирмаган эдиларки, Мавлоно Ориф келдилар. Ориф Деггароний ҳозирги Навоий вилоятининг Деггарон мавзеидан Насафда жойлашган Хожа Муборак қишлоғига бир нафасга етиб келдилар. Шунда Ҳазрат Амир Кулол Баҳоуддинга қараб шундай дедилар: «Эй Баҳоуддин, кўрдингми, бизга сиздан ҳам яқинроқ кишилар бор. Зинҳор-базинҳор худбинлик қилмангки, одам учун худбинликдан ёмонроқ нарса йўқ».

*Бардор зи пеш пардаи худбини,
Бошад ки бад инсон, ки туи худбини.
Иблис сазойи худ зи худбини дид,
Ту низ мақун дигар куну худбини.²¹²*

Мазмуни:

Кибр пардасини олдингдан кўтаргин,

Кибрли инсон, ёмон инсондир.

Иблис худбинлик қилгани учун ўз жазосини олди, (яъни Шайтони рожийм – қувилган лаънатланган шайтонга айланди).

Сен ҳеч қачон бошқа кибр қилмагин.

²¹² Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: «O'zbekiston», 2019. 71–72-бет.

Устозларининг бу ўгитига амал қилган Баҳоуддин Нақшбанд кибр, манманлик, худбинлик каби шайтоний иллатларга қарши курашиб, нафсларини тарбиялаб, камтарин, улуғ инсон бўлиб, камол топдилар.

Дарҳақиқат, Куръони карим ва Ҳадиси Шарифда кибр энг ёмон иллат эканлиги Азозилни кибр қилиб, Аллоҳга итоат этмай, Одам а.с. га сажда қилмаганлиги ва қувилиб лаънатланган Шайтонга айлангани ибрат қилиб кўрсатилган. Маълум бўладики, кибруҳаво Аллоҳ билан инсон ўртасида тўсиқ, ҳижоб, парда бўлиб, уни жаҳолатга етаклайди ва маърифатли бўлишига тўсқинлик қилади. Кибруҳаво, манманликдан қутулиш учун инсонга камолот йўлини кўрсатадиган устоз керак. Баҳоуддин Нақшбанд устози Саййид Амир Кулол ўгитларига амал қилди ва ҳақиқатга етишишига тўсқинлик қилувчи иллат кибр пардасини олиб ташлади ва хушуъ ҳамда камтаринлик фазилатлари билан безанди.

Баҳоуддин Нақшбанднинг камтарин инсон эканлигига қуйидагилар далилдир. «Мақомот»да ёзилишича, Баҳоуддиндан бир киши сўрайди: «Нега хизматкор ёлламайсиз?» Баҳоуддин жавоб берадилар: «Қуллик хожалик билан мос келмайди» ва қуйидаги икки байтни айтганлар:

*На маро мафрашу на мафрашкаш,
На ғуломони турки тиркашкаш.
Ҳама шаб чун сағони қаҳдони,
Сар ба дум оварам бихусбам хуш.²¹³*

Мазмуни:

Менда на гилам бор, на гилам тозаловчи,
На турк ғуломию, на суянадиган киши.
Тунда мен ётурман ит каби мискин,
Бошимни думимла ўраганча шод.

²¹³ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: «O'zbekiston», 2019. 85-бет.

Баҳоуддин Нақшбанднинг айтган сўзларидан маълум бўладики, у киши бутун инсониятни Аллоҳнинг бандаси ҳисоблайдилар. Банда Аллоҳнинг қулидир. Қул қандай қилиб, бошқаларга хўжайин бўла олади?! Шунинг учун Баҳоуддин бировни қул қилиш, устидан ҳукмронлик қилиш, озор беришга мутлақо қарши бўлган. Баҳоуддин Нақшбанднинг юқоридаги каломлари шундан далолат берадики, у киши инсоният жамиятида қуллик ва зўравонлик бўлишига мутлақо қарши чиққанлар. Баҳоуддин бутун инсониятни Одам Ато наслидан бўлганлиги учун улар бир-бири билан биродар, деб таъкидлаганлар. Шунингдек, барчамиз Иброҳим миллатидан деб, миллатчилик ва миллий камситишга ҳам қарши бўлганлар. Шунинг учун ҳам Баҳоуддин Нақшбанднинг қуллик билан хожалик бир-бирига мос келмайди, деган қудсий каломларини Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб мутафаккирлар ўз асарларида ёзиб, уни таҳлил этганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: «Агар вужуд бундан ҳам хароброқ бўлганда фақр ганжини у ерда жойлаган бўларди». Муҳаммад с.а.в. «Фақирлик фаҳрим» деб айтганлар. Фақирлик Аллоҳнинг қудратини тан олиб, доимо унинг олдида ожизлигини ҳис этиб туришдир. Шунинг учун Ҳазрати Баҳоуддин қуйидаги икки байтни айтганлар:

*Ҳеч мо не ва ҳеч мо кам не,
Аз паи ҳеч ҳеч мо ғам не.
Жанда дар пушт, пушт гўристон,
Гар бимурем ҳеч мотам нест.²¹⁴*

Мазмуни:

Биз ҳеч ким эмасмиз ва ҳеч кимдан кам эмасмиз,
Ҳеч, яъни фоний нарсалар учун ҳеч ғам эмасмиз.

Жанда, яъни бор нарсалар орқамизда, яъни кўнглимиз унга боғланган эмас, орқамиз қабристондир,
Ўлсак ҳам ҳеч мотам эмас.

²¹⁴ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: «O'zbekiston», 2019. 85-бет.

Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: «Орифнинг маърифати, то у ўзини Аллоҳга топширмагунча тўғри бўлмайди» сўзи банданинг борлиғи ва сифатининг боқийлигига ишорадир».

*То ту зи ҳастии худ зеру забар нагарди,
Дар нестии мутлақ мурғи дупар нагарди.
Ин пардаи ниҳодот дарҳам шикан, ки ҳаргиз,
Дар парда раҳ наёби то пардадар нагарди.²¹⁵*

Мазмуни:

Токи сен ўз борлигингни тўла ўргана олмасанг,
Мутлақ йўқлик сари икки қанотлик қуш бўлиб уча олмайсан.
Вужудингдаги бир-бири билан боғланган табиий тузилиш
сирларини ўрганмагунча,
Сенга тўсиқ бўлаётган пардаларни йўқотиб, йўл топа олмайсан.

Ҳазрат Баҳоуддин айтар эдиларки, «Ибодатда вужудни қидириш бор, убудият, яъни бандалик, қулликда вужудни вайрон қилиш бор. То вужуд воқеъ экан ҳеч қандай натижа амал бермайди».

Алишер Навоий «Лисон-ут-тайр» достонининг фақру-фано водийсини тавсифлашда Баҳоуддин Нақшбандни мисол қилиб келтиради. У ўзини ит ва итнинг изидан ҳам паст деб айтади. Баҳоуддиннинг манбада қуйидаги сўзлари келтирилган: «Бу йўлда вужудни инкор қилиш, борни нисор этиш, кам кўриш ва йўқлик улуғ ишлардан бўлиб, булар давлатга етиш ва қабул воситасидир. Мен бу йўлда мавжудот табақларидан бўлмиш ҳар табақага нисбатан сулукда сайр қилдим ва ўзимни зарралардан бўлган ҳар бир заррага қиёсладим, ҳақиқатда уларни ўзимдан яхшироқ эканини кўрдим, шундай қилдимки, ҳатто чиқиндилар табақасида ҳам сайр этдим, улардан ҳар бир манфаат топдимки, бу манфаат менда йўқ эди. Қанчалар фикрламай, нафсимда бирор фойда борлигини кўрмадим».

²¹⁵ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: «O'zbekiston», 2019. 140-бет.

Аз ҳеч касии хештан бохабарам,
В-аз ҳеч кас беҳ наям, илло батарам.
Ҳар чанд ба ҳоли хештан менигарам,
Як ҳабба наарзад зи қадам то ба сарам.²¹⁶

Мазмуни:

Ўзимни ҳеч ким эканлигимдан хабарим бор,
Ҳеч кимдан яхши эмасман, аксинча, баттарман.
Ўзимнинг ҳолимга қанча қарамайин,
Бошдан то оёғимгача битта донга арзимайди.

Камтаринлик фазилатининг камолот сири шундаки, бундай фазилатли инсон бутун борлиқ ва инсониятга ҳурмату-иззат ва ибрат назари билан қарайди. Ўз устида мудом ишлайди, янги ва яхши нарсаларни ўрганadi. Бундай инсон кўпни ҳурмат қилгани учун дуо олади ва ижобий қувватлар маконига айланиб, ўзидан нуру зиё таратади. Камтарин инсон дўстлик, аҳиллик, илму-маърифат тимсолидир. Аксинча, кибрли одам сувига янги тоза сув кирмаган ботқоқ каби тоза ҳаво кирмаган, димиқиб қолган манзил каби ўсиб ривожланишдан қолади. Кибру-ҳаво ва манманлик билан бутун борлиқ, инсониятга муносабат қилгани учун ёмон қувватлар, дуоибадлар маконига айланади. Бундай инсонни ҳамма ёмон кўради ёки заруратдан сохта муносабатда бўлади.

«Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асарида камтаринликка оид рубоийлар мавжуд. Манбадаги 6-рақам билан белгиланган рубоийда Баҳоуддин Нақшбанднинг қуйидаги ғоялари баён этилган:

يا رب چه کنم که هیچ کس یارم نیست
از شرم کنه زبان گفتارم نیست
سر تا سر آفاق به هیچم نخرند
يا رب چه متاعم که خریدارم نیست

²¹⁶ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: «O'zbekiston», 2019. 156-бет.

*Ё Раб, чи кунам, ки ҳеч кас ёрам нест,
Аз шарму гунаҳ забони гуфторам нест.
Сар то сари офоқ ба ҳечам нахаранд,
Ё Раб, чи матоам, ки харидорам нест.*²¹⁷

Мазмуни:

Ё раб, не қилайким ҳеч ким ёрим йўқ,
Уят ва гуноҳдан гапирадиган тилим йўқ.
Офоқнинг бошидан охиригача ҳечга сотиб олмаслар,
Ё раб, не матодирманки, харидорим йўқ.

Бу мисралар Баҳоуддин Нақшбанднинг жуда ҳам камтарин эканлигидан далолат беради.

Манбадаги 8-рақамли рубоийда камтаринликнинг асоси бўлган қаноат фазилати улуғланади.

يا رب ز قناعتم توانگر گردان
و از نور يقين دلم منور گردان
اسباب من دل بند سرگردانرا
بی منت مخلوق میسر گردان
*Ё Раб, зи қаноатам тавонгар гардон,
В-аз нури яқин дилам мунаввар гардон.
Асбоби мани дилбандаи саргардонро,
Бе миннати махлуқ муяссар гардон.*²¹⁸

Мазмуни:

Ё раб, қаноатим туфайли қавий қилгин,
Ва яқин нуридан қалбимни мунаввар қилгин.
Сенга кўнгил боғлаган мен саргардон ишини,
Махлуқни миннатисиз муяссар қилгин.

132-рақамли рубоийда камтарин инсонга хос ниёзмандлик фазилати тавсифланган:

²¹⁷ رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۴۶

²¹⁸ رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۴۸

من گریه خندم در همی پیوندم
پنهان گریم و آشکارا خندم
ای دوست گمان میر من خرسندم
آگاه نئی که من نیازمندم

*Ман гиря хандам дар ҳама пайвандам,
Пинҳон гирям ва ошкоро хандам.
Эй дўст, гумон мабар, ман хурсандам,
Огоҳ нейи, ки ман ниёзмандам.*²¹⁹

Мазмуни:

Мен йиғи ва кулгуни бир-бирига боғларман,
Яширин йиғларман ва ошкоро куларман.
Эй дўст, гумон қилмаки, мен хурсандман,
Огоҳ эмассанким, мен ниёзмандман.

Юқоридаги бу икки рубоидан камтаринликка хос бўлган қаноатлилик ва ниёзмандлик фазилатлари улуғланган.

Хулоса:

1. Камтаринлик инсонни очиқ тизимдаги ҳолатда бўлишига имкон беради ва унинг ижобий қувватларини қабул қилишга қодир қилади.

2. Кибр инсонни ёпиқ тизим ҳолатига тушириб, уни ижобий қувватлардан тўсадиган парда ва ҳижоб бўлади.

3. Кибру-ҳаво ҳижобидан қутулиш учун комилу-мукамал устоз керак.

Умумий хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, Баҳоуддин Нақшбанд каби валийсифат авлодни тарбиялаш учун камтаринлик фазилатининг мазмун-моҳияти ва кибру-ҳаво иллатининг зарарли томонини таълим-тарбия беришга махсус эътибор бериш лозим.

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليڪيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۱۷۷ 219

VII БОБ. НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

7.1. Нақшбандия: нақшдан бенақшлик сари йўл

Нақшбандия таълимоти инсонни ғафлатдан уйғотиб, тор доирадаги нақшларга боғланиб, маҳдуд фикрловчи бўлишдан мушоҳада ҳолатига киритиб, кенг, бутун борлиқ миқёсида тафаккур қила олиш даражасига юксалишига ёрдам беради.²²⁰

Нақшбандия таълимотидаги нақш тушунчасини Алишер Навоий «Хамса» асарининг биринчи достони «Ҳайратул Аброр»да ўзига хос талқин этган.²²¹ Бу ҳақидаги фалсафий таҳлиллар «Ислом тафаккури» журналидаги мақолада ёритилган.²²² Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларида ҳам нақш тушунчаси борлигини аниқладик. «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асаридаги бу рубоий ҳам қуйида таҳлил этилган.²²³ Нақшбандия таълимотини назарий ривожлантирган Абдурахмон Жомийнинг асарларида ҳам Нақшбандия таълимотининг моҳияти ҳақида фикр юритилган.²²⁴

Баҳоуддин Нақшбанднинг «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асарида келтирилган 128-рубоийсида нақш, бенақш ва нақши-ғариб деган тушунчалар келтирилган:

قدر گل و مل باده پرستان دانند
نی خود نشان و تنگ دستان دانند
از نقش توان به سوی بی نقش شدن
کین نقش غریب نقشبندان دانند

²²⁰ Салоҳиддин ибн Муборак ал-Бухорий. (1410) Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин. Бухоро музейи 27772/11 қўлёзма 168 в.

Фахруддин Али Сафий. Рашаоту айнил-ҳаёт («Обиҳаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Масъул муҳаррир: Б. Умрзоқ (ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. – 536 б.

Яъқуб Чархий. Рисолаи унсия. (Дўстона суҳбат). Таржимон ва шарҳлар муаллифи. С. Раҳмонов. – Самарқанд: «Самарқанд давлат чет тиллар университети» нашриёти, 2022. 78 б.

²²¹ Алишер Навоий. Ҳайратул аброр / Хамса тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 6 жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2011. 82–83-бетлар.

²²² Наврўзова Г.Н. Шоҳ Нақшбанд Алишер Навоий тавсифида. *Islom tafakkuri (Maxsus son)*, 2021. 3–9 бет.

²²³ رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۲۷

²²⁴ Абдурахмон Жомий. Тухфату-л-Ахрор. – Лакҳнав: Нувил Кишур, 1908. 26–27-с.

*Қадри гулу мул бодапарастон донанд,
Не худнишону тангдастон донанд.
Аз нақш тавон ба сӯи бенақш шудан,
К-ин нақши ғариб Нақшбандон донанд.*²²⁵

Мазмуни:

Гул ва шароб қадрини бодапарастлар билур,
Ман-ман, бахиллар буни асло билмаслар.
Нақшдан нақшсизга томон ҳаракатни,
Бу ғаройиб нақшни Нақшбандлар билур.

Баҳоуддин Нақшбанднинг юқоридаги рубоийсидаги форс тилида ёзилган «мул» сўзи «Навоий асарлари луғати»да май, шароб эканлиги ёзилган.²²⁶ Маълум бўладики, бу мисрада гул ва шароб қадрини бодапарастлар билур дегани билан илоҳий неъматлар қадрини илоҳий ишқдан маст бўлганлар билади демоқда. Тасаввуф аҳли учун қалб гулнинг косасига ўхшайдиган жом бўлиб, илоҳий файз шароб каби уларни беҳудлик даражасида, фано ҳолатига етказди. Иккинчи мисра орқали «худнишон» деган форс сўзи орқали ўзини кўз-кўз қиладиган, кибру-ҳавога берилган, манман, молпараст, мансабпараст ва бахил одамлар илоҳий неъматнинг қадрига етолмас. Чунки уларнинг қалби қаттиқ бўлиб, ўзлари ғафлатдадирлар. Тўртинчи мисрада инсоннинг ғафлат холатига тушишига сабабчи бўлган барча иллатлар нақш ибораси билан тавсифланган. Бу иллатлардан қутулиб, бенақш бўлган илоҳий ҳаракатга етиш йўлини нақшбандия таълимоти ўргатади. Нақшбандия рубоийда ғариб нақш эканлиги ёзилган. «Ғариб» араб тилидан олинган сўз бўлиб ажойиб, қизиқ, камёб деган маънони англатади.²²⁷

Баҳоуддин Нақшбанднинг рубоийсида нақшбандиянинг ғаройиб нақш деб тавсифланиши, «Мақомот»да бу камолот йўлини зебо, яъни гўзал равиш деб таърифланиши Алишер Навоийнинг

²²⁵ رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۱۷۳

²²⁶ Навоий асарлари луғати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 410-бет.

²²⁷ Навоий асарлари луғати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 753-бет.

ажаб нақш деган фикри билан уйғундир. Нақшбандия йўли толиблари учун камтаринлик,²²⁸ шукроналик²²⁹ ва ризо²³⁰ хосдир. Улар барча амалларни холис, миннатсиз эзгулик ниятида амалга оширадилар.

Нақшбандия таълимотининг асосий шиорларидан бири «Нақш банд, ба дил банд» – «Нақш боғла, кўнгилда боғла»дир. Нақшбандия таълимотидаги нақш тушунчасини таҳлил этиш учун манбаларга мурожаат қиламиз. Нақшбандия таълимотининг Ҳирот жамоасининг муршиди мутафаккир ва мутасаввиф Абдурахмон Жомий «Тухфат ул-Ахрор» асарида «Дар манқабати Қутб ут-тариқ Ғавс ул-халойиқ Хожа Баҳо ул-миллати ва-д-дин Муҳаммади Бухорий ал-маъруф ба Нақшбанд қ.с.» – «Қутб ут-тариқ халойиқ қутқарувчиси Хожа Баҳо ул-миллат ва-д-дин Нақшбанд номи билан маъруф бўлган Муҳаммад Бухорий қ.с. манқабати»да 11 мисрани нақш сўзи моҳиятини изоҳлашга бағишлайди.

*Дар хуми ин доираи нақшбанд,
Чанд шави банд, ба ҳар нақш чанд.*²³¹

Мазмуни:

Бу нақш боғловчи хум доирасида,
Сен кўп боғланасан ҳар нақшга боғланасан.

Жомий бу ерда оламдаги турли нақшларни: қуёш, ой, ўсимлик, ҳайвонот, мол-дунё, мансаб ва гўзалликни нақш тушунчаси билан ифодалаб, инсоннинг уларга боғланишини айтмоқда, яъни инсоннинг турли бут ва санамларга сиғиниши, молпарастлик ва дунёпарастликка берилишини нақшга боғланиш сифатида таърифлайди. «Нақш» сўзи Аллоҳ томонидан яратилган турли нарсаларни англатувчи нарсадир.

²²⁸ Наврўзова Г. Шукроналик – инсон камолотининг асоси. // Imom Buxoriy saboqlari. 2023. №3. 48–50-бетлар.

²²⁹ Наврўзова Г.Н. Нақшбандия таълимотида ризо тушунчаси. // Islom tafakkuri. 2022. 2-сон. 121–123-бетлар.

²³⁰ Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. – Душанбе: 2017. 39–46-бетлар.

²³¹ Абдурахмон Жомий. Тухфату-л-Ахрор. – Лакҳнав: Нувил Кишур, 1908. 26 с.

Абдурахмон Жомий кейинги мисраларда Аллоҳни бенақш – нақшсиз деган тушунча билан ифодалаб, унинг ягоналиги, Аҳад, Самад ва Қодирлигини кўрсатмоқда:

*Нақш раҳо кун, сӯи бенақш рав,
Дида ба ҳар нақш чи дори гарав?*²³²

Мазмуни:

Нақшлардан узилгин, бенақш – нақшсиз томон боргин, Сен нега кўз нурунгни ҳар нақшга берасан?

Жомий нақшларга, яъни турли бут ва санам маъбудларга боғланишдан узилиш лозимлигини ва фақатгина нақшсиз бўлган Аллоҳга томон юзланиб, ўшанга томон бориш кераклигини таъкидлайди. У инсонни кўз билан кўрадиган шакллар суратларга боғланишни қоралаб, асл моҳият бўлган Аллоҳга юзланиш кераклигини уқтиради.

*Нақш чу парда-сту ту з-афсурдаги,
Моили парда шуда аз пардаги.*²³³

Мазмуни:

Нақш парда кабидир ва сен ундан кучсиз, руҳсиз, сўлгин, тушкунсан.

Пардалар орасида бўлганинг учун сен пардага интиласан.

Бу мисраларда Жомий нақшни ҳижоб, парда тушунчаси билан ифодаламоқда. «Ҳижоб» муҳим тасаввуфий тушунча бўлиб, ҳақиқатга етиш, Тангри жамолини кўриш, Аллоҳнинг асл моҳиятини билишга тўсқинлик қиладиган нарса ва ҳодисалардир. Ҳижоб парда, тўсиқ маъноларини англатади ва Тангри билан банда ўртасида мавжуд бўлади. Банда Ҳаққа етиши учун ҳижобларни бартараф этиши зарур.

²³² Абдурахмон Жомий. Туҳфату-л-Ахрор. – Лакҳнав: Нувил Кишур, 1908. 26 с.

²³³ Абдурахмон Жомий. Туҳфату-л-Ахрор. – Лакҳнав: Нувил Кишур, 1908. 26 с.

Хужвирий «Кашф-ул маҳжуб» асарида ҳижоб тушунчасини таҳлил этиб, ундан қутулиш йўлларини кўрсатган. Жомий ҳам қуйидаги мисраларида пардалардан қутулиш кераклигини уқтиради:

*Барфикан аз пардаги ин пардаро,
Гарм кун аз вай дили афсурдаро.*²³⁴

Мазмуни:

Ҳижобларга ўранган ҳолатидан қутулгин, яъни пардаларни олиб ташла,

Руҳсиз, жонсиз синиқ кўнглингга пардалардан узилиб, қувват бергин.

Бу мисралардан маълум бўладики, Аллоҳга боғланиш ўсимликнинг ўз илдизига боғланиши ва ундан қувват олиши кабидир. Агар ўсимлик илдизидан узилса, қуриб, қовжираб қолгани каби инсон ҳам Аллоҳдан ўзгага боғланса инсонийлик қиёфасини йўқотади. Шунинг учун Жомий қуйидаги йўлни таклиф этади:

*Растан аз ин парда, ки бар жони туст,
Бе мадади пир на имкони туст.*²³⁵

Мазмуни:

Жонингга чирмашган бу пардадан қутулиш,
Пирнинг мададасиз амалга ошмайди.

Кейинги мисраларда бундай пир, муршид устоз Баҳоуддин Нақшбанд эканлигини таъкидлаб, уни Шоҳ Нақшбанд номи билан улуғлаб, кўнглини бенақш – нақшсиз деб таърифлайди. Бу билан Баҳоуддин Нақшбанд кўнглида Аллоҳдан ўзга бошқа илоҳ йўқлигини ва қалбида Аллоҳгина нақшланганини кўрсатади. Бу билан Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандия камолот йўли инсонларни бошқа нақшлардан узилиб, фақатгина Аллоҳни кўнглида нақшлаш йўлларини кўрсатган.

²³⁴ Абдураҳмон Жомий. Тухфату-л-Аҳрор. – Лакҳнав: Нувил Кишур, 1908. 26 с.

²³⁵ Абдураҳмон Жомий. Тухфату-л-Аҳрор. – Лакҳнав: Нувил Кишур, 1908. 27 с.

Манбаларда Баҳоуддин Нақшбанднинг айтганларидан маълум бўладики, Ҳақ ва банда ўртасидаги энг катта ҳижоблардан бири – нафс ҳижобидир. Чунки аммо нафси Ҳақ йўлига бораётган кишига азият беради. Нафс тана истаклари асосида вужудга келади. Аслида тана Аллоҳ яратган мўжизаларнинг энг буюгидир. Айнан шу тана ёрдами билан инсон эзгу ишларни қилиб, дуолар олиб, Аллоҳга яқинлашади. Аммо тана инсонга эмас, балки инсон умрини фақат нафс истаклари, яъни ейиш, кийиниш, ухлашларга бағишласа, ундай тана истаклари ҳижоб бўлади. Чунки инсон Аллоҳнинг эмас, балки нафсини қулига айланади. Шунинг учун сўфийлар Аллоҳ йўлидаги ҳижобларни бартараф этиш учун «Оз егин, оз гапир ва оз ухла» ва «Эзгулик ила сабр, эзгулик ила ният, эзгулик ила амал ва эзгу дуо»да бўлгин деб таъкидлаганлар. Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар: «Ҳою-ҳавас ва нафс аҳллари тутган ишлар асосининг барчаси залолат, яъни адашишдан иборатдир. Ишларда ниятни тўғри қилиш энг муҳим нарсадир. Ният – касб қилиб топадиган нарса эмас, балки у ғайб оламидандир. Ниятнинг ҳақиқати ихтиёр остида эмас. Агар ният йўқ бўлса, умид натижа бермайди.

Хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдурахмон Жомий нақш тушунчасини кенг маънода талқин этиб, Аллоҳ томонидан яратилган ва инсон боғланадиган нарсалар ва ҳодисалар сифатида талқин этганлар.

2. Нақшсиз тушунчасининг асл моҳияти деб, Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдурахмон Жомий, Аллоҳ таолони тушунганлар.

3. Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг кўнгли нақшсиз, яъни кўнглида фақатгина Аллоҳ нақшланган деб таърифланган.

4. Нақшбандия таълимоти инсонларни турли нақшларга боғланишлардан узилиб, нақшсиз Аллоҳга томон юзланиб, уни қалбга нақшлаш йўлини ўргатувчи энг мақбул таълимот эканини Баҳоуддин рубойида, Жомий «Тухфат ул-Аҳрор» асарида баён этган.

7.2. Суҳбат тушунчаси

Инсоннинг камолотида ҳамсуҳбатнинг катта таъсири бор. Инсон қалби ҳамсуҳбат таъсирида тез ўзгаради ва унинг ҳолатига таъсир этади. Яхши ҳамсуҳбат инсоннинг ижобий ўзгаришига сабабчи бўлса, ёмон ҳамсуҳбат унда иллатларни туғдиради. Глобаллашув замонида оммавий маданиятнинг таъсирида, турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш ҳозирги куннинг долзарб масаласидир. Ёшларнинг маънавий иммунитетини кучайтириш учун уларнинг кимлар билан дўст ва ҳамсуҳбат бўлишига эътибор бериш лозим. Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд²³⁶ ҳақидаги илк ва асосий манба бўлган «Мақомот»²³⁷ ва 1997 йилда Покистоннинг Лаҳор шаҳрида нашр этилган «Рубоиёти Хожа Нақшбанд»²³⁸ асаридаги рубойларда суҳбат тушунчаси ва унинг инсон камолотидаги ўрни ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Бу ғояларнинг фалсафий таҳлили Янги тараққиёт босқичида маърифатли жамият пойдеворини қуриш учун маънавий асос сифатида хизмат қилмоқда.

Жаҳоншумул Нақшбандия таълимотини асослаган Баҳоуддин Нақшбанд: «Бизни тариқатимиз суҳбатдир» деб «Хилват дар анжуман» тамойилини изоҳлаганлар. У киши «Хилватда шуҳрат бор, Шуҳрат эса офатдир. Жамиятда хайрият бўлади, жамият эса суҳбатда бўлади. Агар бу йўл толибларидан бир гуруҳи бир-бировлари билан ҳамсуҳбат бўлсалар, бу суҳбатда хайру-барака кўп

²³⁶ Баҳоуддин Нақшбанд. (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г.Н. Наврўзова. – Т.: «Sano standart» нашриёти, 2019. – 256 б.

Баҳоуддин Нақшбанд. Ҳикматли сўзлар. Bahouddin Nakshband. Words of wisdom. Ҳикматли сўзларни тўпловчи ва мақолалар муаллифи. Г.Н. Наврўзова, Ҳикматли сўзларни инглиз тилига таржима этувчи З. Расулов. «Sadriddin Salim Buxoriy». «Durdona» nashriyoti. 2020. – 52 б.

Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан, 2005. – 233 б.

Наврўзова Г. Нақшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан, 2007. – 189 б.

Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд. (Рисола). – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти, 2011. 24 б.

Наврўзова Г. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Фан, 2021. – 244 б.

Navruzova G.N. Bahauddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). Islom tafakkuri (Maxsus son), 2020. 5–8-б.

²³⁷ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 335 б.

²³⁸ رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷

Баҳоуддин Нақшбанд. Рубойлар. – Бухоро: «Дурдона» нашриёти, 2023 – 84 б.

бўлади. Умид борки, бу ишга доимо амал қилинса, охири ҳақиқий иймон билан яқунланади»²³⁹ деб таъкидлаган.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида инсон яхши ҳамсуҳбат билан бўлиши унинг камолотига ёрдам бериши қуйидаги мисраларда тавсифланган:

جز صحبت عاشقان مستان مپسند
دل در هوس قوم فرومایه مپند
هر طائفه ات به جای خویش کشند
چو غدت سوی ویرانه و توتی سوی قند
*Чуз суҳбати ошиқон мастон маписанд,
Дил дар ҳаваси қавми фурумоия мабанд.
Ҳар тоифаат ба ҷойи хеш кашанд,
Чуғдат сўйи вайрона ва тўти сўйи қанд.*²⁴⁰

Мазмуни:

Маст ошиқлардан ўзгани суҳбатин хоҳлама,
Пасткаш одамларга кўнгил боғлама.
Ҳар бир тоифа сени ўз томонида тортмоқчи бўлади,
Бойўғли вайронага, тўти эса қанд сари.

«Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асарида бу рубоий 129-рақам билан белгиланган. Шу рубоий «Мақомот» асарида ҳам келтирилган бўлиб, уни изоҳлашга Баҳоуддин Нақшбанднинг қуйидаги ҳикматли ўғитлари келтирилган: «Ҳар кимнинг қобилият тухуми ихтилофли суҳбатлар таъсири остида бузилган бўлса, бунинг тузатиш чораси қийиндир. Кибрики аҳмар ҳисобланган авлиёлар суҳбатидан ўзга нарса уни қайта тузата олмайди».²⁴¹ Бу фикрдан маълум бўладики, ёмон ҳамсуҳбат таъсиридан вужудга келган иллатлардан қутқариш учун валийлар даражасидаги устоз, муаллим, тарбиячилар керакдир.

²³⁹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 120-бет.

²⁴⁰ رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۱۷۴

²⁴¹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 147-бет.

«Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асарининг 104-рақамлари рубоийсида ёмон ҳамсухбатнинг илондан ҳам баттар эканлиги қуйидагича тавсифланган:

در راه یگانگی نه کفر است و نه دین
یک گام ز خود بردن نه راه بین
ای جان جهان تو راه اسلام گزین
با مار سیه نشین و با بد منشین

*Дар роҳи ягонаги на куфр аст ва на дин,
Як гом зи худ бурдан на роҳ ба бин.
Эй жони жаҳон ту роҳи ислом гузин,
Бо мори сияҳ нишину бо бад манишин.²⁴²*

Мазмуни:

Ягоналик йўлида на куфт бор ва на дин,
Ўзни англаш бу йўлдир, англагин.
Эй жаҳон жони сен ислом йўлини тутгин,
Қора илон билан ўтиргину, лекин ёмон билан ўтирмагин.

Рубоийдан маълум бўладики, ёмон илон заҳар солганида ҳам инсон бу дунёдан иймони билан кетади. Аммо ёмон ҳамсухбат уни иймондан айриб охиратини куйдиради.

Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларининг фалсафий таҳлилидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. «Мақомот» ва «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асарларидаги рубоийларнинг фалсафий таҳлилидан маълум бўладики, инсоннинг камолотида ҳамсухбатнинг ўрни асосийдир.

2. Яхши ҳамсухбат инсоннинг камолотига ёрдам берса, ёмон ҳамсухбат уни иймонидан айиради ва охиратини куйдиради.

3. Ёмон ҳамсухбат таъсирида тушган ёшларни тарбиялаш учун валийсифат устозлар лозим.

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليڪيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۱۴۹ 242

VIII БОБ. НАЖМИДДИН КУБРО ВА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД РУБОУЙЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

8.1. Олам ва инсон муносабатлари

Инсон олий қадриятдир. Ҳар бир инсон такрорланмас ва ноёб ўзига хосликка эгадир.²⁴³ Ҳозирги кунда инсонни ҳақиқий эзгу фазилатли қилиб тарбиялаш долзарб муаммодир. Бу муаммони ечишда маънавий меросимиздаги ҳикматли сўз ва ўғитларнинг ўрни каттадир. Инсоннинг ўзлигини англашга ёрдам берадиган, йўл кўрсатадиган маънавий хазиналардан бири тасаввуф таълимотларидир. Тасаввуф таълимотининг Кубровия йўлини асослаган Нажмиддин Кубро ва Нақшбандия йўлининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросини ўрганиш ва улардаги инсон камолотига оид дурдона фикрлардан маънавий-маърифий тарғибот ишларида фойдаланиш Янги Ўзбекистонда маърифатли жамият қуришнинг асоси бўла олади. Айниқса, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларининг фалсафий таҳлили баркамол авлод дунёқарашининг шаклланишида асос бўла олади.

Шайх Нажмиддин Кубронинг рубоийлари ҳақида Е.Э. Бертельс илк маълумот берган.²⁴⁴ Жамол Камол бу рубоийларни таржима этган.²⁴⁵ Нажмиддин Кубронинг 50 та рубоийлари жамлаиб, форс ва ўзбек тилидаги таржимаси «Жамолинг менга бас» номи билан Тошкентдаги «Адабиёт ва санъат» нашриётида Матназар Абдулҳаким томонидан 1994 йилда нашр этилди.²⁴⁶ Эргаш Очилов рубоийларни жамлаган асарида Нажмиддин Кубронинг 26 та рубоийсини киритган.²⁴⁷ Баҳоуддин Нақшбанд рубоийлари жамланган «Рубоийети Хожа Нақшбанд» асаридаги²⁴⁸ рубоийлар

²⁴³ Анвар Чориев. Инсон фалсафаси: Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти (биринчи китоб). – Тошкент: «O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati» nashriyoti. 2007. 416 б.

²⁴⁴ Бертельс Е.Э. Четверостишия Шейха Нажм ад-Дина Кубра // Суфизм и суфийская литература. – Москва: 1965 С.324–328.

²⁴⁵ Нажмиддин Кубро. Рубоийлар (Ж.Камол таржимаси) // 333 рубоий. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 49–53-бетлар.

²⁴⁶ Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас. Рубоийлар // Форсидан М.Абдулҳаким таржимаси // – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 64 б.

²⁴⁷ Донишмандлар тухфаси. Рубоийлар. – Тошкент: «O'zbekiston», 2009. 101–107-бетлар.

²⁴⁸ رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷

нашр этилди.²⁴⁹ Баҳоуддин Нақшбандга оид манбалар таҳлил этилди.²⁵⁰ Нақшбандия камолот йўлидаги монография ва мақолалар нашр этилди.²⁵¹ Баҳоуддин Нақшбанд рубоий ва ҳикматли сўзларининг таҳлили асосида унинг маънавий меросининг янги қирраси,²⁵² шукроналик,²⁵³ Ризо,²⁵⁴ суҳбат,²⁵⁵ нақш,²⁵⁶ мувозанат²⁵⁷ масалалари таҳлил этилди. Аммо Баҳоуддин Нақшбанд рубоийсидаги олам ва инсоннинг оламга муносабати ҳақидаги ғоялари Нажмиддин Кубро билан илк маротаба қиёсий услуб асосида таҳлил этилмоқда. Форс тилидаги Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд 2 рубоийсини таржима этиш, тушуниш ва

²⁴⁹ Баҳоуддин Нақшбанд. Рубоийлар. Бухоро: «Sadriiddin Salim Buxoriy» нашриёти, 2023 – 84 б.

²⁵⁰ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 335 б.

Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (тўлдирилган иккинчи нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи, таржимон Г.Н. Наврўзова. – Т.: «Sano standart» нашриёти, 2019. 112 б.

Баҳоуддин Нақшбанд. (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г.Н. Наврўзова. – Т.: «Sano standart» нашриёти, 2019. 256 б.

Баҳоуддин Нақшбанд. Ҳикматли сўзлар. Bahouddin Nakshband. Words of wisdom. Ҳикматли сўзларни тўпловчи ва мақолалар муаллифи. Г.Н. Наврўзова, Ҳикматли сўзларни инглиз тилига таржима этувчи З. Расулов. «Sadriiddin Salim Buxoriy». «Durdon» nashriyoti. 2020. 52 б.

Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. – Душанбе: 2017. 456 б.

Салоҳиддин ибн Муборак ал-Бухорий. (1410) Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин. Бухоро музейи 27772/11 қўлёзма 168 в.

Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Обиҳаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. Масъул муҳаррир: Б. Умрзоқ (ЎЗРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. – 536 б.

²⁵¹ Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан, 2005. – 233 б.

Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан, 2007. – 189 б.

Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд. (Рисола). – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти, 2011. 24 б. // 333 рубоий Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 49–53-бетлар.

Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Фан, 2021. – 244 б. Navruzova G.N. Bahauddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). Islom tafakkuri (Maxsus son), 2020. 5–8-б.

²⁵² Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросининг янги қирраси. // Islom tafakkuri. 2024. 1-сон. 3–7-бетлар.

²⁵³ Наврўзова Г. Шукроналик – инсон камолотининг асоси. // Imom Buxoriy saboqlari. 2023. №3. 121–123-бетлар.

²⁵⁴ Наврўзова Г.Н. Нақшбандия таълимотида ризо тушунчаси. // Islom tafakkuri. 2022. 2-сон. 39–46-бетлар.

²⁵⁵ Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида суҳбат тушунчаси. Interpretation and researches. Volume 2 issue 1(23). 30.01.2024. p.19–22.

²⁵⁶ Наврўзова Г.Н. Нақшбандия: Нақшдан бенақш сари йўл. Interpretation and researches. Volume 2 issue 8(30). 10.05.2024. p.219–225.

²⁵⁷ Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларида инсонни руҳий мувозанати масаласи. Interpretation and researches. Volume 1 issue 22. 30.12.2023. p.171176.

тушунтиришда герменевтик услубдан фойдаланилди.

«Жамолинг менга бас» рубойлар тўпламидаги 9-рубой олам тушунчаси моҳиятини очиб беради.

چون نىست زهر چه نىست جز با و بدست
چون هست بهر هست نقصان و شكست
پندار كه هست هر چه در عالم نىست
انگار كه نىست هر چه در عالم هست

*Чун нест зи ҳар чи нест жуз бод ба даст,
Чун ҳаст ба ҳар чи ҳаст нуқсон ва шикаст.
Пиндор, ки ҳаст ҳар чи дар олам нест,
Инкор, ки нест ҳар чи дар олам ҳаст.*²⁵⁸

Мазмуни:

Ҳар нарсаки йўқ бўлса, қўлда шамол каби йўқдир,
Ҳар нарсаки бор бўлса, унда нуқсон ва синиш бордир.
Оламда бор бўлган нарсани сен йўқ деб гумон қил,
Оламдаги бор бўлган нарсаларни инкори бордир.

Эргаш Очиловнинг рубойлар жамланган «Донишмандлар туҳ-фаси» тўпламида бу рубойи Нажмиддин Кубронинг 1-рақамли рубойиси бўлиб кирган. Эргаш Очилов бу рубойининг Умар Хай-ёмга ҳам нисбат беришини таъкидлайди. Бухоролик файласуф ва таржимон Болтаев Абдураҳим бу рубойини Абу Саид Абулхайр-ники эканлигини ёзади. Аммо манбаларда бу рубойи Нажмид-дин Куброга мансублиги исботланган. Е.Э. Бертельс «Тасаввуф ва тасаввуф адабиёти» китобида Нажмиддин Куброни 25 та ру-бойисини келтирган. Биз Нажмиддин Куброни оламга нисбатан қарашларининг таҳлили асосида бу рубойини Нажмиддин Кубро-га мансуб деб ҳисобладик ва форс тилидаги манба асосида рубо-ийни юқорида келтирилган шаклда таржима этдик. Рубойининг 1-қатори, бизнинг фикримизча, қуйидаги мазмунга эга:

Ҳар нарсаки йўқ бўлса, қўлда шамол каби йўқдир.

²⁵⁸ Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас. Рубойлар // Форсийдан М.Абдулҳаким тар-жимаси // . – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 23-бет.

Нажмиддин Кубро бу мисра билан оламдаги биз сезги органларимиз билан кўролмайдиган, ҳис этолмайдиган нарсаларни кўлимизга таъсир этадиган шамолга ўхшатмоқда. Шамолни кўролмаймиз, уни ушлаб билмаймиз, аммо шамол бор. Бу билан Нажмиддин Кубро биз йўқ деб тасаввур этадиган нарсаларни шамолга қиёслаб бор бўлиши мумкинлигини бу мисра орқали айтмоқда. Эргаш Очиллов рубойининг биринчи қаторини қуйидагича таржима этган:

Ҳар нарсаки, йўқми – йўқ ўшал мисли шамол.

Эргаш Очиллов йўқ нарсани шамолга ўхшатиб тўғри қиёслаган. «Жамолинг менга бас» асарида бу рубойининг 1-мисраси қуйидагича таржима этилган:

Огоҳ бўл ҳамиша, бу жаҳондир бор – йўқ.

Таржимоннинг бу мисрасига биз кўшила олмаяпмиз. Чунки Нажмиддин Кубро бу жаҳонни бор эмас, аксинча йўқлигини такидлаб, унга кўнгил боғламаслик лозимлигини бизга ўргатмоқда.

Ҳар нарсаки бор бўлса, унда нуқсон ва синиш бордир.

Биз рубойининг 2-мисрасини юқоридаги мазмунда таржима этдик. Эргаш Очиллов ҳам 2-мисрани бу оламдаги бор нарсалар заволга учраши мумкинлигини тавсифлаб тўғри таъкидлаган. «Жамолинг менга бас» асарида бу рубойининг 2-қатори қуйидагича таржима этилган:

Ҳеч нарса йўқ унда кемтиги зинҳор йўқ.

Таржимон Матназар Абдулҳаким «Жамолинг менга бас» рубойлар тўпламида Нажмиддин Кубро рубойларининг асл форсий нусхасини келтириб жуда яхши иш қилганлар. Асардаги 9-рубойининг биринчи ва иккинчи қаторининг таржимаси назмий нуқтаи назардан талаб даражасида бўлсада, аммо 2-қаторнинг мазмунига таржима уйғун эмас. Нажмиддин Кубро бу мисра орқали бу оламда мавжуд бўлган нарсаларнинг ҳаммаси заво топшини таъкидлайди. Мавжуд бўлган нарсаларнинг ҳаммаси ўзгарувчан бўлиб, абадий эмас, фоний эканлигини таъкидламоқда.

Рубойининг учинчи ва тўртинчи қаторининг таржимасида барча таржимонларнинг масаланинг мазмун-моҳиятини тушунишларида уйғунлик мавжуд. Рубойининг умумий мазмунидан маълум бўладики, Нажмиддин Кубро оламдаги нарсаларни 2 га:

бор бўлган, яъни боқий, ўзгармас ва йўқ бўладиган, яъни фоний, ўзгарувчан нарсаларга ажратган. Мулк оламидаги моддий борлиқ абадий эмаслигини, унга боғланиш хато эканлигини таъкидламоқда. Шунинг учун рубойда бор деб кўринаётган нарсаларнинг йўқ эканлигини, аммо йўқ деб ўйлаётган нарсаларнинг борлигини Нажмиддин Кубро таъкидламоқда. Бу билан оламдаги руҳий, Ғайб оламининг нарсаларини биз кўрмасакда бор деб исбот қилиш кераклигини тавсия этмоқда.

Файласуф олим М.Болтаев одам жисми-жасадининг ҳужайраларида ҳамиша ўзгариш бўлишини таъкидлаб, эскирган жиҳат, моддалар чиқарилиб, янгилари вужудга келиши, унинг оқибатида тахминан 7 йил давомида кишининг жасади тўла янгиланишини таъкидлайди.²⁵⁹ Илмий тадқиқотлар ҳам оламдаги барча мавжуд нарсаларнинг завол топишини исботлаган. Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд рубойлари жамланган «Рубойети Хожа Нақшбанд» асарида 101-рақамли рубойида ҳам дунё нима эканлиги ва унинг моҳияти очиб берилган:

دنیا چه بود کثیر مشوش بودن
و ز بهر دو روزه عمر ناخوش بودن
ما هیچ جهان هیچ و غم و شادی هیچ
خوش نیست برای هیچ ناخوش بودن
*Дунё чи бувад? Касири машуш будан,
В-аз баҳри ду рўза умр нохуш будан.
Мо ҳеч, ҷаҳон ҳечу ғаму шоди ҳеч,
Хуш нест барои ҳеч нохуш будан.*²⁶⁰

Мазмуни:

Дунё недур? Кўп ташвишли бўлиш,
Икки кунлик умр учун хафа бўлиш.
Биз ҳечмизу, жаҳон ҳечу, ғам ва шодлик ҳеч,
Хуш эмасдир ҳеч учун хафа бўлиш.

²⁵⁹ Болтаев М.Н. Хўжа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний инсон дўст ҳақим, рифъат шайх. – Бухоро: Бухоро, 1994. 21 б.

²⁶⁰ رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۱۴۶

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу рубойиси Нажмиддин Кубронинг юқорида тавсифланган рубойиси ғояларини тўлдиради. Баҳоуддин Нақшбанд ҳам инсонга бу оламнинг фоний, ўткинчи абадий эмаслигини таъкидлаб, унга боғланиш ва нохуш бўлиш арзимаслигини таъкидламоқда.

Инсон ҳаёти давомида нарса-ҳодисаларнинг асл моҳиятидан огоҳ бўлиши лозим. Оламдаги моддий нарсалар инсонларга бордек кўринсада, лекин улар фоний, ўткинчи ва завол топувчидир. Шунинг учун инсон дунёга боғланмаслиги лозим.

Оламдаги руҳий, маънавий борлиқ йўқдек кўринсада, аслида улар бор, боқий ва абадийдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд рубойларининг фалсафий таҳлили уларнинг борлиқ, олам, олам ва одам муносабати ҳақидаги, фонийлик ва боқийлик масалаларининг чуқур моҳиятини очиб беришга имкон беради.

8.2. Назар тушунчасининг тасаввуфий-фалсафий таҳлили

Инсоннинг билиш жараёнида кўриш қувватининг аҳамияти каттадир. Кўз инсонга берилган энг олий неъматлардан бири. Бу мўъжиза туфайли инсон борлиқни кўради. Кўриш қуввати ҳақида тасаввуф фалсафасида кенг мушоҳада юритилган. Кўришнинг зоҳирий – ташқи ва ботиний – ички томонига эътибор қаратилган. Бу таълимот асосида кўриш қуввати қалб ҳолатига бевосита боғланган. Пок, гўзал нарса ва ҳодисаларга қараш қалбнинг ҳолатига ижобий таъсир этса, ифлос, хунук нарса ва ҳодисалар қуввати қалбни ўлдиради. Қалб соғломлиги ва поклиги кўзнинг қаерга ва кимга тушишига боғлиқ.

Кўз қувватини асраш, ножоиз кишига қарамаслик, нолайиқ жойга боқмаслик қалб билан кўзни поклаб, қалб кўзининг очилишига имкон беради. Бундай инсонлар назари кимга ва қаерга тушса, у ерга хайру-баракот, эзгулик неъматлари ёғилади. Нақшбандия таълимотида «Назар бар қадам» – «Қадамга назар» тамойили инсон кўз қувватини тўғри бошқаришда ёрдам беради. Бу

таълимотдаги назар тушунчасининг фалсафий таҳлили баркамол инсонни тарбиялашнинг асоси бўла олади.

Инсоннинг камолоти учун кўриш қувватининг аҳамияти каттадир. Инсон фалсафасида бу масалага доир турлича қарашлар мавжуд.²⁶¹ Нақшбандия таълимотига доир манбалар²⁶² ва тадқиқотларда²⁶³ 11 тамойил ҳақида маълумот берилган. «Назар бар қадам»

²⁶¹ Анвар Чориев. Инсон фалсафаси: Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти (биринчи китоб). – Тошкент: «O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati» nashriyoti. 2007. 416 б.

²⁶² Абдураҳмон Жомий. Туҳфат ул-Ахрор. – Лакнаур: Нувил Кишур, 1908. 243 б.

Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсидан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 335 б.

Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (тўлдирилган иккинчи нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи, таржимон Г.Н. Наврўзова. – Т.: «Sano standart» нашриёти, 2019. 112 б.

Баҳоуддин Нақшбанд. (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г.Н. Наврўзова. – Т.: «Sano standart» нашриёти, 2019. 256 б.

Баҳоуддин Нақшбанд. Ҳикматли сўзлар. Bahouddin Nakshband. Words of wisdom. Ҳикматли сўзларни тўпловчи ва мақолалар муаллифи. Г.Н. Наврўзова, Ҳикматли сўзларни инглиз тилига таржима этувчи З.Расулов. «Sadriddin Salim Vuxoriy». «Durдона» nashriyoti. 2020. 52 б.

Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. – Душанбе: 2017. 456 б.

Рисолаи Мавлави Жомий. Қўлёзма. 17 в.

Салоҳиддин ибн Муборак ал-Бухорий. (1410) Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин. Бухоро музейи. 27772/11 қўлёзма 168 в.

Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоти айнил-ҳаёт («Обихаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Масъул муҳаррир: Б. Умрзоқ (ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. – 536 б.

²⁶³ Бертельс Е.Э. Четверостишия Шейха Нажм ад-Дина Кубра // Суфизм и суфийская литература. Москва: 1965 С. 324–328.

Болтаев М.Н. Хўжа Абдулхолиқ Ғиждувоний инсон дўст ҳақим, рифъат шайх. – Бухоро: Бухоро, 1994. 51-бет.

Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан, 2005. – 233 б.

Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан, 2007. – 189 б.

Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд. (Рисола). – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти, 2011. 24 б. // 333 рубоий Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 49–53-бетлар.

Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Фан, 2021. – 244 б.

Navruzova G.N. Bahauddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). Islom tafakkuri (Maxsus son), 2020. 5–8-б.

Наврўзова Г. Шукроналик – инсон камолотининг асоси. // Imom Vuxoriy saboqlari. 2023. №3. 121–123-бетлар.

Наврўзова Г.Н. Нақшбандия таълимотида ризо тушунчаси. // Islom tafakkuri. 2022. 2-сон. 39–46-бетлар.

Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларида инсонни руҳий мувозанати масаласи. Interpretation and researches. Volume 1 issue 22. 30.12.2023. p.171–176.

Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида суҳбат тушунчаси. Interpretation and researches. Volume 2 issue 1(23). 30.01.2024. p.19–22.

Наврўзова Г.Н. Нақшбандия: Нақшдан бенақш сари йўл. Interpretation and researches. Volume 2 issue 8(30). 10.05.2024. p.219–225.

– «Қадамга назар» тамойилининг Юсуф Ҳамадоний томонидан ўғит сифатида Абдулхолиқ Ғиждувонийга айтилганлиги,²⁶⁴ Хожагон таълимотида бу тамойил сифатида киритилганлиги,²⁶⁵ Баҳоуддин Нақшбанд уни ривожлантириб, Нақшбандия тамойили сифатида қабул қилинганлиги тадқиқ этилган.²⁶⁶ Баҳоуддин Нақшбанднинг рубойларида ҳам назарга оид ғоялар мавжуд.²⁶⁷ Нақшбандия таълимотидаги назар тушунчаси Кубровия таълимотининг асосчиси Нажмиддин Кубро рубойларидаги²⁶⁸ ғоялари билан уйғун эканлиги уларнинг таҳлилидан маълум бўлади. Назар тушунчасининг таҳлилида қиёслаш, анализ ва синтез услублари асосида тадқиқот олиб борилди. Рубойларнинг таҳлилида уларни англаш тушуниш ва тушунтириш учун герменевтика услубига асосланildi.

Юсуф Ҳамадоний асослаган ва кейинчалик Хожагон-нақшбандия таълимотининг асосий тамойилига айланган рашҳалардан бири «Назар бар қадам» бўлиб, унинг мазмуни шундаки, камолот сари интилаётган кишининг назари доимо қўяётган қадамига, мақсад-муддаосига қаратилган бўлиши лозим, назар нолайиқ жойларга тушмаслиги зарур. «Назар бар қадам» рашҳасидаги «назар» сўзининг маъноси кўз қуввати, нигоҳ, қараш, кўриш, ақлухуш, қалб кўзи, қалб нигоҳи бўлиб, «қадам» сўзининг маъноси қадам босиш, қаергадир бориш, бирор иш қилиш маъноларини англатади. «Назар бар қадам» рашҳаси инсоннинг ўзини-ўзи назорат қила олишга ўрганиши, ҳар бир қўяётган қадами нима мақсадда эканлигини англаб, таҳлил этиб, агар у қадам эзгулик йў-

Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросининг янги қирраси. // *Islom tafakkuri*. 2024. 1-сон. 3–7 бетлар.

Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – ҳушёрлик йўли. – Т.: Фан, 2024. 184 б.

²⁶⁴ Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – ҳушёрлик йўли. – Т.: Фан, 2024. 22-25-бетлар.

²⁶⁵ Болтаев.М.Н Хўжа Абдулхолиқ Ғиждувоний инсон дўст ҳаким, рифъат шайх. – Бухоро: Бухоро, 1994. 51 б.

²⁶⁶ Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд рубойларида инсонни руҳий мувозанати масаласи. *Interpretation and researches*. Volume 1 issue 22. 30.12.2023. p. 66,70,78.

²⁶⁷ رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية بيليكيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۲۷

Баҳоуддин Нақшбанд. Рубойлар. Бухоро: «Дурдона» нашриёти, 2023. – 84 б.

²⁶⁸ Бертельс Е.Э Четверостишия Шейха Нажм ад-Дина Кубра // Суфизм и суфийская литература. Москва: 1965 С. 324–328.

Донишмандлар тухфаси. Рубойлар. – Тошкент: «O'zbekiston», 2009. 101–107.

Нажмиддин Кубро. Рубойлар (Ж.Камол таржимаси) // 333 рубой Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 49–53-бетлар.

Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас. Рубойлар // Форсийдан М.Абдулҳаким таржимаси // – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 64 б.

лида бўлса давом эттириш, оқибати нохуш ҳолатга олиб келувчи ҳаракат бўлса, ўзини бу ишдан тўхтатиш, яъни инсоннинг нигоҳи ҳамма вақт қўяётган қадамида бўлмоғи лозимлигини талаб этади. Шунингдек, нигоҳнинг қадамга қадалган бўлиши инсонни кибруҳаводан сақлаб, камтаринлик фазилатини шакллантиради.

Жомий ўзининг «Тухфатул Аҳрор» асарида Ҳазрат Баҳроуддинга атаб ёзган байтида ушбу рашҳага қуйидагича шарҳ беради:

*Гум зада бе ҳамдамии ҳуш дам,
Дур нагузошта назараш аз қадам.
Баски зи худ карда ба суръат сафар,
Боз намонда қадамаш аз назар.²⁶⁹*

Мазмуни:

У ҳушёр бўлмай бирор нафас олмади, ғафлат билан нафас олишдан қутулди, назари эса доимо қадамига қаратилган эди. У шу қадар катта суръат билан ўзлигидан узилиб сафар этди, аммо қадами назаридан ортда қолмади.

Жомийнинг юқоридаги тўрт мисрасининг иккитаси назар тушунчасининг моҳиятини очишга бағишланган. Бу назмий парчадан маълум бўладики, Нақшбандия таълимотида «Ҳуш дар дам» ва «Сафар дар Ватан» тамойилларининг амалга ошишида назар тушунчаси асосийдир.

«Назар бар қадам»нинг асл моҳияти – кўриш, назар қувватларини бошқаришни англатади. Баҳроуддин Нақшбанд рашҳани қуйидагича шарҳлайди:

*Эй, монда зи баҳри илм дар соҳил айн,
Дар баҳр фароғат асту, дар соҳил шайн.
Бардор сафи назар зи мавжи кавнайн,
Огоҳ зи баҳр бош байнул нафасайн.²⁷⁰*

²⁶⁹ Абдурахмон Жомий. Тухфат ул-Аҳрор. – Лакнаур: Нувил Кишур, 1908. 26-бет.

Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Обихаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. Масъул муҳаррир: Б.Умрзоқ (ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. 34-бет.

²⁷⁰ Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Обихаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. Масъул муҳаррир:

Мазмуни:

Эй, илм денгизи соҳилида қараб турган киши,
Денгизда фароғат бору, соҳилда ёмонлик.
Сен назарлар сафини икки олам тўлқинларидан кўтаргин,
Нафасларинг орасидаги дамда ҳам огоҳ бўлгин.

Бу ерда денгиз – ботин, моҳият оламидир. Инсон бутун оламга мушоҳада назари билан, очиқ кўз билан қарайди. У ташқи оламни зоҳир назари билан кузатади. Шеърда ботинга, моҳиятга қара, чунки зоҳир яъни соҳилдаги мавж бу ёмонликдир. Шунинг учун сен назарлар сафини тўлқинлардан олиб, денгизга қаратгин, деб таъкидланади. Инсоннинг ҳар бир назари ибрат бўлиши керак. Шунинг учун Баҳоуддин таъкидламоқдаки, «Назарларинг сафини икки олам тўлқинларидан олгин». Сароб, ўткинчи нарсаларга қараб кўз нури-ни, кўриш қувватини зое этмаган ва ботин назари билан қараган кишига ҳақиқий илоҳий илм насиб этади. У ўзини англаб, Ҳаққа етади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг назар тушунчаси мазмунига оид шундай фикри бор:

*Касрат чу нек дарнигори асли ваҳдат аст,
Маро дар ин шак нест, гар туро шак ҳаст.
Дар ҳар рақам бингари аз рӯи эътибор,
Гар сураташ бубини, лек модааш як аст.²⁷¹*

Мазмуни:

Касратга эътибор билан қарасанг асли ваҳдатдир,
Менда бунга шак йўқ, гар сенда шак бўлса-да.
Ҳар бир сонга эътибор билан қарасанг,
Сурати турлича бўлса ҳам, асли биттадир.

Бутун олам ягона асосга эга, деган фикр билан Баҳоуддин Нақшбанд бутун борлиқни севиш, эъзозлаб, унга муҳаббат би-

Б.Умрзоқ (ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. 32-бет.

²⁷¹ Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Обиҳаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. Масъул муҳаррир: Б.Умрзоқ (ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. 41-бет.

лан назар қилиш лозим демоқдалар. «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асарининг 47-рақамли рубойида кўз ҳақидаги шундай ғоялар мавжуд.

من دوش دعا کردم و باد آینا
تا به شود آن دو چشم باد آینا
گر چشم ترا چشم بنددیش رسید
در چشم بنددیشم باد آینا

*Ман дӯш дуо кардам ва бод оино,
То беҳ шавад он ду чашм бод оино.
Ғар чашми туро чашми бадандеш расид,
Дар чашми бадандешам бод оино.²⁷²*

Рубойидаги «оино» сўзи луғатда «енгил» маъносини билдирганлиги ёзилган. Шунга асосланиб, биз рубойи қуйидаги мазмунда таржима этдик:

Мен кўп дуо қилдим, токим сенга енгиллик, осон бўлсин деб,
Токим сени икки кўзинг яхши бўлсин ва енгиллик бўлсин деб.
Ғар сенинг кўзингга ёмон андишалилар кўзи теккан бўлса,
Ўша ёмон андишалиларнинг кўзига ҳам енгиллик бўлсин деб.

Демак, кўзни асраш эҳтиёт қилиш, унинг юқини енгиллаштириш доимо сўфийлар эътиборида бўлган.

Саъдий Шерозийнинг қуйидаги мисраларида назарнинг мазмун-моҳияти ёритилмоқда:

*Барги дарахтони сабз бар назари хушёр,
Ҳар варақаш дафтарест аз маърифати Кирдикор.*

Мазмуни:

Яшил дарахт япроғи хушёрнинг назарида,
Ҳар варағи Аллоҳ маърифатидан бир дафтардир.

1998 زننشىكىلىپ تىنىدلا روهال رازابودرا ىروصق دمحم حراش و بىترم دن بشقن هجاوخ تى اى عابىر 88 272
هفى حص

Мисраларнинг таҳлили кўрсатадики, назар икки хил бўлади: хушёр назар, ғофил назар. Хушёр кишининг назари дарахтнинг бир япроғида ҳам илоҳий қудрат, қувват, жамол ва жалолни кўра олади. Ғофил банданинг кўз олдида ҳижоб, пардалар бўлиб, у асл моҳиятни кўра олмайди.

Назарнинг хушёр бўлиши, моҳиятни англаши учун нима қилиш керак?! Бу саволга Нажмиддин Кубро рубойларининг таҳлили орқали жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Нажмиддин Кубро рубойларини жамлаган, таржима этган асарларнинг таҳлили асосида биз назарга оид қуйидаги фикрларни топдик:

در راه طلب رسیده میباید
دامن زجهان کشیده میباید
بینائی خویش را دواکن زیراک
عالم همه اوست دیده میباید

*Дар роҳи талаб расида мибояд,
Доман зи жаҳон кашида мибоят.
Бинои хешро даво кун зироки,
Олам ҳамма Ўст дида мибоят.*²⁷³

Мазмуни:

Талаб йўлида етишиш керакдир,
Жаҳондан этакни тортмоқ керакдир.
Ўзингни нигоҳингни даво қилгинким,
Олам ҳамма Удир, Уни кўрмоқ керакдир.

Шайх Нажмиддин Кубронинг «Жамолинг менга бас» рубойлар тўпламида бу рубойни Матназар Абдулҳаким қуйидаги мазмунда таржима этган:

Толибки, талаб йўлига тез етмак шарт,
Бошқасидан қўлни ювиб кетмак шарт.
Элга шифо бахш эту оч кўзларини,
Олам ҳама – Ул, Унга назар этмак шарт.²⁷⁴

²⁷³ Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас. Рубойлар // Форсидан М.Абдулҳаким таржиси // . – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 27-бет.

²⁷⁴ Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас. Рубойлар // Форсидан М.Абдулҳаким таржи-

Инсон руҳан камол топишининг тасаввуфий йўлларида бири бўлган Кубровияга асос солган буюк мутасаввиф Нажмиддин Кубро рубойлари инсониятга Ҳақ йўлини кўрсатган. Инсон ўзини англаши, асл моҳиятни кўриши, ҳақиқатга етиши учун талаб йўлига кириши лозим. Ҳақиқатни англаш учун маънавий камолот сари ҳаракатда бўлган кишини Нажмиддин Кубро толиб, деб атайди. Юқоридаги рубойда толиб талаб йўлида собитқадам бўлиб, мақсадига албатта етишига ишониши кераклигини Нажмиддин Кубро таъкидламоқда. Толиб ҳақиқатга етиб маърифатли бўлиши Аллоҳнинг жамолу жалолини кўриш учун нима қилиш лозимлигини Нажмиддин Кубро рубойнинг иккинчи мисрасида ёзмоқда. Мутасаввиф ғофил бандаларга жаҳондан, яъни молу-мулк, дунё ва мансабнинг ҳаммасига этакни қоқиб, ундан кўнгилни узмоқ керак, деб ўғит бермоқдалар. Бу билан Нажмиддин Кубро узлатга чекиниб, хилватнишин бўлишни эмас, балки мол-мулк ва жаҳондаги неъматлардан инсониятни бахту-саодати йўлида фойдаланиш зарур демоқда. Нажмиддин Кубро рубойларини таржима этган Эргаш Очилов Кубронинг бу рубойсини 4-рақам билан келтириб, қуйидагича таржима этган:

Ҳақ йўлига ҳар лаҳза саъй этмак лозим,
Дунёдан этак тортмагу кетмак лозим.
Дидангни давола, зеро, олам ҳамма – Ул,
Кўрмак уни – асрорига етмак лозим.²⁷⁵

Эргаш Очилов талаб йўлини Ҳақ йўли деб жуда тўғри ёзган. Чунки ҳақиқатга етишни мақсад қилган солиқ, яъни талаб йўлига кирган толиб ҳар нафас, ҳар лаҳза, саъй ва кўшиш қилмоғи лозим. Рубойнинг 2-мисрасини таржимон Матназар Абдулҳаким «Бошқасидан қўлни ювиб кетмак шарт» деб, таржима этган. Рубойнинг асл форсий тилдаги нусхасида Нажмиддин Кубро жаҳондан этак тортмоқ лозим, демоқда. Эргаш Очилов жаҳон ибораси ўрнида моддий олам тимсоли бўлган дунё сўзини тўғри ишлатган. Эргаш Очиловнинг таржимаси асосида толиб ҳақиқатга эришиши

маси // . – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 26-бет.

²⁷⁵ Донишмандлар туҳфаси. Рубойлар. – Тошкент: «O'zbekiston», 2009. 103-бет.

учун бу йўлда ҳижоб, парда бўлган дунёга боғланишдан узилмоқ кераклигини ўқувчига етказа олган. Баҳоуддин Нақшбанд ҳам шундай таъкидлаган:

*Тааллуқ ҳижоб асту беҳосили,
Аз ин бандҳо бигсели восили.*

Мазмуни:

Боғланишлар ҳижобдиру ҳосилсизсан,
Бу бандларни узиб ташласанг мақсадга етасан.

Рубойининг 1- ва 2-мисрасининг таҳлили кўрсатадики, толибнинг мақсадига етиши учун асосий тўсиқ унинг ҳиссиётлари ва ақлу-хушини эгаллаб олган фоний, ўткинчи, моддий мол-мулк ва мансабга боғланишдир. Талаб йўлига кирган инсон бутун салбий қувватларни йўқотиб, ижобий эзгу ният билан мақсади сари дадил қадам босмоғи лозим. Рубойи 3-мисрасининг Матназар Абдулҳаким томонидан қилинган таржимаси, бизнинг фикримизча, масаланинг асл моҳиятидан сал чекинган. Таржимон шундай ёзмоқда: «Элга шифо бахш эту оч кўзларини». Мисранинг моҳияти эса дийдани, назарни шифо айла, яъни уни дунёдан узиб, асл моҳият бўлган Аллоҳни кўра оладиган қилиб тарбиялашдир. Аммо Матназар Абдулҳаким «Жамолинг менга бас» асарида рубойининг асл нусхасини келтириб, жуда яхши иш қилган. Рубойининг 3-қаторда кўзни эмас дийдани даволаш ҳақида гап кетади. Матназар Абдулҳаким элга шифо бўладиган кўзни оч деганда қалб нурини таратувчи кўзни ўйлаган. Чунки бундай кўздан тараладиган нур ҳалққа шифодир. Аммо Эргаш Очилов таржимасидаги «Дийдангни давола» деган ибора ҳақиқатга яқинроқдир.

Кўз ҳаммага берилган неъматдир. Кўз фақат кўриш, англаш, ибрат олиш вазифаси билан биргаликда назар қилиш вазифасига ҳам эга. Матназар Абдулҳаким назар этмак иборасини рубойининг 4-мисрасида тўғри ишлатган. Нақшбандия таълимотида «Назар бар қадам» – «Қадамда назар этмоқ» тамойили билан бу фикр уйғун. Қадам асл мақсадни англатса, назар оламдаги ҳар бир мавжуд бўлган нарса ҳодисага У, яъни Аллоҳнинг жамолу жа-

лолини, кучу-қувват ҳамда қудратини кўрмоғи лозим. Нажмиддин Кубро: «Дийдангни даво қил» деган ибора билан бутун борлиқ У эканлиги, Уни кўрмоқ англамоқ, сиру-асрорига етмоғи учун дийдани даволамоқ керак. Назар, нигоҳ қалб нурини акс эттириб, унда бутун ҳиссиётлар, ақлу-хуш, фаҳму-фаросат бўлиши лозим.

امى ديدہ توئى معاینہ دشمن دل
پیوستہ بباو برد ہی خرمین دل
وز دیدہ بروی دلبران درنگری
وانگاہ نسہی کنناہ برگردن دل

*Эй дида, Туи маъояна душмани дил,
Пайваста ба бод бурдаи хирмани дил.
Ва зи дида ба рӯи дилбарон дарнигари,
Ва он гоҳ наҳй гуноҳ бар гардани дил.²⁷⁶*

Мазмуни:

Эй дида, аниқ қалб душманисан,
Қалб хирманини мудом шамолга сен совурасан.
Дида билан дилбарлар юзига қарашинг ила,
Аниқ гуноҳни қалбнинг бўйнига соласан.

Нажмиддин Кубронинг бу рубойиси «Жамолинг менга бас» рисоласида қуйидагича таржима қилинган:

Ёв қилмишини зиммасига ортти юрак,
Соврилмоқ учун елга ўзин отти юрак.
Кўзгинам-ей, офатижон юзларга
Тушганку бу – сен... азобин тортти юрак.²⁷⁷

Бу таржимада назарнинг нотўғри жойга тушиши билан қалбнинг душмани бўлиши ва унда мавжуд бўлган барча ижобий қувватларни кўкка созуриши аниқ очиб берилмаган. Ҳолбуки, рубо-

²⁷⁶ Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас. Рубойилар // Форсийдан М.Абдулҳаким таржимаси // . – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 31-бет.

²⁷⁷ Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас. Рубойилар // Форсийдан М.Абдулҳаким таржимаси // . – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 30-бет.

ийдан мақсад ёмон назарнинг қалбга бевосита таъсирини очиб беришдир.

«Донишмандлар тухфаси» асарида Нажмиддин Кубронинг бу рубойиси 6-рақам билан киритилган ва уни Эргаш Очилов қуйидагича таржима этган:

Эй дида, ўзингсан бегумон душмани дил,
Сен боис учар елга хирмани дил.
Бас, солма назар бегона юзларга сира
Журм остида қолмасин, десанг гардани дил.²⁷⁸

Бу рубойиларнинг мазмунидан маълум бўладики, назар нолойиқ жойга тушса қалбнинг душманига айланади. Бундай назар қалбнинг бор бўлган ижобий қувватларини қорайтиради ва уни гуноҳга ботиради.

Назарнинг поклиги қалб кўзини очишга ёрдам беради. Жалолиддин Румий бу ҳақда «Кўзни юмгин, кўзга айлансин кўнгил», деб таъкидлаган. Бухоронинг олтинчи пири, Баҳоуддин Нақшбанднинг устози Саид Амир Кулол шундай ёзган:

*Ин дида бипўш то дилат дида шавад,
Зи он дидаи дил чаҳони дигаре дида шавад.
Гар равзаи дил ба зикри Ҳақ бикушои,
Дар боми чаҳон ҳар чи бувад дида шавад.²⁷⁹*

Мазмуни:

Бу кўзни юмгин, то қалб кўзинг очилгай,
Қалб кўзингдан бошқа жаҳон кўрингай.
Қалб эшигини Ҳақ зикрига очиб қўйсанг,
Жаҳон томида нима бўлса кўрингай.

Абдурахмон Жомийнинг «Назар бар қадам» тамойили мазмунмоҳиятини очадиган қуйидаги мисралари мавжуд:

²⁷⁸ Донишмандлар тухфаси. Рубойилар. – Тошкент: «O‘zbekiston», 2009. 104-бет.

²⁷⁹ Наврўзова Г., Сафарова Н. Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий дунёқарашлари. – Бухоро: «Бухоро», 1996. 36-бет.

*Сарриштаи давлат, эй бародар, ба даст ор,
Ин умри гироми ба хасорат магузор.
Доим ҳама жо, бо ҳама кас, дар ҳама ҳол,
Медор нуҳуфта чашми дил жониби ёр.²⁸⁰*

Мазмуни:

Эй дўстим, давлатинг бошини қўлга ол,
Бу қимматбаҳо умрингни беҳуда ўтказма.
Доим ҳар ерда, ҳамма билан, ҳамма ҳолатда,
Қалб кўзингни яширин ёр томон сақла.

Юқоридаги муҳокама ва натижалар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

1. «Назар бар қадам» тамойили инсоннинг кўриш қувватини бошқаришга ёрдам берадиган Нақшбандия таълимотининг асосий тамойилидир.

2. Назар тушунчаси тасаввуф фалсафасида зоҳирӣ, яъни кўз билан кўриш қуввати ва ботинӣ, яъни қалб кўзи билан кўриш қуввати деган маъноларни билдиради.

3. Инсон назарини тарбиялаш асосида уни ҳушёр, фаросат ва заковат назарига айлантириши мумкин. Назарга эътиборсизлик уни ғафлат ҳолатига тушириб, инсонни таназзулга олиб келади.

4. Назар қалбнинг ҳолатига таъсир этувчи энг асосий қувватлардан биридир. Ҳалол, пок, ҳушёр назар, қалбни ижобӣ қувватлар билан тўлдириб, қалб кўзини очишга ёрдам беради. Гофил назар инсон қалбига салбий таъсир этади.

8.3. Ишқ тушунчаси

Инсоннинг камолотида ишқ, яъни ҳақиқатни англаш учун кучли муҳаббатнинг ўрни каттадир. Қалбида ишқ ўти ёнган ёшлар жасорат ва матонат манбаига айланадилар. Ишқ тушунчаси тасаввуф таълимотида ҳар томонлама таҳлил этилган. Ёшларни баркамол ва мардлик руҳида тарбиялашда ишқ ҳақидаги маънавий меросни ўрганиш долзарб муаммодир.

²⁸⁰ Рисолаи Мавлави Жомӣ. Қўлзма. 17 в. 139 в.

Ишқ тушунчаси ҳақида тасаввуфий манбаларда жуда кўп ёзилган. Абу Али Ибн Сино, Аҳмад Ғаззолий, Сайфуддин Боҳарзийнинг ишқ тушунчасига бағишланган махсус рисолалари мавжуд. Жуда кўп ёзувчи ва шоирлар ўз асару рубоийларида ишқни тараннум этганлар. Иброҳим Ҳаққул тартибга келтирган тасаввуфий истилоҳлар луғатида ишққа шундай таъриф берилган: «Ишқ – тасаввуфда Ҳусни Мутлаққа бўлган шиддатли севги. Ваҳдати вужуднинг бошланғичи ва охири бўлмаганидек, Ҳақ тажаллийсининг ҳам ибтидо ва интиҳоси йўқдир. Унинг зоти ҳар жойда зоҳир эрур, мазҳарлари зоти билан ўхшаш. Ҳақнинг илк зуҳурига «Ҳақиқати Муҳаммадия» дейилган. Ишқ икки хил бўлади: ҳақиқий ва мажозий. Ҳақиқий ишқ – Ҳусни Мутлаққа, мажозий ишқ эса – одам ва олам гўзаллигига ошиқлик эрур.²⁸¹

Ишқ муҳим тасаввуфий тушунчадир. Тасаввуф инсонни руҳан юксалтириш, камолотга эришувига йўналтирилган таълимотдир. Инсон маънан, руҳан юксаликка парвоз этиши учун керак бўлган асосий қанот, куч-қувват ишқдир. Айнан шу ишқ ва муҳаббат туфайли инсон олдинга интилади ва ҳаракатда бўлади. «Ишқ» сўзи араб тилидан олинган бўлиб, тасаввуфда Аллоҳга бўлган ишқ маъносини англатади. Аллоҳдан ўзга ҳар қандай маҳбубга бўлган ишқ ёки муҳаббат солиқлар – тариқат йўлидан бораётган Ҳақ йўлини изловчи толиблар наздида – мажозий ишқ саналган. Тасаввуфна битилган ғазал ва бошқа турдаги шеърларда мажозий ишқ орқали ҳақиқий ишқ тараннум этилади.²⁸²

Инсонни фалсафий таҳлил этганимизда у биологик мавжудот сифатида тана, гўшт ва суяклари билан ҳайвонот оламига ўхшайди. Аммо инсоннинг ўзига хос томони шундаки, унга бутун оламни англаш ва тафаккур этиш учун ақл неъматини ва нарса-ходисаларга муносабатини ифодалаш учун ҳиссиётлар берилган. Ақл инсонга тўғри йўлни кўрсатувчи чироқ, машъал, қуёш каби бўлса, ўша манзил-маконга етиб бориш учун ҳаракатга ундайдиган қувват ҳиссиётдир. Ҳиссиётлар кўпинча муҳаббат, қўрқув ва ҳайратланиш сифатида намоён бўлади. Таълим жараёнида ақлга озуқа

²⁸¹ Тасаввуф истилоҳлари шарҳи / Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Т.: «Моваро-
ннаҳр», 2004. 224–225-бетлар.

²⁸² Усмонов И. «Тасаввуф» фанидан глоссарий. – Т.: Тошкент ислом университети», 2011. 29-б.

берилса, тарбия жараёнида ҳиссиётларни бошқариш ўргатилади. Инсон камолоти учун бу икки жараён бир-бири билан диалектик боғланган.

Ишқ тушунчаси жуда кўп олиму фозиллар томонидан таҳлил этилган ва бу мавзуда ажойиб нодир асарлар ёзилган. Биз ишқ тушунчасига оид Абу Али ибн Синонинг «Рисола фи-л-ишқ» – «Ишқ ҳақида рисола», Азизиддин Насафийнинг «Комил инсон китоби» таркибидаги «Рисолаи ишқ», Сайфиддин Бохарзийнинг «Китоби рисолаи ишқ», Баҳоуддин Нақшбанднинг ишққа оид ҳикматли сўзлари ва Хожа Исмат Бухорийнинг ошиқона ғазал ҳамда рубоийлар асосида тасаввуфий ишқ тушунчасини таҳлил этмоқчимиз.

Бутун жаҳон тан олган Ғарбда Авиценна номи билан машҳур Ўрта Осиёни етти иқлимга танитган буюк қомусий олим Абу Али ибн Сино²⁸³ (980 йил 18 июн Бухоро, Афшона – 1037 йил 16 август Ҳамадон) жуда кўп асарлари қаторида «Рисола фи-л-ишқ» – «Ишқ ҳақида рисола» ёзган.²⁸⁴ Бу рисолани олимлар Маҳкам Маҳмуд ва Зайниддин Баҳриддиновлар форс тилидан ўзбек тилига таржима этиб, «Шарқ юлдузи» журналининг 2014 йил 1–2-сонларида нашр эттирганлар. Бу рисола ижтимоий тармоқларда ҳам мавжуд.

Абу Али ибн Синонинг «Рисола фи-л-ишқ» асари ҳақида 1976 йил олим С.Б. Серебряков тадқиқот олиб бориб, рисоланинг араб тилидаги асл нусхаси луғатлар, рус тилидаги таржимаси ва шу асар таҳлиliga бағишлаб, «Трактат Ибн Сины (Авиценны) о любви» номи билан жуда қимматли асарни нашр этган.²⁸⁵ Айтиш лозимки, бундай фундаментал тадқиқот ўзбек тилида амалга оширилгани йўқ. Биз ўзбек олимлари олдида буни амалга ошириш вазифаси турибди.

Абу Али ибн Синонинг «Ишқ ҳақидаги рисола»си 7 фаслдан иборат:

²⁸³ Хайруллаев М.М. Абу Али ибн Сино/ Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар)// Тўпловчи ва масъул муҳаррир: М. М. Хайруллаев/. – Тўлдирилган қайта нашр. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр. 2001. 96–103-б.

²⁸⁴ Абу Али ибн Сино. Ишқ ҳақида рисола. Таржимонлар: Маҳкам Маҳмуд., Зайниддин Баҳриддинов. Шарқ юлдузи 2014-йил 1-сон 96–101, 2-сон 59–63-бетлар. Saviya.uz. Shuningdek: www.kh.uz.

²⁸⁵ Серебряков С.Б. Трактат Ибн Сины (Авиценны) О Любви. – Тбилиси: «Мецниереба», 1976.177 с.

1. Ҳар бир жонзотнинг жавҳаридан келиб чиқадиган ишқ тўғрисида.

2. Оддий жонсиз мавжудотлар(маъданлар)га хос севги ҳақида.

3. Ўзларига хос миқдордаги озикланиш қувватига эга бўлган мавжудотлар (ўсимликлар) севгиси ҳақида.

4. Ўзига хос тириклик меъёрига эга бўлган ҳайвоний руҳ, жавҳар эгалари севгиси ҳақида.

5. Ёш, ёрқин, гўзал хилқатларнинг ишқи ҳақида.

6. Аҳли диллар ишқи ҳақида.

7. Хулосалар.

Рисола фаслларнинг таҳлилидан маълум бўладики, Ибн Сино ишқ тушунчасини кенг ва чуқур маънода таҳлил этган. У шундай ёзади: «Аллоҳ томонидан бошқариладиган ҳар бир мавжудот (жавҳар эгаси) ўзи учун хайрга ва камолга интилади ҳамда ўз табиатидаги шар – ёмонлик деб аталувчи нуқсонлардан қутулишга ҳаракат қилади». Юқоридан бошқариладиган барча мавжудотлар туғма ишқ ва табиий ҳирс истакка эга бўлади. Ибн Синонинг фикрича, ҳақиқий мавжуд нарсалар ё расолик, камолотга эришган ёки табиати бўйича фазилатлар ва нуқсонлар ўртасида иккиланиб турувчи бўлади. Муайян мукамалликка интилиш барча мавжудотларга хос бўлиб, бу жараён туғма севги орқали кечади ва уни ўзининг такомиллашуви билан боғлаш мумкин.

Ибн Сино «Вожиб-ул вужуд», яъни Аллоҳ барча мавжудотлар учун умумий бўлган ишқни беришни зарурий деб ҳисоблайди. Бу билан илоҳий нур тарқалиши (тажаллий) туфайли ҳосил қилинган умумий камолотни – умумий мукаммаллашувини сақлаб қолиш, бу дунёда тартиблар ўрнатиши туфайли пайдо бўлган камолотни йўқотмаслик заруратидан келиб чиқади. Ибн Сино фикрича, бундай севги юқоридан бошқариладиган барча мавжуд нарсалар зарурият маҳсулидир ва ажралмас хусусиятдир. Табиатда умумий ва мутлақ севгидан ташқари севги ҳам йўқ.

Ибн Сино ёзади: Биз айтамикки, эзгулик (хайр яхшилик неъмат) ўз-ўзидан севимлидир. Яхшилик яхшиликни севади. Бундан Ибн Сино қуйидагича хулоса чиқаради: «Ишқ ҳақиқатан ҳам мутаносибликни қўллаб-қуватлашдан иборатдир». Асл яхшилик барча мавжудотларга хайрихоҳлик ва ҳақиқатга тўғри келадиган

нарсани ният қилмоқликдир. Ният асосий тасаввуфий тушунча бўлиб, ишқ ҳақидаги илк тасаввуфий ғоялар илдизи Абу Али ибн Сино меросига бориб тақалади. Зеро, тасаввуф амалиёти ҳам ният билан боғлиқдир.

Абу Али ибн Сино: «Ишқ ҳақиқатан ҳам мутаносибликни қўллаб-қувватлашдан иборатдир» дейди. Тасаввуф ҳам бутун борлиқ ва мавжудликка нисбатан уйғунлик, меъёр ва мутаносиб муносабат тарафдоридир. Ибн Сино фикрича, барча мавжуд бўлган нарсалар учун ишқ уларнинг борлиқ сабабчиси ёки ишқ ва борлиқ унда айнан ўхшашдир.

Ибн Сино фикрича, ишқ икки турли бўлади. Биринчиси – табиий севги, иккинчиси – ихтиёрий равишда танланадиган севги. Ишқ мукамаллик томон интилишдир. Комилликка яқин даражаларни ҳам Ибн Сино қуйидагича тавсифлайди:

1. Комилликка яқин даражадаги инсоний севги. Унда одам қалби ҳали ақл бовар қиладиган ашёларни ҳис қилишнинг табиий истаги билан тўла бўлади.

2. Фаришталар севгиси – абадий комиллик.

Оддий инсоний севги даражасидаги кишининг комиллиги шу билан белгиланадики, мушоҳада жараёнида у кўпроқ комиллик касб этишга ҳаракат қилади. У ҳар бир ақлий неъматни қалб орқали илғаб олади ва бунинг сабабчиси бўлган мутлақ ҳақиқатга муҳаббати ошади. Маълум бўладики, Аллоҳга яқинлашишнинг энг олий даражаси ул зотни ҳақиқий табиати билан ҳис қилмоқдир. Ибн Сино бунинг тариқатлар ичида энг комили ҳисоблайди ва уни сўфийлар Аллоҳ бирлиги, ягоналиги, яъни тавҳид деб аталишини таъкидлайди.

Ибн Сино асарининг олтинчи бобини аҳли дил муҳаббатига бағишлаган. Унинг фикрича, аҳли дил илоҳий қалб эгалари бўлиб, илоҳий тажаллийни бевосита қабул қилади. Агар билвосита қабул қилган тақдирда ҳам фаол ақлдан кўмак олади. Ибн Синонинг аҳли дил ҳақидаги ғоялари ва тажаллий²⁸⁶ тушунчаси тасаввуфий ишқ тушунчаси билан умумийлиги бор. Бу кўрсатадики, Ибн Синонинг ишқ тўғрисидаги ғоялари тасаввуфнинг шаклланишига таъсир этган.

²⁸⁶ Наврўзова Г.Н. Нақшбандийликда «тажаллий» тушунчаси // Фалсафа ва ҳуқуқ. Илмий-назарий, маърифий журнал. – Тошкент. 2004. №2 15–17-бетлар.

Тасаввуфда ишқ тушунчасини илк маротаба киритган сўфий аёл – Робия Адавиядир.²⁸⁷ Тадқиқотлар натижасида аниқладикки, тасаввуфий ишқ масаласини Азизиддин Насафий «Комил инсон китоби» таркибидаги еттинчи рисоласи «Ишқ баёнида» очиб берган.²⁸⁸ Рисоланинг биринчи фасли «Майл, иродат, муҳаббат ва ишқ баёнида»дир. Дарвешларнинг Аллоҳга муносабат даражаларини Азизиддин Насафий тўртга бўлади: илк босқич майл, иккинчи босқич иродат, учинчиси муҳаббат ва энг юксак босқичи ишқдир. Тасаввуф аҳлидан кимгаки уруж – руҳий юксалиш насиб этса, у тўртинчи мартаба – ишқ мартабасида бўлади. Азизиддин Насафий фикрича, ишқ кучли муҳаббатдир. Рисоланинг иккинчи фасли «Мажозий ишқ мартабалари ҳақида». Унда ёзилишича, мажозий ишқнинг уч мартабаси бор. Ишқ бир ўтдирки, ошиқ вужудига тушар; бу ўтнинг макони кўнгилдир. Кимки ошиқ бўлмаса, пок бўлмайди, пок бўлмаса, покликка етишмайди, дейди муаллиф.

Тадқиқотчи Норова Малика Нажмиддин Кубронинг шогирди Сайфиддин Бохарзий (1190–1261) маънавий меросида «Китоби рисолаи ишқ» – «Ишқ рисоласи китоби» борлигини аниқлаган ва уни таҳлил этган.²⁸⁹ Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389) ҳам «Вуқуфи қалбий» рашҳаси ҳақида маълумот бериб, қалб илоҳий ишқ макони эканини таъкидлайди ва шундай фикрни баён этади:

*Зи ғайрат хонаи дилро зи ғайрат кардаам холи,
Ки ғайратро намешояд дар ин хилват саро будан.*²⁹⁰

Мазмуни:

Ғайрат қилиб қалб уйини ғайр – Аллоҳдан ўзгадан бўшатдим,
Чунки бу хилват саройида ўзга учун ўрин йўқ.

²⁸⁷ Наврўзова Г. Илоҳий ишқ маликаси // Бухоро мавжлари. (Адабий-бадий, ижтимоий-маърифий журнал) Бухоро. 2004. №4 31–33-бетлар.

²⁸⁸ Азизиддин Насафий. Ишқ баёнида / Комил инсон китоби. Еттинчи рисола. Форс тилидан Нажмиддин Комилов, Олимжон Давлатов таржимаси // Jahon adabiyoti. 2019 3-сон 40–62-бетлар.

²⁸⁹ Норова М. Сайфиддин Бохарзий. – Бухоро: «Sadridin Salim Buxoriy» Durdoni nashriyoti, 2020 / 32-бет.

²⁹⁰ Мавлоно Яъқуби Чархий. Рисолаи унсия / Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. – Душанбе: 2017. 183-б.

Темурийлар даври мутафаккири Хожа Исмат Бухорийнинг ҳам ишққа оид ғоялари мавжуд.²⁹¹ Давлатшоҳ Самарқандийнинг маълумот беришича, Шоҳруҳ Мирзо даврида Хожа Исматнинг орифона ҳамда ошиқона рубойи ва ғазаллари жуда машҳур бўлган.

Абу Али ибн Синонинг «Ишқ ҳақида рисола»си, Азизиддин Насафий «Ишқ баёнида» рисоласи, Сайфиддин Бохарзийнинг «Китоби рисолаи ишқ» Баҳоуддин Нақшбанднинг «Вуқуфи қалбий» рашҳаси, Хожа Исмат Бухорийнинг орифона ҳамда ошиқона ғазал, рубойилари кўрсатадики, тасаввуфда илоҳий ишқ инсон камолотининг асоси сифатида қаралган. Тасаввуфда ишқнинг намоён бўлишига қараб орифлар ва ошиқлар деган тушунча ҳамда тариқатлар ҳам орифона ва ошиқона йўл сифатида баҳоланган. Хожагон ва Нақшбандия йўли орифона йўл бўлиб, огоҳлик ва ҳушёрликка эътибор берилса, Мавлавия каби тариқатларда ошиқона кайфият ҳукмрон бўлган.

Тадқиқодчи Малика Норова Сайфиддин Бохарзий тариқатга ишқ йўлини киритганини асослаб берган. М.Норова Сайфиддин Бохарзийнинг тасаввуфий дунёқарашида тафсир илми таҳлилида шундай фикрларни ёзади: Сайфиддин Бохарзийнинг гўзал рубойилари шуни кўрсатадики, ўтган бир ярим асрлик давр мобайнида Бухоро сўфийлигида ўзгаришлар юз берди. Илоҳий ишқни тарғиб қилувчи сўфийлик йўналишини мумтоз шеърят эгаллади. Бунинг натижасида Сайфиддин Бохарзий Абу Бакр Калободий томонидан яратилган мумтоз тасаввуфни ривожлантириб, Бухорода сўфийликдаги илоҳий севги мавзусига урғу берган.²⁹² Ишқ қандай кўринишда бўлмасин камолот сари қадам қўяётган инсоннинг қалбига сепилаётган уруғни униб-ўсиб, гуллаб, мева беришига ёрдам беради.

«Жамолинг менга бас» тўпламида Нажмиддин Кубронинг рубойилари асл кўринишда, форс тилида, араб графикасида жамланган. Бу рубойиларнинг таҳлилидан ишқ мавзуидаги қуйидаги рубойини топдик:

²⁹¹ Наврўзова Г., Раупова Р. Хожа Исмат Бухорий ишқнинг инсон камолотидаги ўрни хусусида // Таълим тизимда ижтимоий-гуманитар фанлар. Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети. – Т.: 2010. №2. 47–48-б.

²⁹² Норова М. Марказий Осиё тафсир илмининг ривожиди Сайфиддин Бохарзийнинг ўрни // Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги ЎЗА илм-фан бўлими (Электрон журнал). – Тошкент, 2020 –йил, май. – Б 1–7.

چون حس بدل رسيد دل را درد کند
درد دل مرد مرورا مرد کند
در آتش عشق خود بسوزد و آنگاه
دوخ زیرای دیگران سرد کند

Чун ишқ ба дил расид дилро дард кунад,
Дарди дили мард мардро мард кунад.
Дар оташи ишқи худ бисўзаду онгоҳ,
Дўзах барои дигарон сард кунад.²⁹³

Мазмуни:

Ишқ агар қалбга етса қалбда дард келур,
Бу қалбни дарди мардни мард қилур.
Ишқ оташида агар куйса ул лаҳза,
Дўзахни бошқалар учун совуқ қилур.

Нажмиддин Кубронинг бу рубоийсидан маълум бўладики, ҳақиқий ишқ инсоннинг қалбини эгаллаб, унда дард ҳосил қилар. Бу даражада камол топган инсон мард дейилган. Марднинг қалбидаги илоҳий ишқ дарди уни куйдириб, вужуди ва руҳидаги барча ёмонликлардан уни қутқариб Мард, яъни ҳақиқий инсонга айлантиради. Ишқ оташида куйган ҳақиқий инсон бошқа кишиларни ҳам ҳидоятга бошлаб, Мард бўлишларига ёрдам беради ва уларни дўзах оловидан қутқаради. Ишққа мубтало мардлар учун дўзах олови сард, яъни совуқ бўлади, куйдиролмади.

«Жамолинг менга бас» асарида бу рубоий қуйидагича таржима этилган:

Ишқ дарди ғариб танимдаги жон бўлғай,
Дард чекса киши ахийри инсон бўлғай.
Ошиқману дўзах мен учун оташгоҳ,
Бошқа учун у бир зимистон бўлғай.²⁹⁴

²⁹³ Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас. Рубоийлар // Форсийдан М.Абдулҳаким таржимаси // - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 27-бет.

²⁹⁴ Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас. Рубоийлар // Форсийдан М.Абдулҳаким таржимаси // - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 26-бет.

«Донишмандлар тухфаси» асарида юқоридаги рубоий 5-рақам билан белгиланган ва қуйидагича таржима этилган:

Ошиқ кишининг кўнгли тўла дард бўлгай,
Дил дарди билан мард яна ҳам мард бўлгай.
Ўз ишқи ўтида у ёнаркан, бул дам,
Дўзах ўти ўзгалар учун сард бўлгай.²⁹⁵

Таржимон рубоий мазмун-моҳиятини англаб, ўзбек тилига тўғри ўгирган. Унинг фикрича, Абдулхолиқ Гиждувоний, Рази-иддин Али Лоло ва Хожа Али Ромитанийлар ижодида ҳам шунга ўхшаш рубоийлар бор. Аммо бизнинг тадқиқотларимизда Абдулхолиқ Гиждувонийда бу рубоийни учратмадик.²⁹⁶ «Рашаҳот» асарида шу маънодаги рубоийни топдик. «Нақшбандия – камолот йўли» асарида Хожа Али Ромитанийнинг шунга ўхшаган қуйидаги рубоийси келтирилган:

*Чун зикр ба дил расад дилат дард кунад,
Он зикр бувад, ки мардро фард кунад.
Ҳар чанд, ки хосияти оташ дорад,
Лекин ду ҷаҳон бар дили ту сард кунад.*²⁹⁷

Мазмуни:

Зикр юракка етганида юракни оғритар,
Шу зикр эрурки, эрни фард айлар.
Ўт-олов унга хос бўлсада,
Лекин икки дунёдан қалбни совитар.

Хожа Али Ромитаний рубоийсида ишқ сўзи ўрнида зикр сўзи ишлатилган. Хожа Али Ромитанийдан Нажмидди Кубро бир аср ол-

²⁹⁵ Донишмандлар тухфаси. Рубоийлар. – Тошкент: «O'zbekiston», 2009. 103.

²⁹⁶ Наврўзова Г.Н. Абдулхолиқ Гиждувоний. – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази» нашриёти, 2020. 53–61-бетлар.

²⁹⁷ Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан, 2007. 57-бет.

Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Обихаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. Масъул муҳаррир: Б.Умрзоқ (ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. 56-бет.

дин яшаган. Бизнинг фикримизча, рубойнинг Нажмиддин Куброга тааллуқлисида ишқ мазмуни ҳақиқатга яқинроқ тавсифланган.

«Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асаридаги 55-рақамли рубой ҳам ишқ тушунчасининг мазмун-моҳиятини очиб беради.

غازى كه پى شهادت اندر رگ و پوست
غافل كه شهيد عشق فاضلتر از اوست
فرداى قيامت آن كه بر انجامند
اين كشته دشمن است آن كشته دوست
*Ғозӣ, ки паӣ шаҳодат андар рагу нӯст,
Ғофил, ки шаҳиди ишқ, фозилтар аз ўст.
Фардоӣ қиёмат он, ки бар анҷоманд,
Ин қуштаи душман аст, он қуштаи дӯст.*²⁹⁸

Мазмуни:

Ғозиким шаҳодат унинг томиру терисидадир,

Ғофилдурким ишқ шаҳиди ундан фозилроқдир.

Қиёмат кунида ҳисоб-китоб қилганларида, у душман томонидан ўлдирилган бўлса, буниси дўстнинг фидоийсидир.

Баҳоуддин Нақшбанднинг ошиқ, яъни илоҳий, ҳақиқий ишқ қалбида ҳукмрон бўлган ҳақиқий инсон Аллоҳ ризолиги йўлида бутун борлиғини фидо қилади, деган ғояси бу рубойда баён этилган. Шунинг учун ҳам у шаҳодат мақсадида жон фидо қилган ғозийдан ишқ йўлида фидо бўлган инсон минг карра афзалроқ, дейди.

Юқоридаги таҳлиллар асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

1. Ишқ инсон қалбини эгалласа, ундаги барча иллатларни куйдириб ташлайди.

2. Ишқ ўтида куйган инсон Ҳақиқий, Комил инсонга айланади.

3. Ишқ шаҳиди ғозийдан афзалдир, чунки унинг амаллари холис Аллоҳ ризолиги учундир.

4. Ёшларни ҳақиқий ишқ руҳида тарбиялаш холис меҳнат қиладиган баркамол авлоднинг вояга етишига ёрдам беради. Меҳнат-севар, инсондўст, ҳалол ва пок авлод янги тараққиёт босқичида маърифатли жамият пойдеворидир.

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليڪيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۹۶ ۲۹۸

8.4. Тажаллий тушунчаси

Инсоннинг маънавий камолоти ҳозирги кунда долзарб масаладир. Зоҳирпарастлик, моддиятга берилиш жамиятда инсон қадрига номақбул муносабатларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда. Ҳолбуки, ҳақиқий инсон зоҳири эмас ботини билан гўзалдир. Инсон ботини, ички оламини тадқиқ этишда тасаввуф фалсафасининг ўрни каттадир. Мустақиллик даврида фалсафанинг бу соҳасига эътибор берилди бошланди. Инсон қалби, маънавияти ва моҳиятини ўрганишда тасаввуфий рубоийларнинг аҳамияти бениҳоя катта. Кубровия таълимотининг асосчиси Нажмиддин Кубро ва Нақшбандия камолот йўлини машҳур этган Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларидаги фалсафий моҳиятни очиб бериш долзарб масаладир.

Тасаввуф таълимотининг асосий тушунчаларидан бири тажаллийдир.²⁹⁹ Тасаввуфшунос олим Иброҳим Ҳаққул тартибга келтирган тасаввуф истилоҳлари луғатида тажаллий тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «Тажаллий – илоҳий фазлнинг солиқ кўнглида зуҳур айлаши, ғайб нурларидан пайдо бўлган ҳол».³⁰⁰

Тажаллий икки қисмдан иборатдир:

1. Руҳоний тажаллий.

2. Раббоний тажаллий.

Бу ҳам иккига ажралади:

1. Улуҳият тажаллийси.

2. Рубубият тажаллийси.

Буларнинг бири Муҳаммад с.а.в., иккинчиси Мусо а.с. пайғамбарга тегишлидир. Демак, Аллоҳнинг жамолу жалоли борлиқда зоҳир бўлади ва бу инсон қалбида тажаллий этади.

Илоҳий тажаллий таъсирида ҳақиқат йўлидан бораётган толиб ишқ шаробини ичгандай бўлади. Тасаввуфда ҳақиқатга етишишнинг икки йўли бор: Боязид Бастомий асослаган мастлик, хушсизлик, фано бўлиш йўли ва Жунайд Бағдодий асослаган хушёрлик йўли.³⁰¹

²⁹⁹ Наврўзова Г.Н. Нақшбандийликда тажаллий тушунчаси // Фалсафа ва ҳуқуқ. Илмий-назарий, маърифий журнал. – Тошкент. 2004. №2 15–17-бетлар.

³⁰⁰ Тасаввуф истилоҳлари шарҳи / Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Т.: «Мовароуннаҳр» 2004. 242-бет.

³⁰¹ Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – хушёрлик йўли. – Т.: Фан, 2024. 14–18-бетлар.

Нажмиддин Кубро рубойларида илоҳий ишқдан маст бўлган ошиқ қуйидагича тавсифланган:

زان باوه نخورده ام که هشیار شوم
آن مست نبوده ام که بیدار شوم
یک جام تجلی جمال تو بس است
تا از عدم و وجود بیزار شوم

*Зи он бода нахӯрдаам, ки ҳушёр шавам,
Он маст набудаам, ки бедор шавам.
Як қоми тажаллии ҷамоли Ту бас аст,
То аз адаму вужуд безор шавам.³⁰²*

Мазмуни:

Ул шаробдан ичмадимким ҳушёр бўлсам,

Ул маст эмасманки, бедор бўлсам.

Сенинг жамолинг тажаллийсининг бир жоми етарлидир,

Токим йўқлик вужуддан безор бўлсам.

Нажмиддин Кубронинг бу рубойсидаги бода – шароб илоҳий файз, нурни англатади. Бу шаробни қалб жомига тўлдирган ошиқ илоҳий ишқда маст бўлади. Нажмиддин Кубро фикрича, илоҳий ишқ бодасидан маст бўлган ошиқ ҳушёр бўлмайди. Илоҳий жамолнинг тажаллийси натижасида у борлиқ ва йўқликдан безор бўлади. Ошиқ учун фақатгина Аллоҳ жамоли керакдир.

Адам тушунчаси йўқлик маъносини билдиради. Қуръони каримдаги кунфаякун ояти амрига кўра биз билган ва билмаган, кўрган ва кўрмаган борлик адамдан, яъни йўқликдан пайдо бўлган. Рубойидаги адаму вужуд борлиқу йўқлик бирлигини англатади. Аллоҳнинг жамоли тажаллий этган ошиқ учун бу нарсалар тўғрисида фикр юритиш оғир, унга Ҳақнинг жамоли ва висоли бўлса бўлади.

«Жамолинг менга бас» асарида Нажмиддин Кубронинг юқоридаги рубойиси қуйидагича таржима этилган:

³⁰² Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас. Рубойлар // Форсийдан М.Абдулҳаким таржимаси // . – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 35-бет.

Ул бодани бер, ғам мени хушёр этмиш,
Маст бўлмасам, айт, не мени бедор этмиш.
Бер жоми тажаллийингни бир, шул басдир,
Йўқлиғу борлиғ мени безор этмиш.³⁰³

Бизнинг фикримизча, таржиманинг биринчи ва иккинчи қаторларида асл мақсад очилмаган. Аммо охириги қаторларда тажаллий мазмун-моҳияти ёритилган.

Эргаш Очилов Нажмиддин Кубронинг юқоридаги рубойисини ўз асарида 7-рақам билан киритиб, қуйидагича таржима этган:

Ул бодани ичмадимки, хушёр ўлсам,
Ул маст эмасман яна бедор ўлсам.
Тарк этсам адам бирла вужудни тонг йўқ,
Бир жилвайи хуснинг ила хуммор ўлсам.³⁰⁴

Эргаш Очиловнинг таржималарида рубойининг биринчи ва иккинчи қатори мазмуни тўғри ёритилган. Аммо учинчи қаторда «адам» тушунчасини таржимон, бизнинг фикримизча, нотўғри изоҳлаган. Таржимон фикрича, тасаввуф фалсафасига кўра, у дунё – ҳақиқий олам, борлиқ, бу дунё – ўткинчи, йўқлик. Шу жиҳатдан рубойидаги «адам» тушунчаси «мавжуд дунё» маъносида келяпти. Ҳолбуки адам – йўқлик, вужуд – борлиқ бўлиб, тажаллий шаробидан ичган ошиқ учун адам – йўқлик ва вужуд – борлиқ бирдай бўлиб, улардан безор бўлади ва Аллоҳ жамолини кўришни истайди.

«Рубоийети Хожа Нақшбанд» асаридаги 78-рақамли рубойида Баҳоуддин Нақшбанд тажаллий тушунчасини қуйидагича ёритган.

هر باده که از حضرت الله دهند
بی منت شافی سحرگاه دهند
خواهی که کمال معرفت دریابی
دهنداز خود بگذر تا بخودت راه

³⁰³ Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас. Рубойлар // Форсидан М.Абдулҳаким таржимаси // . – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 34-бет.

³⁰⁴ Донишмандлар тухфаси. Рубойлар. – Тошкент: «O'zbekiston», 2009. 104.

*Ҳар бода, ки аз ҳазрати Аллоҳ диҳанд,
Бе миннати шофӣ саҳаргоҳ диҳанд.
Хоҳе, ки камоли маърифат дарёбӣ,
Аз худ бигузар, то ба худат роҳ диҳанд.*³⁰⁵

Мазмуни:

Ҳазрат Аллоҳдан ҳар шаробким бермишлар,
Тонг шофеийсининг миннатисиз бермишлар.
Маърифат камолини топмоқ истасанг,
Ўзингдан ўтгин, токим ўзингга йўл топарсан.

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу рубоийларида илоҳий тажаллий Аллоҳ мадади билан бўлиши кўрсатилмоқда. Нажмиддин Кубро ғоясидан фарқли тажаллий нуридан файзидан баҳраманд бўлган ориф маърифат йўлини танлайди. У вужудидаги нафсоний истаклар устидан ғолиб чиқиб, Аллоҳ жамолини кўришга муяссар қиладиган йўлни топа олади. Нақшбандия таълимотидаги бу йўл хушёрлик йўлидир.³⁰⁶

Баҳоуддин Нақшбанднинг «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асаридаги 79-рақамли рубоийсида ҳам тажаллий тушунчаси қуйидагича ёритилган.

از خون دلم دو چشم پور نم بهتر
در عیش و نشاط اندوه غم بهتر
یک لحظه حضور دل به درگاه خدا
از سلطنت تمام عالم بهتر
*Аз хуни дилам ду чашми пурнам беҳтар,
Дар айшу нишот андуху ғам беҳтар.
Як лаҳза ҳузури дил ба даргоҳи Худо,
Аз салтанати тамоми олам беҳтар.*³⁰⁷

۱۹۹۸ زنشیکیلیپ ۵ینیدلا روهال رازابودرا یروصق دمحم حراش و بترم دنبشقرن هجاوخ نتایعابر ۱۲۰ ۳۰۵
هفیحص

³⁰⁶ Наврӯзова Г.Н. Нақшбандия – хушёрлик йўли. – Т.: Фан, 2024. 184 б.

³⁰⁷ رباعیات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۱۲۱

Тасаввуфшунос олим Сайфиддин Сайфуллоҳ маълумот беришича, бу рубойни Нақшбандия таълимоти толиблари аср намозидан сўнг тасбиҳ, тиловат ва дуолардан кейин ихтиёрий равишда 5 марта ўқиганлар. Сайфиддин Сайфуллоҳ бу рубойни қуйидагича таржима этган:

Юракдаги қонимдан кўздаги нам яхшироқ,
Ҳам айшу-ишратдан, меҳнату ғам яхшироқ.
Ҳузури дил ила турмоқ Яратган даргоҳида,
Тамоми борлиқ, олам давлатидан яхшироқ.³⁰⁸

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу рубойсидан маълум бўладики, Аллоҳнинг даргоҳидан келадиган тажаллий файз ва нурларини ҳузури дил, яъни воқиғлик билан қабул қилиш барча неъматлардан афзал экан. Бу рубой ҳам Нақшбандия таълимоти тажаллийни орифона тушунтиришини англатмоқда. Бу ғоя Баҳоуддин Нақшбанднинг «Вуқуфи қалбий» – «Қалбдан огоҳлик, воқиғлик» тамойилига уйғундир.

Манбада 22-рақам билан қайд этилган бу рубой Баҳоуддин Нақшбанднинг бутун борлиқ Аллоҳ нурининг тажаллийси эканлигини намоён этмоқда.

ای شعله طور پور نور از تو
و ای مست بنیم جرعه منصور از تو
در هر شهر جهان سوز از تو
می از تو مست از تو مخمور از تو
*Эй шўлаи Тур, Тур пурнур аз Ту!
В-эй маст ба ним чуръа Мансур аз Ту.
Дар ҳар шаҳри ҷаҳон, ҷаҳонсўз аз Ту,
Май аз Ту, маст аз Ту, махмур аз Ту.*³⁰⁹

³⁰⁸ Сайфиддин Сайфуллоҳ, Ҳазрати Нақшбанд рубойлари. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» – нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2009. 15-бет.

³⁰⁹ رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیۃ پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفہ ۶۲

Мазмуни:

Эй Турнинг шуъласи, Тур нурли Сендан,
Ва ярим журъа билан мастдир Мансур Сендан.
Жаҳоннинг ҳар бир шаҳрида жаҳонсўз Сендан,
Май Сендан, маст Сендан, махмур Сендан.

Рубоийда Тур тоғининг нури, Мансур Ҳалложнинг журъати ва ҳар бир шаҳардаги жаҳонга бориб етадиган сўз устаси ҳам Унинг нурининг тажаллийси эканлиги таъкидланмоқда. Май ҳам, мастлик ҳам, ҳушёрлик ҳам Ундан дейиш билан Баҳоуддин Нақшбанд инсон борлиғидаги вужуднинг имкониятлари Ундан эканлигини кўрсатмоқда.

Юқоридаги рубоийларнинг таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Нажмиддин Кубро тажаллийни ошиқона, фано бўлиш мазмун-моҳияти билан ёритган.

2. Баҳоуддин Нақшбанд тажаллийни орифона изоҳлаб, маърифатли бўлиш босқичи сифатида тушунтирган.

3. Тажаллий асосий тасаввуфий-фалсафий тушунча бўлиб, ишқ йўлидаги ошиқлар ва маърифат йўлидаги орифлар учун ўзига хос мазмун-моҳият касб этади.

4. Нақшбандия таълимотидаги ҳушёрлик йўли илоҳий моҳият тажаллийсини мақбул инъикос этади. Бу таълимотдан Янги Ўзбекистонда маърифатли жамият қуриш учун фойдаланиш яхши самара беради.

8.5. Ибодатда холислик ва риё

Янги тараққиёт босқичида Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш эзгу ниятимиздир. Бу шарафли вазифани амалга ошириш учун халқимизда ҳалоллик, поклик, ростлик, софлик, меҳнатсеварлик каби фазилатларни тарбиялаш долзарб масаладир. Мустақиллик йилларида динийлик ва дунёвийлик масалаларига янгича қараш билан тадқиқотлар олиб борилмоқда. Диний манбалардаги тасаввуф фалсафасига оид таълимотлар ўрганилмоқда. Улардаги ижобий томонлар маънавиятимизни юксалтириш учун

фойдаланилмоқда. Халқнинг руҳиятини юксалтиришда тасаввуфий мазмундаги рубоийларнинг аҳамияти каттадир. Шунинг учун тасаввуфнинг намоёндалари Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларини ўрганиб, халқимизни риё, мунофиқлик, зоҳирпарастликдан асраш учун фойдаланиш зарурдир.

Тарихийлик ва мантиқийлик услуби асосидаги изланишларимиз натижасида риё қораланган Нажмиддин Кубро, Сайфиддин Боҳарзий ва Баҳоуддин Нақшбанд рубоийсини тасаввуфий-фалсафий таҳлил этдик. Холислик ва риё ҳақидаги рубоийлар қиёсий, анализ ва синтез услублари билан таҳлил этилди. Уларнинг мазмун-моҳиятини герменевтик ёндашув асосида тушуниб, тушунтиришга ҳаракат қилдик.

Тасаввуфнинг Нақшбандия таълимоти ҳалол луқма асосида яшашни тарғиб этади.³¹⁰ «Дил ба Ёру даст ба кор» шиори асосида холис Аллоҳ ризолиги учун эзгу ишларни қилиш бу таълимотнинг асосий тамойилидир. Нақшбандияда ризо – Аллоҳ ризолиги учун амал қилиш олий мақсаддир.³¹¹ Шунинг учун риё бу таълимотда қораланади. Риё – ўзгаларга кўрсатиш, кўз-кўз қилиш, нафс истаги асосида бажариладиган амаллардир. Риёли минг йиллик ибодатнинг сўфийлар аҳли учун заррача қадри йўқ. Баҳоуддин Нақшбанд рубоийлари ва ҳикматли сўзларида риёли амал қораланган. Баҳоуддин Нақшбандни риёни қоралаган рубоийларини биз Нажмиддин Куброда ҳам учратдик. Бу рубоий қуйидаги мазмундадир:

³¹⁰ Наврўзова Г.Н. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан, 2005. – 233 б.

Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан, 2007. – 189 б.

Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд. (Рисола). – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти, 2011. 24 б.

Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Фан, 2021. – 244 б.
Navruzova G.N. Bahauddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). *Islom tafakkuri* (Maxsus son), 2020. 5–8-б.

Наврўзова Г.Н. Шукроналик – инсон камолотининг асоси. // *Imom Vuxoriy saboqlari*. 2023. №3. 121–123-бетлар.

Наврўзова Г.Н. Бухорои шарифнинг етти пири ҳалол тушунчаси хусусида. // *Imom Vuxoriy saboqlari*. 2022. 4-сон 51–52-бетлар.

³¹¹ Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларидаги инсон тушунчасининг фалсафий таҳлили. // *Islom tafakkuri*. 2024. 2-махсус сон 49–53-бетлар.

گر طاعت خود نقش کنم بر نانی
و آن نان نصم پیش سکی بر خوانی
و آن سگ سالی گرسنه زندانی
از ننگ بر آن نان نهند دندانی

*Гар тоати худ нақш кунем бар ноне,
В-он нон ниҳем пеши саге бар хоне.
В-он саг соли гурусна зиндони,
Аз нанг бар он нон наниҳад дандоне.*³¹²

Мазмуни:

Агар тоатимни бир нонга нақш қилсам,
Ушбу нонни бир ит олдида дастурхонда қўйсам.
Бу ит бир йил оч зиндонда бўлса ҳам,
Уятдан бу нонга тишини ҳам теккизмайди.

Бу рубоийни Матназар Абдулҳаким қуйидагича таржима этган:

Банд бўлса агар йил бўйи бир зиндонга,
Оч ётса мудом тўйғунича то жонга.
Нонга битиб ибодатимни, берсам,
Жирканиб ит тиш урмагай ул нонга.³¹³

Таржимон Нажмиддин Кубронинг риёли амални қоралаб ёзган бу рубоийсини маҳорат билан ўзбек тилига ўгириб, унинг мазмун-моҳиятини тўла ёритган. Таржима этилган рубоийдан маълум бўладики, бир йил зиндонда оч ётган ит ҳам тоати битилган нондан жирканиб, ҳатто тишини ҳам теккизмайди. Бу билан риёли амалдан, ҳатто, ит ҳам жирканишини таржимон жуда гўзал тавсиф этган.

Эргаш Очиллов Нажмиддин Кубронинг бу рубоийсини қуйидагича таржима қилган:

³¹² Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас. Рубоийлар // Форсийдан М.Абдулҳаким таржимаси // . - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 36-бет.

³¹³ Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас. Рубоийлар // Форсийдан М.Абдулҳаким таржимаси // . - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 35-бет.

Нақш этсаму тоатимни парча нонга,
Берсам уни итга – ётибон зиндонга.
Келган эса-да очлигидан афғонга,
Урмас тишини номус этиб ул нонга.³¹⁴

Эргаш Очиловнинг таржимасида инсон тоатини кўз-кўз қилиб бир парча нонга нақш этганида, зиндонда ётган оч ит ҳам номус этиб, ул нонга тишини урмаслигини таъкид этмоқда. Очликдан фиғони фалакка чиққан ит ҳам риёли ибодат нақш этган нонни ейишни ўзига номус деб билиб, унга тишини ҳам теккизмаган.

«Рубоийети Хожа Нақшбанд» асарининг 120-рақамли рубоийси қуйидаги мазмундадир:

گر طاعت خود نقش کنم بر نانی
و آن نان بنهم پیش سگی نادانی
آن سگ باشد گرسنه در کهدانی
از عار بر آن نان ننهد دندانای
*Гар тоати худ нақш кунам бар ноне,
В-он нон биниҳам пеши саги нодоне.
Он саг бошад гурусна дар қаҳдони,
Аз ор бар он нон наниҳад дандоне.*³¹⁵

Мазмуни:

Агар тоатимни бир нонга нақш этсанг,
Ва у нонни бир нодон итни ёнида қўйсанг.
Бу ит қаҳдонда оч бўлсада,
Ор қилиб у нонга тишини ҳам теккизмайди.

Баҳоуддин Нақшбанднинг рубоийси ҳам Нажмиддин Кубронинг юқоридаги рубоийсининг мазмунини акс эттиради. Бу рубоийнинг иккинчи қаторида тоат нақш этилган нон нодон итнинг ёнига қўйилгани ёзилган. Учинчи қаторда эса бу ит оч қаҳдон яъни молхонада эканлиги таъкидланган. Шунга қарамай ит бу нонга тишини теккизишни ҳам ор деб билиши ёзилган.

³¹⁴ Донишмандлар тухфаси. Рубоийлар. – Тошкент: «O‘zbekiston», 2009. 104.

³¹⁵ رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۱۶۵

Тарихийлик ва мантиқийлик услуби асосида тадқиқ этганимизда, бу рубойи биринчи марта Нажмиддин Кубро томонидан ёзилганлиги маълум бўлади. Чунки Нажмиддин Кубро ўз шогирди Сайфиддин Боҳарзийни Бухорога юборади. Сайфиддин Боҳарзий даврида Бухорога Шариф деган фахрий унвон берилган. Сайфиддин Боҳарзийни Шайхул Олам шарафли номи билан улуғлаганлар. Бизнинг фикримизча, Сайфиддин Боҳарзий устози Нажмиддин Кубро айтган юқоридаги рубойи толиби илмларга етказган. Натижада манбаларда бу рубойи Сайфиддин Боҳарзийга тегишли эканлиги таъкидланган. Тадқиқотчи Норова Малика ўз илмий ишларида бу ҳақида ёзган.

Тадқиқотимиз натижасида аниқланган Баҳоуддин Нақшбанднинг «Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асаридаги 120-рақам билан келтирилган рубойи аслида Нажмиддин Куброники бўлиб, унинг шогирди Сайфиддин Боҳарзий орқали Бухорои Шарифнинг Ҳақиқат толиблари ўртасида кенг ёйилади. Баҳоуддин Нақшбанд ҳам бу рубойи ўрганиб, ўз шогирдларига риёли амалнинг ёмонлигини кўрсатиш мақсадида айтганлар. Кейинчалик бу рубойи Баҳоуддин Нақшбандга тегишли деб манбаларга кирган.

«Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асаридаги 58-рақамли рубойи Нақшбандия таълимотида холис, тамасиз, риёсиз амал қилиш лозимлигини кўрсатади:

پیوسته رضای دوست میدارم دوست

اندوه و بلاى دوست میدارم دوست

گر جان طلبند چه گنه تقصیر کنم

من جان برای دوست میدارم دوست

Пайваста ризоӣ Дӯст, медорам дӯст,

Андуху балой Дӯст, медорам дӯст.

Гар қон талабанд, чи гуна тақсир қунам,

Ман қон барои Дӯст, медорам дӯст.³¹⁶

رباعیات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفه ۹۹ 316

Мазмуни:

Мудом Дўстнинг ризолигин яхши кўраман,
Дўстнинг ғам-ғуссасини яхши кўраман.
Жонимни агар талаб этса рад этмасман,
Мен дўст учун жонимни беришни яхши кўраман.

Бу рубойида дўст деганда Аллоҳ англонади. Баҳроуддин Нақшбанд бу рубойида орқали Нақшбандия таълимотида Аллоҳ ризолиги асосий тамойил эканлигини таъкидламоқда. Бу таълимотдаги «Бозгашт» – «Қайтиш»³¹⁷ рашҳасига асосан ҳақиқат толиби ҳар бир амалидан кейин қайтиб, уни холис, Аллоҳ ризолиги учун қилганлигини аниқлайди. Агар риё аралашган бўлса тавба қилиб уни янгидан амалга оширади.

Юқоридаги тадқиқотларимиз натижаси асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Диний ва дунёвий амаллар: холис, яъни розилик билан, миннатсиз амалга оширилган ҳамда риёли, яъни нафс истаги асосида бошқаларга кўз-кўз учун қилинадиган амалларга бўлинади.
2. Дунёвий ишлардаги холис амаллар ва диний холис ибодатлар жамият учун манфаатли бўлиб, тинчлик ва аҳилликнинг асосидир.
3. Риёли ибодат ва амал Нажмиддин Кубро рубойида қаттиқ қораланган. Бу рубойи Баҳроуддин Нақшбандга мансуб эканлиги «Рубойиёти Хожа Нақшбанд» асарида келтирилган.
4. Нақшбандия таълимотидаги ризо ҳақидаги тушунча холис меҳнат қилишга ундайди. Уни тарғиб этиш ҳозирги кун учун ҳам аҳамиятлидир.

8.6. Дарвеш тушунчаси

Фалсафа фанининг асосий масаласи инсонни мукамал ўрганишдир.³¹⁸ Нажмиддин Кубро ва Баҳроуддин Нақшбанд рубойларининг асл манбадаги араб графикаси, форс тилидаги нусхаси

³¹⁷ Наврўзова Г.Н. Абдуллоҳиқ Ғиждувоний. – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази» нашриёти, 2020. 108 б.

Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – ҳушёрлик йўли. – Т.: Фан, 2024. 45–46-бетлар.

³¹⁸ Анвар Чориев. Инсон фалсафаси: Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти (биринчи китоб). – Тошкент: «O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati» nashriyoti. 2007. 416 б.

асосида қиёслаш, анализ ва синтез қилиш ҳамда герменевтик услуб билан таҳлил этиш асосий тасаввуфий тушунчаларнинг фалсафий моҳиятини очишга ёрдам беради.

Тасаввуф таълимотида дарвеш тушунчаси мавжуд. Дарвеш Ҳақ йўлига кирган ва камолга етган инсондир. Манбаларда дарвешга турлича таърифлар берилган. Дарвешлар фақр йўлига кирган ва мол-дунёдан кўнглини узиб, Аллоҳ марҳаматигагина боғланган инсонлардир.

Нажмиддин Кубро рубойлари жамланган «Жамолинг менга бас» асаридаги биринчи рубойда дарвеш тушунчаси қуйидагича тавсиф этилган:

زَنہار مَرِن تُو طَعَنہ بِر دَرُویشَان
هستند ایشان چندانچه هستند ایشان
خواهی که بدانی که کیانند ایشان
یکعالم مس بیار و یکتجز ایشان

*Зинҳор мазан ту таъна бар дарвешон,
Ҳастанд эшон чандон чи ҳастанд эшон.
Хоҳи, ки бидони киёнанд эшон,
Як олам мас биёру як жуз эшон.*³¹⁹

Мазмуни:

Сен дарвешларга зинҳор таъна тошларини отма,
Улар қандай бўлсалар, ўшандайдирлар.
Агар уларнинг ким ва қандайликларини билмоқчи бўлсанг,
Бир олам кучлиларини келтир-у шуларга қарши биттасини қўй.

Рубойининг 4-қаторидаги мас деган сўз бузург, меҳтар, яъни каттакон, кучли деган маънони англатади. Аммо бу рубойни таржима этганлар унинг асл моҳиятини бошқача изоҳлаганлар.

«Жамолинг менга бас» рубойлар тўпламида юқоридаги рубой биринчи сон сифатида ёзилган ва қуйидагича таржима этилган:

³¹⁹ Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас. Рубойлар // Форсийдан М.Абдулҳаким таржиси // . – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 16-бет.

Дарвеш элин ёзғурма дебон хордурлар,
То бордур улар, борлигича бордурлар.
Тариқчага қонеълар, олам тегса,
Сабр бирла қаноатга чунон ёрдурлар.³²⁰

Эргаш Очиллов ҳам «Донишмандлар туҳфаси» асарида бу рубоийни 14-рақам билан белгилаб, қуйидагича таржима этган:

Дарвеш элига айлама таънаки,
Улар қандай туғилган эса – шундай ўлар.
Бир олам зар бергилу ол бир арпа –
Билмоқчи эсанг кимлигини асли улар.³²¹

Юқорида келтирилган икки рубоийда ҳам дарвешларни тавсифлашда уларнинг қаноатли, сабрли эканлиги таъкидланган. Ваҳоланки, рубоийнинг асл форсий тилдаги нусхасининг таҳлили кўрсатяптики, гап дарвешнинг сабру қаноати ҳақида эмас, балким унинг камолот даражаси ҳақида бормоқда. Сабр, қаноат каби фазилатлар дарвеш халқини камолотига ёрдам берувчи воситадир. Дарвешлар ризо мақомига етган,³²² камтаринлик ва шукроналик,³²³ тавбаю, кечиримлилик³²⁴ сифатларини эгаллаган ҳалол ва пок инсонлардир. Улар фақат ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол луқмани истеъмол қиладилар.³²⁵ Шунинг учун ҳам уларнинг вужудлари пок бўлиб, қалблари бутун борлиқни ойнадек акс эттиради. Уларга бу моддий оламнинг ўткинчи эканлиги аёндыр. Дарвешлар бу фазилатларни эгаллаб шундай камолот даражасига етадиларки, зоҳиран Кичик олам бўлсаларда, ботинан Катта олам-

³²⁰ Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас. Рубоийлар // Форсийдан М.Абдулҳаким таржимаси // . – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 15-бет.

³²¹ Донишмандлар туҳфаси. Рубоийлар. – Тошкент: «O'zbekiston», 2009. 105.

³²² Наврўзова Г.Н. Нақшбандия таълимотида ризо тушунчаси. // *Islom tafakkuri*. 2022. 2-сон. 39–46-бетлар.

³²³ Наврўзова Г.Н. Нақшбандия таълимотида ризо тушунчаси. // *Islom tafakkuri*. 2022. 2-сон. 39–46-бетлар.

³²⁴ Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларида инсонни руҳий мувозанати масаласи. *Interpretation and researches*. Volume 1 issue 22. 30.12.2023. p.171–176.

³²⁵ Наврўзова Г.Н. Бухорои шарифнинг етти пири ҳалол тушунчаси хусусида. // *Imom Vohoriy saboqlari*. 2022. 4-сон 51–52-бетлар.

дирлар.³²⁶ Улар Аллоҳнинг жамолу жалолени тажаллий этадилар. Нажмиддин Кубро рубойсида дарвешлар аслида Аллоҳ уларни қандай яратган бўлса, шундай пок ҳолатда сақланганлигини, мунофиқлик уларга ёд эканлигини таъкидламоқда. Дарвеш тушунчаси зоҳири ботинига уйғун, ўзининг асл вазифасини англаган, илоҳий куч-қувватга эга комил инсонни англатади. Шунинг учун Нажмиддин Кубро рубойнинг 3–4-мисраларида дарвешнинг кимлигини аниқламоқчи бўлсанг, бир олам ҳамма соҳадан кучли бўлганларни йиғин ва уларга қарши битта дарвеш етарли эканлигини ёзиб, унинг кучу қудратини тавсиф этмоқда.

«Рубоиёти Хожа Нақшбанд» асаридаги 46-рубойнинг мазмуни ҳам дарвеш тушунчасининг моҳиятига бағишланган.

باشير و پلنگ هر كه آويز كند

بايدكه ز تيغ فخر پر هيز كند

آه دل درویش چو سوهان ميدان

گر خود نبرد برنده را تيز كند

Бо шеру паланг ҳар, ки овез кунад,

Бояд, ки зи теғи фахр парҳез кунад.

Оҳи дили дарвеш чу суҳон медон,

*Гар худ набурад бурандаро тез кунад.*³²⁷

Мазмуни:

Шер ва йўлбарс билан ҳар ким овез қилса,

Фахр тиғидан керакким парҳез қилса.

Дарвешлар юрак фиғонини суҳон-эгав каби бил,

Гар ўзи кесмаса ҳам кесувчини ўткир қилар.

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу рубойларидан маълум бўладики, у киши дарвешларнинг шеру йўлбарсни ўзига итоат қилдира оладиган кишилардан кўра жуда юксакда туришини таъкидламоқда. Дарвешларнинг оху фиғонини Баҳоуддин Нақшбанд суҳон, эгав, ўткир кесувчи қиличга тенглаштиради. Уларга нисба-

³²⁶ Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд рубойларидаги инсон тушунчасининг фалсафий таҳлили. // *Islom tafakkuri*. 2024. 2-маҳсус сон 49–53-бетлар.

³²⁷ رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۸۷

тан нотўғри муносабатда бўлганларга дарвешларнинг қуввати ё ўзи кесади, ёки кесувчи тиғини ўткирлаштиради.

Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларида дарвеш ҳурматга лойиқ, эъзозга муносиб комил инсон сифатида таърифланган.

مردان رهش ميل بهشتی نكنند

خود پرستی نكنندخود بینی و

آن جا كه مجردان حق می پويند

خوم خانه تهی كنند و مستی نكنند

Мардон раҳаш майли биҳишты нақунанд,

Худбинию, хештанпарастй нақунанд.

Он жо, ки мужаррадони Ҳақ мепўянд,

*Хумхона таҳи қунанд-у мастй нақунанд.*³²⁸

Мазмуни:

Мард инсонлар жаннатга томон майл қилмаслар,

Худбинлик, хештанпарастлик қилмаслар.

У жойдаким Ҳақнинг мужаррадлари борлар,

Хумхонани бўшатарлару мастлик қилмаслар.

Манбадаги 74-рақам билан белгиланган бу рубоийда Баҳоуддин Нақшбанд дарвешларни мард – эранлар, деб таъриф бермоқда. Улар ҳар бир амалини жаннат учун эмас, Аллоҳ ризолиги учун қилурлар. Дарвешсифат мардлар учун худбинлик, худпарастлик ётдир, яъни улар ҳар бир ишни эзгулик мақсадида қилурлар. Баҳоуддин Нақшбанд дарвешларни Ҳақнинг мужаррадлари деган ибора билан таърифламоқда. Чунки улар учун Ҳақнинг розилигидан ўзга мақсад ва муддао йўқ. Бундай инсонлар Аллоҳнинг ишқидан баҳраманд бўлсаларда, мастлик қилмаслар. Дарҳақиқат Нақшбандия таълимотида ҳушёр бўлиш меъёр ва ҳадни билиш асосий талабдир.

درویشان را بخیر دل مست بتو

هر دم که زنند جز دم هست بتو

رباعیات خواجہ نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ صحیفہ ۱۶۶ ۳۲۸

زنهار از این قوم بصبر میباش
صد سر نرود که در میان دست به تو
*Дарвешонро ба хайр дили маст ба Ту,
Ҳар дам, ки зананд чуз дами ҳаст ба Ту.
Зинҳор аз ин қавм басабр мебош,
Сад сар наравад, ки дар миёни даст ба Ту.*³²⁹

Мазмуни:

Дарвешлар қалби хайрлилик ила маст Сендан,
Ҳар лаҳза, ҳар нафасда ҳуши бор Сендан.
Бу қавмдан Сен сабрли бўлгин,
Юз бош кетмаса ҳам, Сенинг қўлларидадир.

Манбада 111-рақам билан белгиланган Баҳоуддин Нақшбанд-нинг бу рубойси дарвешларнинг юраги хайр ва эзгулик билан лиммо-лим эканлиги қайд этилмоқда. Улар ҳар нафас ҳар бир дамини Аллоҳни англаб ҳушёрлик билан ўтказадилар. Шунинг учун бу қавмга нисбатан сабрли бўлиш лозим. Уларнинг қўлларида фақат Унинг истаги, розилиги амалга ошади.

درويشانيم نشسته بر كوه و دره
که آن جا که پلنگ و شير و اژدر گذره
پيران قوی دارم مردان سره
هر کس که بما کج نگرَد جان نبره
*Дарвешонем нишаста бар кӯҳу дара,
Ки он ҷо, ки палангу шеру аҷдар гузара.
Пирони қавий дорему, мардони сара,
Ҳар кас ки ба мо қач нигарад, ҷон набара.*³³⁰

Мазмуни:

Дарвешлармиз ўтирармиз тоғу дарада,
У ерда йўлбарсу шеру аждарлар борлар,
Кучли пирларимиз бор, яхши мардларимиз бор,
Ким бизга эгри қараса ўз жонига зарар қилур.

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۱۳۶ 329

رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۱۶۱ 330

«Рубоиёти Хожа Нақшбанд»даги юқорида қайд этилган 116-рақамли рубой дарвешлар қаерда бўлмасалар ҳам қўрқмас ва ботир эканликлари, улар учун шеру йўлбарс ва аждарлар қўрқинчли эмаслиги таъкидланмоқда. Аммо дарвешларга ишончсизлик билан нотўғри қараган кишилар ўз жонига зарар қилиши ҳам кўрсатилмоқда.

Юқоридаги муҳокама ва натижалар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Нажмиддин Кубро рубойидаги дарвешга берган таърифнинг моҳияти ўзбек тилидаги таржималардан фарқ қилади.

2. Нажмиддин Кубро дарвеш ўз асл илоҳий вужуд ва руҳиятини сақлаган жуда кучли баркамол инсон эканлигини таъкидлаган.

3. Нажмиддин Кубро рубойлари таржимасида ёзилган сабруқаноат фазилатлари дарвешнинг камолоти учун зарурий босқичлардир.

4. Баҳоуддин Нақшбанд рубойида дарвешга берилган таъриф Нажмиддин Кубро ғоялари билан уйғундир.

ХУЛОСА

Янги Ўзбекистонда диний ва дунёвий соҳада илмий изланишлар олиб борган, фаолият юритган буюк алломаларимиз, пиру муршидларимиз меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уларнинг замон руҳига мос ғояларидан ёшларни интеллектуал салоҳиятли, маърифатли, муносиб ворислар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, «Бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим... Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда, тушунарли, жозибали шаклда етказиб бериши зарур».³³¹ Шу жиҳатдан, Нақшбандия таълимоти асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросини чуқур ўрганишнинг аҳамияти каттадир.

Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросида Нақшбандия таълимоти, «Аврод» рисоласи, ҳикматли сўзлари билан бирга рубоийлари ҳам борлигини тадқиқотларимиз натижасида аниқладик.

Баҳоуддин Нақшбанддан 137 та рубоий сақланганлиги ҳақида Муҳаммад Содиқ Қусурий томонидан тартибга келтириб, урду тилида шарҳланган «Рубоийети Хожа Нақшбанд» асари гувоҳлик беради.

«Рубоийети Хожа Нақшбанд» асари Баҳоуддин Нақшбандни рубоийнавис шоир эканлигига асосдир.

«Рубоийети Хожа Нақшбанд» асарида жамланган 137 рубоийнинг фалсафий таҳлили асосида 13 қисмли таснифлар кўрсатадики, уларнинг асосий мазмуни тавҳидга бағишланган бўлиб, фалсафанинг борлиқ муаммоларини очиб беришга ёрдам беради. Шунингдек, уларнинг кўпчилиги инсон хусусияти, ўзликни англаш ва комил инсон сифатларини очишга бағишланган бўлиб инсон фалсафасини ўрганиш манбаи бўла олади.

«Рубоийети Хожа Нақшбанд» асаридаги 83-рубоий таҳлили Баҳоуддин Нақшбанднинг жасорат ва ҳиммат эгаси эканлигини исботлайди.

³³¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: «O'zbekiston», 2021. 224-бет.

Баҳоуддин Нақшбанднинг илмга оид қарашларидаги ладуний илм, яқин илми, фаросат илмидан ташқари ишорат илми ва вақт илми ҳақидаги ғоялар борлигини рубоийлар кўрсатмоқда.

Рубоийлар таҳлили кўрсатадики нақшбандия аҳли учун Аллоҳ ризолиги ва унинг васлига етиш асосий мақсаддир ва бутун борлиқ Аллоҳ томонидан яратилгани учун Унинг қудрати, қуввати, жамоли ва жалолини кўриб меҳру-муҳаббат билан муносабатда бўладилар.

Рубоийларда инсоннинг руҳий мувозанатининг асоси ўз гуноҳини англаб тавба мақомига кириш, инсонни кечиримли бўлиши жисман ва маънан юксалишининг асосий воситаси эканлиги таъкидланган.

Аллоҳ Раззоқдир ва барча борлиққа – табиат, жамият, инсониятга тенг, меъёрида ризқни беради, Аллоҳга таваккал қилиб, ҳалол ва пок меҳнат қилган киши белгиланган ризқини териб олиши рубоийларда тавсифланган.

Умид инсонга ижобий қувват берадиган ва эзгу ҳаракатлар қилишга чорлайдиган тасаввуфий тушунча эканлиги рубоийларда баён этилган.

Шукроналик ва камтаринлик инсон камолотининг асосий фазилати эканлигига Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва фаолияти далилат беради.

Камтаринлик инсонни очиқ тизимдаги ҳолатда бўлишига имкон беради ва уни ижобий қувватларини қабул қилишга қодир қилади. Кибр инсонни ёпиқ тизим ҳолатига тушириб, уни ижобий қувватлардан тўсадиган парда ва ҳижоб бўлади.

Нақшбандия таълимотининг ўзига хослиги: инсонларнинг қалбида Аллоҳни нақшлаш йўлини ўргатувчи энг мақбул таълимот эканлиги ва суҳбатга махсус эътибор берганлиги рубоийларда исботланган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг рубоийлари Кубровия таълимотининг асосчиси Нажмиддин Кубро билан борлиқ, назар, ишқ, тажаллий, ибодатда холислик, риё ҳамда дарвеш тушунчаларининг қиёсий таҳлилида умумийлик ва ўзига хослик борлиги намоён бўлади.

Умумий хулоса қилиб айтганда, Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларини ўрганиш Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойде-

ворини қуриш вазифасини бажарадиган ёш авлодни тарбиялаш учун қимматбаҳо хазинадир. Бу рубойларнинг мазмун-моҳиятини англаб ёшлар онги ва қалбига сингдириш учун маънавий-маърифий тарғибот ишларини кучайтириш ва таълим дастурларига киритиш лозим.

Рубойларнинг урду тилидаги шарҳларини ўрганиб, илмий жамоатчиликка етказиш асосий вазифа бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши, № Ф-4988, 11 июль, 2017.
2. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. 464 б.
3. Каримов И.А. Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи / Халқ сўзи, 1993. 15 сентябр.
4. Абдураҳмон Жомий. Рисола дар маънии ҳуш дар дам. ЎзФА ШИ. Қулёзма N 3844-В. 126 в.
5. Абдураҳмон Жомий. Нафаҳотул унс. – Лакнау: Нувил Кишур, 1908. 243 б.
6. Абдураҳмон Жомий. Тухфат ул-Ахрор. – Лакнау: Нувил Кишур, 1908. 117 б.
7. Абу Али ибн Сино. Ишқ ҳақида рисола. Таржимонлар: Маҳкам Маҳмуд., Зайниддин Баҳриддинов. Шарқ юлдузи 2014-йил 1-сон 96-101, 2-сон 59–63-бетлар. Saviya.uz. Shuningdek: www.kh.uz.
8. Абулҳасан Хужвирий. Кашф ул маҳжуб. Фаридун Осиебий Ишқий Зинжоний таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси). – Тەҳрон: «Теббӣён», 2003. 122-бет.
9. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсидан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 335 б.
10. Авлиякулов Н.Х. Нақшбандия таълимоти жаҳон цивилизация ривожланиши баёнида. – Т.: «Fan va texnologiya», 2018. 60 б.
11. Азизиддин Насафий. Комил инсон китоби. Нажмиддин Комилов, Олимжон Давлатов таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2021. 232 б.
12. Азизиддин Насафий. Ишқ баёнида / Комил инсон китоби. Еттинчи рисола. Форс тилидан Нажмиддин Комилов, Олимжон Давлатов таржимаси // Jahon adabiyoti. 2019, 3-сон 40–62-бетлар.

13. Акимушкин О. Ал-Джунайд / Ислам Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. 68–69 с.
14. Али ибн Усман аль-Джулаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф аль-махжуб ли арбаб аль кулуб). / Перевод с английского А. Орлова, Изд. Перв. – Москва: Единство, 2004. 504 б.
15. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр / Хамса. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Олтинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2011. 805 б.
16. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1991. 181 б.
17. Алишер Навоий. Насоимул муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. 17 том. – Т.: Фан, 2001. 520 б.
18. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин / Хамса. Тўла Асарлар Тўплами. Ўн жилдлик. Олтинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. 805 б.
19. Алиқулов Х. Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2006. 59 б.
20. Арабские рукописи Востоковедения Академии Наук СССР, (Краткий каталог) под. ред. Халидова А.Б. Наука Москва. 1986. ст 171.
21. Анвар Чориев. Инсон фалсафаси: Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти (биринчи китоб). – Тошкент: «O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati» nashriyoti. 2007. 416 б.
22. Асфаҳзот А. Адабиёти форсу тоҷик дар нимаи дуввуми асри XV. – Душанбе: Дониш, 1989. 250 с.
23. Афсаҳзод А. Абдурахмон Жоми. – Душанбе: Маориф, 1978. 136 с.
24. Аҳмад Заҳид Кутку. Тасаввуфи Ахлақ. – Истанбул: Сена, 1985. 302 с.
25. Аҳмад Хожаги Косоний. Рисолаи чаҳор калима. Қўлёзма. Ўз.Р ФАШИ № 501/ХВИ; 13 б.
26. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: «Ғафур Ғулом» нашриёти, 1991. 256 б.
27. Барноев Санжар. Юсуф Ҳамадонийнинг инсон ва коинот уйғунлигига оид таълимоти ва меъёр масалалари. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА). Илм-фан бўлими (электрон журнал) 2020 йил март сони.

28. Баҳоуддин Нақшбанд (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г.Н. Наврўзова. – Тошкент: «Sano-standart» нашриёти, 2019. 256 б.
29. Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (тўлдирилган иккинчи нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи таржимон Г.Н. Наврўзова. – Т.: «Sano standart», 2019. 112 б.
30. Баҳоуддин Нақшбанд. Рубойилар. – Бухоро: «Sadriiddin Salim Buxoriy» нашриёти, 2023. 84 б.
31. Баҳоуддин Нақшбанд. Ҳикматли сўзлар. Bahouddin Nakshband. Words of wisdom. Ҳикматли сўзларни тўпловчи ва мақолалар муаллифи. Г.Н. Наврўзова, Ҳикматли сўзларни инглиз тилига таржима этувчи З. Расулов. «Sadriiddin Salim Buxoriy». «Durдона» nashriyoti. 2020. 52 б.
32. Бекмуродов М. Фаросат илми. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2022. 191 б.
33. Бертельс Е.Э. Четверостишия Шейха Нажм ад-Дина Кубра // Суфизм и суфийская литература. – Москва: 1965 С.324–328.
34. Бухорий Садриддин Салим. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. – Т.: «Navro'z», 2015. 360 б.
35. Бобохонов Ш., Мансур А. Нақшбандийя тариқатига оид қўлёзмалар фикристи. – Т.: Мовароуннаҳр, 1993. 127 б.
36. Болтаев М.Н. Хўжа Абдулхолиқ Гиждувоний инсон дўст ҳаким, рифъат шайх. – Бухоро: Бухоро, 1994. 51 б.
37. Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи: (Самарқанд ва Самарқандликлар). – Т.: Ёзувчи, 1994. 98 б.
38. Донишмандлар тухфаси: Рубойилар / таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Эргаш Очиллов. Т.: «O'ZBEKISTON» 2009. – 400 б.
39. Жалолиддин Румий. Маснавийи Маънавий. Куллиёт. Биринчи жилд. Биринчи китоб / Таржимон Асқар Маҳкам. Шарҳ, муаллифлари Обиддин Пошшо, Карим Замоний, Асқар Маҳкам. – Т.: Шарқ, 1999. 368 б.
40. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001. 192 б.
41. Зойиров Э. Маҳдуми Аъзамнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашлари. – Т.: Дурдона, 2015. 144 б.

42. Зойиров Э. Махдуми Аъзам. (рисола). – Т.: «Abu matbuot-konsalt», 2011. 28 б.
43. Зойиров Э. Махдуми Аъзамнинг «Рисолаи вужудия» асари. // Сино. 2008. № 29. 71–76 б.
44. Зойиров Э. Яъкуби Чархийнинг тасаввуфий ирфоний қарашлари. – Бухоро: «Дурдона», 2023. 128 б.
45. Имом Абу Абдурахмон ас-Суллами. Табақоти суфийя. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 2004. 91 б.
46. Ислом энциклопедияси: А-Ҳ / З.Хусниддинов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2003. 672 б.
47. Кныш А. Қалб. / Ислам энциклопедический словарь. – Москва: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1991. с. 131.
48. Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – Москва–Санкт-Петербург. «Диля», 2004. с. 453.
49. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. К.1. – Т.: «Ёзувчи», 1996.
50. Комилов Н. Тавҳид асрори. Иккинчи китоб. – Т.: «Ўзбекистон», 1999.
51. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи Маънавий. Биринчи китоб. / Форсийдан Камол Ж. таржимаси. – Т.: Фан, 2005. 368 б.
52. Мавлоно Яъқуб ибн Усмони Чархи. Мухтасар дар баёни силсилаи Нақшбанд; Қўлёзма. ЎзФАШИ. N 9328–1–В. 7.
53. Маънавият юлдузлари (Марказий осиелик машхур сиймолар, алломалар, адиблар). – Т.: А Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 2021.
54. Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тоҷик. – Душанбе: Адиб, 1989. 258 с.
55. Муҳаммад Порсо. Рисолаи қудсия. Тошбосма.
56. Муҳаммад Зоҳид Кутқу. Нафс нимадир? Таржимон: Зебунисо Хусайн қизи. – Т.: «Sharq» 2021. 335 б.
57. Муҳаммад Боқир, Мақомати ҳазрат хоча Нақшбанд. – Бухоро: Бухорои шариф, 1326 ҳ. й. 154 б.

58. Маҳдуми Аъзам. Рисолаи вужудия (Вужуд ҳақида рисола) / Таржимон, тўпловчи ва мақолалар муаллифи Наврўзова Г.Н., Зойиров Э.Х. – Бухоро: Бухоро, 2006. 99 б.
59. Мудрость суфиев / Пер. с персид. О.М. Ястребовой, Ю.А. Иоаннесяна, Б.М. Бабаджанова. СПб.: Азбука. – Петербургское Востоковедение, 2001. 448 с.
60. Мухамеджоджаев А. Идеология накшбандизма. – Душанбе: До ниш, 1991. 230 с.
61. Мўминов И.М. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар (IX асрдан XX асрнинг бошларигача). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фан нашриёти, 1999. 256 б.
62. Навоий асарлари луғати. – Т.: Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 781 б.
63. Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан, 2005. 233 б.
64. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан, 2007. 189 б.
65. Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Фан, 2021. 244 б.
66. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – ҳушёрлик йўли. – Т.: Фан, 2024. 184 б.
67. Наврўзова Г., Зойиров Э. Бухорои шарифнинг етти пири. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2018. 72 б.
68. Navruzova G.N. Bahauddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). Islom tafakkuri (Maxsus son), 2020. B. 5–8.
69. Nigmatovna N.G., & Erkinovna U.V. Pharaoh of the weavers of bahauddin Naqshband. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*, 2020. 10(5), 922–926.
70. Nematovna, N. G. The essence of Abu Ali Ali Sina’s treatise on birds and the influence of mystical ideas on its development. In *Archive of Conferences*. 2021, February.
71. Negmatovna, N. G. Khojagon education and the specifics of this way. *Academicia: An international multidisciplinary research journal*, 2021. 11(1), 1331–1337.

72. Наврўзова Г.Н., Рахматова Х.Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси. – Бухоро: «Бухоро» 2010. 150 б.
73. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд. – Бухоро: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009. 174.
74. Navruzova, G. Bahauddin Naqshband-the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). Islamic thinking. Scientific-educational, religious-cultural, information publication magazine. Tashkent. Special issue, 2020. 5–8.
75. Negmatovna, N.G. Bahouddin Nakshband Abdurahmon Jomiy In The Public Description. Central Asian Journal of literature, philosophy and culture, 2021. 2(4), 79–85.
76. Navruzova G.N. The Tendency «Wuqufi Zamoniyy» of Bahauddin Naqshband. Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture, 2020. 3(3), 41–45.
77. Navruzova G.N. Sayyid amir Kulol-Bahauddin Naqshband's teacher. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 2021. 11(10), 2109–2116.
78. Navruzova G.N. Bahauddin nakshband's role in improving human's spirituality. Journal of Contemporary Issues in Business and Government, 2021. 27(2), 4089–4097.
79. Navro'zova G.N. Kamtarinlik ila kamolga yetgan valiy. // Ilm sarchashmalari. 2023. №8. 48–50-бетлар.
80. Наврўзова Г.Н. «Dam – bu damdir» // Тафаккур. 2019. 3-сон. 119–121-бетлар.
81. Наврўзова Г. Dilda darj naqshlar // Tafakkur / 2022. №2. 85–86-бетлар.
82. Наврўзова Г.Н., Нурматова Н.У. Юсуф Ҳамадоний – Етти Пирнинг табарруқ устози. – Т.: «Mashhur-press» нашриёти, 2016. 148 б.
83. Наврўзова Г.Н. Вақтнинг тасаввуфий талқини. // Фалсафа ва ҳуқуқ, 2009. №3. 21–23-бетлар.
84. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти. – Бухоро: Бухоро, 2008. 40 б.
85. Наврўзова Г.Н. Ҳазрат Азизон камолотга етишишнинг ўн шарти хусусида. – Бухоро: «Бухоро», 2007. 37 б.

86. Наврўзова Г. Баҳроуддин Нақшбанд. (Рисола). – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти, 2011. 19-бет.
87. Наврўзова Г.Н., Сафарова Н. Амир Кулол ва Баҳроуддин Нақшбанднинг тасаввуфий дунёқарашлари. Бухоро: «Бухоро», 1996. 97 б.
88. Наврўзова Г.Н., Зойиров Э.Х., Юнусова Г.С. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006. 133 б.
89. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия таълимотида ҳаёт тушунчаси. *Islom tafakkuri*. 1-Maxsus son. 2023. 3–10-бетлар.
90. Наврўзова Г. Назар бар қадам – ҳаётбахш ғоя. // *Мулоқот*. 2003. №3, 38–40-бетлар.
91. Наврўзова Г. Назар бар қадам // *Мулоқот*. 2004. №5, 23–25-бетлар.
92. Наврўзова Г. Юсуф Ҳамадонийнинг инсон камолотига оид ғоялари. // *Имом ал-Бухорий сабоқлари*. 2006. №3, 198–201-бетлар.
93. Наврўзова Г. Бухородаги Юсуф Ҳамадоний ирфоний мактаби. // *Бухоро мавжлари*. 2007. №3, 32–34-бетлар.
94. Наврўзова Г.Н. Абдулхолиқ Гиждувоний. – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2020. 108 б.
95. Наврўзова Г.Н. «Ҳуш дар дам» тамойили ва билиш масалалари. *Фалсафа ва ҳуқуқ*. 2023. №2. 42–44-бетлар.
96. Наврўзова Г.Н. «Ҳуш дар дам» тамойили: фалсафий таҳлил. *Scientific forum: theory and practice of research III International scientific and theoretical conference*. 10 march, 2023. 171–173 с.
97. Наврўзова Г.Н. Махдуми Аъзам Нақшбандия асоси бўлган тўрт калима хусусида // *Academic research in educational sciences*. 2021. №3. 188–199-бетлар.
98. Наврўзова Г. Баҳроуддин Нақшбанднинг «Вуқуфи замоний тамойили». *Фалсаф ва ҳуқуқ, Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий журнал*. 2022. №2 32–34 б.
99. Наврўзова Г.Н. Шоҳ Нақшбанд Алишер тавсифида. *Islom tafakkuri (Maxsus son)*, 2021. 3–9 бет.
100. Наврўзова Г. Шукроналик – инсон камолотининг асоси. // *Имом Бухорий сабоқлари*. 2023. №3. 121–123-бетлар.

101. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия таълимотида ризо тушунчаси. // *Islom tafakkuri*. 2022. 2-сон. 39–46-бетлар.
102. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд илм хусусида // *Islom tafakkuri*. 2023-йил 2-сон. 3–10 б.
103. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросининг янги қирраси. // *Islom tafakkuri*. 2024. 1-сон. 3–7 бетлар.
104. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида суҳбат тушунчаси. *Interpretation and researches*. Volume 2 issue 1(23). 30.01.2024. p.19–22.
105. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларида инсонни руҳий мувозанати масаласи. *Interpretation and researches*. Volume 1 issue 22. 30.12.2023. p.171–176.
106. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия: Нақшдан бенақш сари йўл. *Interpretation and researches*. Volume 2 issue 8(30). 10.05.2024. p.219–225.
107. Наврўзова Г.Н. Бухорои шарифнинг етти пири ҳалол тушунчаси хусусида. // *Imom Vuxoriy saboqlari*. 2022. 4-сон 51–52-бетлар.
108. Наврўзова Гулчеҳра. Ҳалоллик – тинчлик ва хотиржамлик асоси. *Imom Vuxoriy saboqlari*. Ма'naviy-ма'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal. 2022/1. 9–11-б.
109. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларидаги инсон тушунчасининг фалсафий таҳлили. // *Islom tafakkuri*. 2024. 2-махсус сон 49–53-б.
110. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларида инсонни руҳий мувозанати масаласи. *Interpretation and researches*. Volume 1 issue 22. 30.12.2023. p.171–176.
111. Наврўзова Г.Н., Раупова Р. Хожа Исмаи Бухорий ишқнинг инсон камолотидаги ўрни хусусида // Таълим тизимда ижтимоий-гуманитар фанлар. Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети. – Т.: 2010. №2. 47–48-б.
112. Наврўзова Г.Н. Нақшбандийликда тажаллий тушунчаси // *Фалсафа ва ҳуқуқ*. Илмий-назарий, маърифий журнал. Тошкент. 2004. №2 15–17-бетлар.
113. Наврўзова Г.Н. Илоҳий ишқ маликаси // *Бухоро мавжлари*. (Адабий-бадий, ижтимоий-маърифий журнал) – Б., 2004. №4 31–33-б.

114. Нажмиддин Кубро. Рубойлар (Ж.Камол таржимаси) // 333 рубоий. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 49–53-бетлар.
115. Нажмиддин Кубро. Жамоллинг менга бас. Рубойлар // Форсийдан М.Абдулҳаким таржимаси //. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 64 б.
116. Намозов Б. Хожа Муҳаммад Порсонинг фалсафий таълимоти. – Тошкент, «Мумтоз», 2015. 125 б.
117. Насафий (Е.Е. Березиков). Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. – Т.: «Фан», 1993. 48 б.
118. Норова М. Сайфиддин Бохарзий. – Бухоро: «Sadriiddin Salim Vuxoriy» Durdona nashriyoti, 2020, 56 бет.
119. Норова М. Марказий Осиё тафсир илмининг ривожига Сайфиддин Бохарзийнинг ўрни // Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги ЎЗА илм-фан бўлими (Электрон журнал). – Тошкент, 2020 йил, май. – Б 1–7.
120. Ориф Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. – Тошкент: Университет, 1993. 33 б.
121. Проф. Инайят-хан. Суффиское послание о свободе духа. – Москва: «Реверс», 1914. с. 47.
122. Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. – Душанбе: 2017. 456 с.
123. Рисолаи дигар мансуб ба Соҳиб-зода. / Моле. Нақшбандиёт. – Техрон, 1958. 322 б.
124. Рисолаи Ҳазрат Мавлави Жомий. Қўлёзма. 49 в.
125. Рисолаи Ҳазрат Азизон / Наврўзова Г.Н. Хожа Али Ромитаний ва Баҳоуддин Нақшбанд. – Бухоро: Бухоро, 1994. 21–25-бетлар.
126. Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожаги Косоний Маҳдуми Аъзам. Тўрт калима (йи қудсийя) ҳақида рисола / Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожаги Косоний Маҳдуми Аъзам (ҳаёти, фаолияти, илмий ва маънавий мероси). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси маънавий маданият тарғибот маркази, 1993. 37 б.
127. Сайфиддин Сайфуллоҳ, Ҳазрати Нақшбанд рубойлари. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. 20 б.

128. Салоҳиддин ибн Муборак. Анис ут-толибин уддат ус-соликин. Қўлёзма. 320 в.
129. Саччоди. Фарҳанги луғот ва истилоҳот ва таъбироти ирфони – Техрон, 1350 ҳ. й. 356 с.
130. Саъдий Шерозий. Гулистон. Қўлёзма. 132 в.
131. Серебряков С.Б. Трактат Ибн Сины (Авиценны) О Любви. – Тбилиси: «Мецниереба», 1976. 177 с.
132. Султонмурод Олим. Баҳоуддин Нақшбанд ҳамда Нақшбандия тариқатининг ислом оламидаги ўрни, мавқеи ва аҳамияти // Глобаллашув шароитида тариқатлар: таълимот ва услублар, таҳлил ва хулосалар / масъул муҳаррир: И. Усмонов; Тошкент ислом университети, Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014. 176–223-бетлар.
133. Тасаввуф истилоҳлари шарҳи / Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Т.: «Мовароуннаҳр» 2004. 215-бет.
134. Таҳсин Ёзувчи, Нақшбанд Ислом энциклопедияси. Истанбул. 1954, 53-б.
135. Тураев Б.О. Махдуми Аъзам-мутафаккир. – Т.: ИБХМН, 2013. 10 б.
136. Тураев Б., Зоҳидий А. Сийрати ва мероси. – Т.: Адолат, 2001. 133 б.
137. Тримингэм Ж.С. Суфийские ордены в исламе. // Перевод с англ. А.А. Ставиской, под редакцией с предисл. О.Ф. Акимушкина. – Москва. Наука Глав.ред.вост.лит-ры, 1989. 328 с.
138. Турар У.Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. 180 б.
139. Усмонов И. «Тасаввуф» фанидан глоссарий. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2011. 95 б.
140. Фалсафа: қомусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). – Т.: «Шарқ» нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси. Бош таҳририяти, 2004. 496 б.
141. Фарҳанги забони тоҷики. Иборат аз ду чилд. Ч. 2. – М.: «Советская энциклопедия», 1969. 952 с.
142. Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Обихаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. Масъул муҳаррир: Б. Умрзоқ (ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. 536 б.

143. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Сўзбоши, таржима луғат ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Т.: Ўзбекистон, 2003. 128 б.
144. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Маслак ал орифин. Қўлёзма. 183 в.
145. Хожа Али Ромитаний. Рисолаи Азизон. Қўлёзма 28 в.
146. Хожа Аҳрор Валий. Анфоси Нафиса. – Бухоро: Бухорои шариф: 1327 ҳ. й. 7 б.
147. Хожи Аҳрор Валийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари / Х. Рахматова; – Тошкент: «Adib» нашриёти, 2014. 128 б.
148. Хожа Ahror Valiy ma'naviy merosida murosa falsafasiga doir g'oyalar tahlili. / X.X. Rahmatova. – Buxoro: Sadriddin Salim Buxoriy, 2023. 232 б.
149. Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий. Орифнома. // Таржимон Садриддин Салим Бухорий, Исроил Субҳоний. – Т.: Наврўз, 1994. 16 бет.
150. Хожа Муҳаммад Порсо. Рисолои қудсия. Баҳоуддин Нақшбанднинг қудсий калималари / А.Болтаев таржимаси. – Т.: «Movarounnahr», 2020. 120 б.
151. Хожа Муҳаммад Порсо. Таҳқиқот. Намозов Б.Б. таржимаси. Бухоро. Марказий АКМ Шарқ қўлёмалари бўлими. INV / 137 рақамли қўлёмма. 98 б.
152. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўзбоши ва изоҳ муаллифлари – М. Ҳасаний, Б. Умрзоқ, Ҳ. Амин. – Т.: Адолат, 2004. 385 б.
153. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. – Т.: «Янги аср авлоди», 2003. 23 б.
154. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. (Рутбат ул-ҳаёт) / Таржимон ва сўзбоши муаллифлари Сайфидин Сайфуллоҳ, Нодирхон Ҳасан. – Т.: Янги аср авлоди. 2003. 64 б.
155. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. // Таржимон ва нашрга тайёрловчи Иброҳим Ҳаққул, Азиза Бектош. – Т.: Моворауннаҳр, 2004. 263 б.
156. Шайх Ҳаким Моуннуддин Чиштий Суффиское целительство. – Москва–Санкт-Петербург: «Диля», 2002. с. 208.
157. Шамсиддин Сомий. Қомус ал-аълум. – Истанбул. 1312 ҳ.й.

158. Шарипова О. Абдулхолиқ Гиждувоний ҳаёти ва тасаввуфий мероси. – Т.: Фан, 2008. 118 б.
159. Юнусова Г.С. Абдулқодир Гийлоний ва қодирия таълимоти. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009. 168 б.
160. Юрген Пауль. Доктрина и организация Хваджаган – Нақшбандийа в первом поколении после Баҳауддина. / Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). – Санкт-Петербург: Наука, 2001. 160 с.
161. Яъқуб Чархий. Рисолаи унсия (Дўстона суҳбат). Таржимон ва шарҳлар муаллифи С. Раҳмонов. – Самарқанд: «Самарқанд давлат чет тиллар университети» нашриёти, 2022. 78 б.
162. Қосимов Убайдулло. Тасаввуф психологияси [Матн]. – Тошкент: «Dizayn-print» МЧЖ нинг «IJOD-PRESS» нашриёти, 2019–192 б.
163. Қуръони карим таржимон ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: «Sano-standart», 2021. 618 б.
164. Ғарб фалсафаси. – Т.: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти, «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2004. 718 б.
165. Гиждувоний Абдухолиқ. Васиятнома. // Зикри Қалб Султони (Бадий, тарихий тўплам) / Тўпловчи ва таржимон Ибодат Ражабова. 1-қисм. – Бухоро: «Бухоро», 2003. 151–153-бетлар.
166. Ҳазратқулов М. Тасаввуф. – Душанбе: Дониш, 1990.
167. Ҳаққулов И. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007. 131 б.
168. Ҳиравий Ж. Рисолаи раҳнамои уқдакушои // Моле М. Нақшбандиёт. – Техрон, 1952. 285–293-бетлар.
169. Shakh Muhammad Hisam Kabbani. The Naqshband i Sofi way / History and Euidebook if the Saints of Golden Chain-Chicado: Kazi Publications, ins, 1995.
170. مرآت السالكين. مير بابا ابن مير درويش نقشبندي. كتبخانه مركزى و مركز استاد انشگاه تهران: ۲۱۶-ص
171. رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ صحيفه ۱۸۴

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
-------------	---

I БОБ. РУБОИЁТИ НАҚШБАНД

1.1. Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросининг янги қирраси	14
1.2. Баҳоуддин Нақшбанд рубойларини шарҳлаган аллома ...	20
1.3. Рубойлар таснифи.....	26

II БОБ. ШОҲ НАҚШБАНДНИ ТАВСИФЛОВЧИ ЯНГИ МАНБА

2.1. Ҳазрат Шоҳ Нақшбанд.....	34
2.2. Баҳоуддин Нақшбанд ҳиммати ва жасорати.....	41

III БОБ. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ИЛМГА ОИД ҚАРАШЛАРИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

3.1. Ишорат илми	48
3.2. Ирфон масаласи	52

IV БОБ. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД РУБОЙЛАРИДАГИ ИНСОН ТУШУНЧАСИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

4.1. Инсон борлиғи	57
4.2. Ўзликни англаш масаласи.....	67
4.3. Уйғунликка оид рубойлар.....	70
4.4. Рубойларида васл масаласи	73

V БОБ. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД РУБОЙЛАРИДА ИНСОННИНГ РУҲИЙ МУВОЗАНАТИ МАСАЛАСИ

5.1. Тавба.....	78
5.2. Ризқ масаласи.....	85
5.3. Умид тушунчаси.....	89

VI БОБ. ИНСОН КАМОЛОТИНИНГ АСОСИ БЎЛГАН ФАЗИЛАТЛАР

6.1. Шукроналик	97
6.2. Камтаринлик	106

VII БОБ. НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

7.1. Нақшбандия: нақшдан бенақшлик сари йўл.....	114
7.2. Суҳбат тушунчаси	120

VIII БОБ. НАЖМИДДИН КУБРО ВА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД РУБОЙЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

8.1. Олам ва инсон муносабатлари.....	123
8.2. Назар тушунчасининг тасаввуфий-фалсафий таҳлили ..	128
8.3. Ишқ тушунчаси	139
8.4. Тажаллий тушунчаси	149
8.5. Ибодатда холислик ва риё	154
8.6. Дарвеш тушунчаси	159
ХУЛОСА.....	166
ҲОЙДАЛАНЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	169

Илмий нашр

ГУЛЧЕҲРА НАВРЎЗОВА

**НАКШБАНД
РУБОИЙЛАРИ
ФАЛСАФАСИ**

Муҳаррир Жасурбек Кутбиддинов

Дизайнер Муродилло Раҳмонов

Мусахҳиҳ Улуғбек Мираъзамов

Саҳифаловчи Дониёр Муродов

1385



«Фан» нашриёти давлат корхонасида
нашрга тайёрланди ва чоп этилди.
Тошкент ш., Яшнобод тумани,
Яҳё Ғуломов кўчаси, 70-уй.
Тел.: +99899 7917555

10.06.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими $70 \times 100 \frac{1}{16}$. «Cambria» гарнитураси.
Шартли босма табағи 11,5. Адади -- нусха.
Буюртма рақами № --. Баҳоси шартнома асосида.